

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК728.2:69.059(575.1)«18»

КАРИМОВ АБРОРБЕК АНВАРЖОН ЎҒЛИ
БУХОРО ТУРАР ЖОЙ МЕЪМОРЧИЛИГИ XIX АСР МЕЪМОРИЙ
ЧИЗМАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

5A151202- Санъат асарлари ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
а.ф.д., проф. Нозилов Д.

Тошкент-2018

Мазкур тадқиқот иши “Бадий кулолчилик ва таъмирлаш” кафедрасида бажарилган. Ушбу кафедранинг 2018 йил _____ даги _____ - сонли мажлисида ҳамда Амалий санъат факультетининг 20_____ йил _____ даги _____ сонли факультет кенгашида муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия этилган.

Такризчилар: **Ички такризчи:** **Санъатшунослик фанлар номзоди, доцент: Р.С.Фатхуллаев**

Ташқи такризчи: Арх.ф.д. Ш.Ж.Асқаров

Магистратура бўлими бошлиғи:

Н.Б.Алиева

Бадий кулол ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш кафедра мудири:

К.Сиддиқов

Диссертация илмий раҳбари

а.ф.д., проф. Д.А.Нозилов

Ҳимоя 2018 йил _____ соат да Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти залида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

Амалий санъат факультети

Магистратура талабаси: Каримов

Аброрбек Анваржон ўғли

Бадий кулол ва меъморий

Илмий раҳбар: а.ф.д., проф.

ёдгорликларни таъмирлаш

Д.А.Нозилов

кафедраси

2017-2018 ўқув йили

Мутахассислиги – 5A151202-Санъат

асарлари ва меъморий ёдгорликларни

таъмирлаш

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Мавзунинг долзарблиги. Мавзунинг долзарблиги XIX аср Бухоро турар жой меъморчилигига оид меъморий чизмаларни таҳлилий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш ва бухоролик меъмор тарҳини чизма ва макетда қайта тиклаш ҳисобланади.

Мавзунинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаси Бухоро турар жой меъморчилигини XIX аср меъморий чизмалари таҳлили асосида ўрганиш ҳамда бухоролик меъмор тарҳини чизмада ва ашёда қайта тиклаш ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Магистрлик диссертациясининг объекти Бухоро турар жой меъморчилигига оид XIX асрда яратилган

меъморий чизмалар ҳисобланса, ишнинг предметини мазкур меъморий чизмаларни, ўрганиш, таҳлил қилиш ташкил қилади.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Диссертация мавзусидан келиб чиққан ҳолда кузатиш, таққослаш, таҳлил қилиш каби услублардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси. Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги бухоролик меъмор томонидан яратилган тарҳ чизмада ва макетда илк бор тикланиши ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи. Мазкур ишнинг амалий аҳамияти шундаки, XIX асрга мансуб Бухоро турар жойлари тарҳларини қайта тиклаш жараёнига татбиқ этиш мумкин.

Иш тузилиши ва таркиби. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова каби қисмлардан иборат.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. XIX асрга мансуб Бухоро меъморчилигида яратилган чизмалар таҳлилий ўрганилди ва бухоролик меъмор тарҳи чизма ва ашёда тикланди.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. XIX аср Бухоро турар жойлари иқлим шароити ва ер ресурсларининг танқислигидан келиб чиққан ҳолда лойиҳаланган. Асосий қурилиш хомашёси лой ҳисобланган. Ёзги ва қишки уйлар мавжуд бўлган ҳамда турар жойлар қурилишида диний эътиқод муҳим омил саналган.

English version of annotation

ABSTRACT OF MASTER'S THESIS

The relevance of the topic. The relevance of the topic is an in-depth study of the architectural drawings of the XIXth century and to rebuild the drawing of Bukhara's architect in target and the model.

Objectives and tasks of the subject. The objective and task of the subject are to study the Bukhara's architecture based on the analyses of the XIXth century architectural drawings, and to rebuild the drawing of Bukhara's architect **in target and the model.**

Object and subject of research. The object of the master's dissertation is architectural drawings of Bukhara architecture of the XIXth century, the subject of the research is to study and analyze these architectural drawings.

Research methods and methodology. Depending on the theme of dissertation, such methods as observation, comparison, and analysis were used.

The level of scientific novelty of the research results. The scientific novelty of the master's thesis is the first restore of the drawing created by the architect of Bukhara in **target and the model.**

Practical significance and application of the research results. The practical significance of this work is that it can be applied to the rebuilding of Bukhara drawings of the residential houses of the XIXth century.

The structure and composition of the work. The master's thesis consists of introduction, three chapters, a summary, a list of references, and applications.

Main results of the work done. The drawings of Bukhara architecture of the XIXth century were studied analytically and the drawing of the Bukhara's architect was rebuilt in target and the model.

A brief overview of conclusions and recommendations. Bukhara residential buildings of the XIXth century were designed based on climate and land resources deficit. The main construction raw materials were clay. Religious beliefs were important factors in the construction of summer and winter housing.

Scientific advisor

(signature)

Master degree student

(signature)

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	7
I боб. Ўзбекистонда XIX аср халқ турар жой меъморчилиги.	14.
1. Бухоро турар жой меъморчилиги (тарҳи, турмуш тарзи, композицияси) ечими..	14
2. Самарқанд ва Тошкент турар жой меъморчилиги (тарҳи, турмуш тарзи, композицияси) ечими.	24
3. Фарғона ҳамда Хоразм турар жой меъморчилиги (тарҳи, турмуш тарзи, композицияси) ечими.	36
I боб бўйича хулоса	46
II боб. Ўзбекистонда XIX аср халқ турар жой меъморчилиги композицион боб. ечимларида ўзига хослик	48
1. Ўзбекистон шаҳарларидаги халқ турар жойларининг композицион ечими	48.
2. Халқ турар жой меъморчилигига хос хусусиятлар таҳлили	58
3. Халқ турар жойларини барпо этиш анъаналарини шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар	65
II боб бўйича хулоса	72
III боб. Бухоро меъмори чизган тарҳ реконструкцияси	73.
боб. .	
1. Бухоро меъмори чизган иморат тарҳи таҳлили (ҳар бир хона вазифаси ва улар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш)..	73
2. Бухоро меъмори чизган тарҳни XIX аср халқ меъморчилигига хос ҳолда чизмада реконструкциясини бажариш.	80
3. Бухоро меъмори чизган тарҳни макетда реконструкциясини яратиш.	87
III боб бўйича хулоса	94
Хулоса	95
Адабиётлар рўйхати.	99
Илова	

К И Р И Ш

Уй-жой қуриш санъати XIX асрларга келиб юксакликка кўтарилди. Бир неча юз йиллик маданий тараққиёт асосида маҳаллий иқлим шарт-шароитлари ва халқнинг турмуш тарзи ҳамда урф-одатлари ҳисобга олиниб, Ўрта Осиёнинг тоғолди районлари, пасттекисликларидаги аҳоли пунктлари шимолий ва жанубий ҳудудларни эгаллаганликлари ҳам бунда ўз ифодасини топди. Пировардида ҳозир меъморчилик санъати тарихи билан шуғулланувчилар орасида Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива ва Фарғона турар жой типлари фарқ қилинади. Бундан ташқари тоғолди ва дашт зоналари уйлари типи ҳам мавжуд. Буларнинг ҳар бири маҳаллий халқ меъморчилик мактаблари маҳсули бўлиб, айтилиши вақтда умумий муштарак белгиларга ҳам эга.

Бу умумийлик шундан иборатки, уларнинг барчасида асосий элемент ҳовли ҳисобланади. Ҳовлилар асосан даҳлизлар воситасида боғланган хоналар ҳамда айвон ва шу сингари ёзги яшаш жойлари, хўжалик ҳамда ёрдамчи хоналар билан тўрт атрофдан ўраб олинган бўлган.

Ўзбек усталари уй-жой ҳовли саҳнсиз тасаввур ҳам қила олмас эдилар. Зеро ҳовли саҳни ўзбек халқининг оилавий турмушида ҳаётий аҳамиятга эга бўлган. Жазирама ёз кунларида ҳовли саҳни ўзига хос кўм-кўк водийга айланади, у ерда хонадон соҳиблари учун ҳаммавақт иш топилган, ҳордиқ чиқариш ҳам мумкин бўлган.¹

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Магистрлик диссертациясининг долзарблиги шундаки, XIX аср халқ турар жойлари меъморчилиги янги авлодлар учун маҳаллий меъморчилик мактаби анъаналарининг бой тажрибасини мерос қилиб қолдиргани билан катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Ҳовлиларни шакллантириш, унга нисбатан хоналар ва ёзги иншоотларни жойлаштириш

¹ Манакова В.Н. Художественная культура народного жилища Узбекистана. –Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1990. – Б. 33.

услуги юқорида санаб ўтилган шаҳар ва вилоятларда ўзига хос регионал кўринишни келтириб чиқарган.

Мавзунинг яна бир долзарб томони шундаки, бухоролик меъмор томонидан лойиҳаланган турар жой тарҳи шу кунга қадар ўрганилмаган ва таҳлилий тиклаш ишлари олиб борилмагани билан муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабдан ҳам Бухоро турар жой меъморчилиги XIX асрга оид меъморий чизмалари таҳлилий жиҳатдан чуқур тадқиқ этилган ҳолда чизма ва макет кўринишида меъмор томонидан илгари сурилган турар жой тарҳи қайта тикланади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ўзбек анаъанавий турар жойларининг Бухоро ҳудудига хос бўлган, XIX асрда шаклланган уй-жой қуришнинг ўзига хос қонуниятлари очиқ берилади. Иқлим шароитларининг турличалиги ва уй-жой қуриш жараёнида ернинг танқислиги каби омиллар ҳар бир ҳудудда бир-биридан фарқли равишда турар жойлар қуриш анаъанасини шакллантирган омиллар саналади.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Магистрлик диссертациясининг объектини Бухоро турар жой меъморчилигига оид XIX асрда яратилган меъморий чизмалар ташкил қилади. XIX асрда бухоролик меъморлар томонидан чизмаларда акс этган турар жойларнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш учун бу чизмаларга чуқур таҳлилий ёндашув талаб этилади.

Мазкур меъморий чизмаларни, ўрганиш, таҳлил қилиш, бу каби турар жой типларининг шаклланишига сабаб бўлган омилларни ўрганиш тадқиқот ишининг предмети ташкил қилади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади Бухоро турар жой меъморчилигини XIX аср меъморий чизмалари таҳлили асосида ўрганиш ҳамда бухоролик меъмор тарҳини чизмада ва ашёда қайта тиклаш тадқиқот ишининг мақсади ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Ўзбекистонда XIX аср халқ турар жой меъморчилигининг ўзига хос хусусиятлари, шаклланиш омил ва сабабларини таҳлил қилиш;
- Бухоро турар жой меъморчилигининг уй-жойлар тарҳи, аҳоли турмуш тарзи ва турар жойлар композицияси ечимига боғлиқ ҳолда ўрганиш;
- Самарқанд ва Тошкент турар жой меъморчилигининг уй-жойлар тарҳи, аҳоли турмуш тарзи ва турар жойлар композицияси ечимига боғлиқ ҳолда тадқиқ қилиш;
- Фарғона ҳамда Хоразм турар жой меъморчилигининг уй-жойлар тарҳи, аҳоли турмуш тарзи ва турар жойлар композицияси ечимига боғлиқ ҳолда ўрганиш;
- Ўзбекистонда XIX аср халқ турар жой меъморчилиги композицион ечимларида ўзига хосликни ёритиш;
- Ўзбекистон шаҳарларидаги халқ турар жойларининг композицион ечимларидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатларни баён этиш;
- халқ турар жой меъморчилигига хос хусусиятлар таҳлилини ёритиш;
- халқ турар жойларини барпо этиш анъаналарини шаклланишига таъсир кўрсатган омилларни санаш;
- Бухоро меъмори чизган тарҳ реконструкциясининг ўзига хосликларни тадқиқ қилиш;
- Бухоро меъмори чизган иморат тарҳи таҳлили жараёнида ҳар бир хона вазифаси ва улар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;
- Бухоро меъмори чизган тарҳни XIX аср халқ меъморчилигига хос ҳолда чизмада реконструкциясини бажариш;
- Бухоро меъмори чизган тарҳни макетда реконструкциясини яратиш.

Илмий янгилиги. Тадқиқот ишининг илмий янгилиги шундаки, XIX аср Бухоро меъморлари томонидан яратилган меъморий тарҳларни умумлаштирган ҳолда тадқиқ қилиш ўрганиш ҳамда бухоролик меъмор томонидан яратилган тарҳни чизма ва макетда қайта тиклаш ишнинг илмий

янгилиги ҳисобланади. Бугунги кунга қадар мазкур тарҳ бўйича реставрацион нуқтайи назардан илмий изланишлар олиб борилмаганлиги жиҳатидан меъмор тарҳини қайта тиклаш илк бор амалга оширилмоқда.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотнинг бош масаласи XIX асрда яратилган Бухоро турар жой меъморчилигига оид меъморий чизмаларни таҳлили ҳисобланади. Тадқиқотнинг етакчи масаласи эса бухоролик меъмор томонидан яратилган тарҳни макет ва чизмада тиклаш етакчи масаласи саналади.

Тадқиқотнинг фаразлари қуйидагилардан иборат:

- Бухоро турар жойлари иқлим хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳаланган;
- фасллар алмашувига мослашган хоналар мавжуд бўлиши;
- ер ресурсларини етишмаслиги турар жойларини кўп қаватли тарзда лойиҳаланишига олиб келган;
- турар жой қурилишида асосий хом ашё лой ҳисобланган;
- ҳовлилар лойиҳасида диний эътиқод ҳам муҳим ўрин тутган;
- Ўзбекистон ҳудудидаги турар жойлар жойлашган ҳудудига қараб фарқли хусусиятларга эга ҳисобланади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Мавзу доирасида кўплаб илмий адабиётлар кўздан кечирилди. Жумладан, Д.Нозиловнинг “Халқ меъморчилиги”², “Ўрта Осиё меъморчилиги ва меҳмонхоналар”³, О. А. Сухареванинг “Бухара XIX город – начало XX веков (позднефеодальный город и его население)”⁴, М.Қ.Аҳмедовнинг “Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи”⁵, П.Ш.Зоҳидовнинг “Меъмор олами”⁶, “Художественная культура народного жилища Узбекистана”⁷, Н.Абдуллаевнинг “Ўзбекистон санъати

² Нозилов Д. А. Халқ меъморчилиги. – Т.: Фан, 1982. - 96 б.

³ Нозилов Д. А. Ўрта Осиё меъморчилиги ва меҳмонхоналар. – Т.: Ўзбекистон, 1977. - 24 б.

⁴ Сухарева О. А. Бухара XIX город – начало XX веков (позднефеодальный город и его население). – М. Наука, 1966. - 327 с.

⁵ Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. –Т.: Ўзбекистон, 1995. -140 б.

⁶ Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. -140 б.

⁷ Манакова В.Н. Художественная культура народного жилища Узбекистана. – Т.: Издательство литературы и искусства, 1989. - 184 с.

тарихи”⁸, И.М.Хўжанов “Фарғона водийси қишлоқ аҳолиси ва анъанавий турар жойларнинг этнохудудий хусусиятлари (XIX аср охири – XX аср бошлари)”⁹, С.А.Машарипованинг “Амударё куйи оқими минтақаси халқ меъморчилиги”¹⁰, Х. К. Джумабаевнинг “Архитектурный облик и эстетические качества сельского жилища Хорезма (традиция и новаторство)”¹¹, И.М. Азимовнинг Архитектура Узбекистана XVIII – начало XX века: Традиции и локальные особенности¹², Р.А. Абдурасулевнинг “Архитектура народного жилища Узбекистана”¹³, Л. И. Ремпельнинг “Архитектура старого Джуйбара”¹⁴, М. Ўринбоевнинг “Ўзбекистон аҳоли тураржойлари меъморлиги ва бадий маданияти”¹⁵, Б.Бўроновнинг “Бухоро тураржой меъморлигининг зийнати”¹⁶, “Бухоро шохнишинлари”¹⁷ ҳамда “XIX – XX аср бошларида Тошкент анъанавий уй-жой меъморчилиги”¹⁸ каби илмий адабиётлар, диссертация ва мақолалар кўриб чиқилди.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Диссертация мавзусидан келиб чиққан ҳолда кузатиш, таққослаш, таҳлил қилиш каби услублардан фойдаланилди. XIX асрга оид халқ меъморчилиги намуналари кузатиш услубидан фойдаланилган ҳолда ўрганилди. Кузатиш услуби орқали XIX асрга оид турар жой тархлари, фото материалларда сақланиб қолган уй-жой кўринишлари ва безаклари синчиклаб кўздан кечирилди. Таққослаш методидан фойдаланилган ҳолда Ўзбекистоннинг Самарқанд, Фарғона водийси, Тошкент ва Хоразм худудидан топилган уй-жой

⁸ Abdullayev N. O'zbekiston san'ati tarixi. – T.: O'zbekiston faylasuflar ilmiy jamiyati, 2007. - 236 б.

⁹ Хўжанов И.М. Фарғона водийси қишлоқ аҳолиси ва анъанавий турар жойларнинг этнохудудий хусусиятлари (XIX аср охири – XX аср бошлари). Диссертация. – Т.: 2007.

¹⁰ Машарипова С.А. Амударё куйи оқими минтақаси халқ меъморчилиги. Диссертация. – Т.: 2004.

¹¹ Джумабаев Х. К. Архитектурный облик и эстетические качества сельского жилища Хорезма (традиция и новаторство). Автореферат. – Баку, 1990. - 18 с.

¹² Азимов И.М. Архитектура Узбекистана XVIII – нач. XX вв.:Традиции и локальные особенности. Автореферат. – Т., 1999.

¹³ Абдурасулев Р.А. Архитектура народного жилища Узбекистана // Архитектурное наследие Узбекистана (сборник статей). –Т.: Издательство академии наук Узбекистана, 1960. – С. 6-37.

¹⁴ Ремпель Л. И. Архитектура старого Джуйбара // Архитектурное наследие Узбекистана (сборник статей). – Т.: Издательство академии наук Узбекистана, 1960. – С. 162-220.

¹⁵ Ўринбоева М. Ўзбекистон аҳоли тураржойлари меъморлиги ва бадий маданияти // Санъат. – Тошкент, 2005. – № 5. – Б. 8-10.

¹⁶ Бўронов Б. Бухоро тураржой меъморлигининг зийнати // Санъат. – Тошкент, 2003. – № 4. – Б. 27-28.

¹⁷ Бўронов Б. Бухоро шохнишинлари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2003. – № 3-4. – Б. 56-57.

¹⁸ Дўстматова З. XIX – XX аср бошларида Тошкент анъанавий уй-жой меъморчилиги // Санъат. – Тошкент, 2000. – № 1. – Б. 8-9.

намуналарининг ўхшаш ва фарқли томонлари қиёсий ўрганилди. Илмий тадқиқот жараёнида олинган натижалар таҳлил қилиш ва тавсифлаш методларидан фойдаланилган ҳолда баён этилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур магистрлик диссертациясидан олинган натижалар, илмий-назарий хулосалар XIX асрга оид Бухоро турар жой намуналарини илмий ўрганилганлиги жиҳатидан меъморчилик, санъат тарихи ҳамда таъмирлашга оид қўлланмалар, илмий рисоалар, ўрта-махсус ва олий таълим ўқув юртлари учун мўлжалланган дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратишда муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса XIX асрда бухоролик меъмор томонидан яратилган тарҳни чизмада ва макетда тикланганлиги билан муҳим ҳисобланади. Илмий тадқиқот давомида айнан мазкур бухоролик меъмор тарҳини чизмада ва макетда тиклаш бўйича қатор усуллар ишлаб чиқилди.

Иш тузилмасининг тавсифи. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова каби қисмлардан иборат. Илмий тадқиқот ишининг биринчи боби Ўзбекистонда XIX аср халқ турар жой меъморчилиги ҳақида бўлиб, мазкур боб ўз ичига уч бўлимни қамраб олади. Биринчи бўлим Бухоро турар жой меъморчилиги (тарҳи, турмуш тарзи, композицияси) ечимига, иккинчи бўлим Фарғона ҳамда Хоразм турар жой меъморчилиги (тарҳи, турмуш тарзи, композицияси) ечимига ва учинчи бўлим Фарғона ҳамда Хоразм турар жой меъморчилиги (тарҳи, турмуш тарзи, композицияси) ечимига бағишланган. Магистрлик диссертациясининг иккинчи бобида Ўзбекистонда XIX аср халқ турар жой меъморчилиги композицион ечимларида ўзига хослиги таҳлил қилинган бўлиб, бу боб ҳам уч бўлимни ўз ичига қамраб олади. Иккинчи бобнинг биринчи қисми Ўзбекистон шаҳарларидаги халқ турар жойларининг композицион ечимига, иккинчи қисми халқ турар жой меъморчилигига хос хусусиятлар таҳлиliga, учинчи қисм эса халқ турар жойларини барпо этиш анъаналарини шаклланишига таъсир кўрсатган омилларга бағишланган.

Тадқиқот ишининг учинчи боби Бухоро меъмори чизган тарх реконструкцияси деб номланади. Ушбу боб ҳам уч бўлимдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Г. Бухоро меъмори чизган иморат тарҳи таҳлили (ҳар бир хона вазифаси ва улар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш)га, иккинчи бўлимда Бухоро меъмори чизган тарҳни XIX аср халқ меъморчилигига хос ҳолда чизмада реконструкциясини бажариш ҳамда учинчи бўлимда Бухоро меъмори чизган тарҳни макетда реконструкциясини яратишга баён этилган. Ҳар бир боб хулосалар билан якунланган.

Хулоса қисмида эса тадқиқот натижалари умумлаштирилган ҳолда фикр ва мулоҳазалар билдирилган. Диссертациясининг илова қисмидан турар жойлар тарҳи ва реконструкциясига оид иллюстрациялар ўрин олган.

I боб. Ўзбекистонда XIX аср халқ турар жой меъморчилиги

1.1. Бухоро турар жой меъморчилиги (тархи, турмуш тарзи, композицияси) ечими

Бухоро шаҳарсозлик маданияти ўзининг узоқ тарихга эгаллиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Халқ меъморчилиги анъаналари асрлар давомида шаклланиб тараққий этган. Бухоро уйлари одатда дарвозадан анча нарида усти берк йўлак-долондан бошланган. Долоннинг аҳамияти тўғрисида машҳур арман адибаси ва шоираси Мариетта Шагиняннинг жуда ҳам эҳтиросли сўзлари бор. Шу фикрни тўлароқ келтиришни лозим топдик. “Бу Ордубадда (Эрон Озарбайжони) бўлган эди, - деб ҳикоя қилади шоира. Ҳарорат қирқ даража иссиқ эди. Қуёшнинг тик тушаётган нурларидан гўё ёниб бораётган кўчадан унча баланд бўлмаган (кўл узатса тегадиган) ярим тоқ шаклидаги дарвозадан ичкарига кирдим ва мени бирданига қоронғилик камраб олди. Йўлак боққамас, ҳовлигаям эмас, балки тоннел бўйлаб давом этарди. Ва кошинкорлик қилинган бу тоннел тўғри кетмасдан, ҳар ўн-ўн беш кадамда “тирсаксимон” бурилишлар ясаб борарди. Кошинларнинг тупроқрангу мовийроқ тусини ва ундаги кўза ичидаги тусини, озроққина ичига ботиб турган тоқчалар ва ундаги кўза ичидаги сувда қалқиб юрган атиргул япроқларини кўз илғаб олишдан олдин, мен димиқиб кетган, кўз очишга қўймайдиган жазирамадан роҳатбахш, салқин шабада эсаётган томонга бораётганимни сездим. Шабада гўё ёнингизда катта бир капалак елпитиб кетаётгандай туюларди. Ва сиз ичкарига кириб борганингизда, бу шабада сизнинг маржон терларингизни қуритиб, юзингиз алангасини сизга ҳузур бахш этади, энди юрагингиз бир маромда уриб, кўзларингиз ором олган, терингиз юмшаган, сочингиз оралаб салқинлик салқиб ўтиб ва ҳатто гўёки ковушингиздаги чанг йўл-йўлакай тушиб қолгандай туюлади, учинчи бурилишдан сўнг сизнинг олдингиздаги уйларнинг илоҳиёти – ҳовли намоён бўлади...

Ва ҳамма нарса дарров аён бўлиб қолади: бу тирсаксимон йўл кўркамлилиқ, ёки ҳовлининг қинғир-қийшиқлигидан эмас, балки ўзига хос соя ва салқин сақлагич ҳамда ҳаво ва шамолни йўналтирувчи механизм сифатида бунёд этилган” (Шоиранинг “О литературе и искусстве” китобидан)¹⁹.

Ҳақиқатдан ҳам долоннинг уй-жой қурилиш соҳасидаги вазифаси муҳим бўлган. Ўз ўрнида у яна вестибюль ролини ҳам бажарган. Бундан ташқари кўшимча қурилиш майдони, ёгин-сочиндан бошпана бўлиб хизмат қилган. Долон кўпроқ шаҳар ҳовлиларида ишлатилган. Долондан сўнг кириш ёки дарвозахона (айрим вақтда дарвозахона долондан аввал ҳам қурилган) жойлашган. Ўша даврда уйлар “ташқари” ҳамда “ичқари” ҳовлиларга бўлинган. Бунинг сабаби бўлган. Биринчиси ислом дини ақидалари таъсирида аёлларни бегона кўздан беркитиш бўлса, иккинчиси ундан анча олдин пайдо бўлган одат – ҳовлининг хўжалиқ (ташқари) ва маданий (ичқари) зоналарга бўлинишидир. Худди шунинг сингари хоналарнинг фақат ҳовли тарафига қаратилиб қурилишининг сабаби ҳам иккиёқлама характерга эга. Яъни дераза ва эшикларнинг ташқарига (кўчага) очилмаганлиги биринчидан шарият доирасида бўлса, иккиламчи бу ҳовлини ташқи шовқин, чанг ва ҳоказолардан мустасно қилиб, ҳовлидаги дарахт ва гулларга қарата қурилишидир. Бунинг исботи сифатида Ўрта Осиё турар жойларида мана шу омилнинг араблар истилосигача бўлганлигини келтириш мумкин.

Бой ва зодагонлар хонадонида дарвозахондан кейин кўндалангига девор кўтарилган. У “ғулом гард” яъни “қул қайтгин!” ёки “қул қайтар жой” деган маъноларни англатади. Бегона кишиларга бу девор чегарасидан ичқарига кириш рухсат этилмаган.

Ташқари ҳовлида одатда меҳмонхона, китобхона (кўпинча дарвоза устига болохона сифатида ўрнатилган), дўконлар (хунармандлар уйида), омбор, оғил, ёрдамчи хоналар (ўтин, кўмир ва бошқаларни сақлаш учун), хожатхона, кўшимча айвонлар жойлашган бўлган.

¹⁹ Яралов Ю.С.Национальное и интернациональное в архитектуре. – М.: Стройиздат, 1971. – С.70.

Ичкари ҳовлида эса тандирхона, ошхона, асосийси айвонлар ва даҳлиз, истиқомат хоналари, мадон туркумидаги хоналар бўлган. Бухоро уйлари қурилишининг бир неча ўзига хос хусусиятлари бўлган. Шулардан бири хоналарнинг “тобистони” (ёзги) ва “зимистони” (қишки) зоналарга бўлиб қуриш анъанасидир. “Тобистон” хоналар ҳовлининг жануб томонида жойлашган бўлиб, шимолга қаратиб қурилган (офтоб нурлари қиздирмаслиги учун). Хонанинг ичида ҳаво яхши айлансин учун уларнинг баландлиги тахминан 5,5 метргача қилиб қурилган.

“Зимистони” хоналар эса бунинг аксича – ҳовлининг шимолий тарафидан жанубга қарата қурилган. Баландлиги 2,5 метрдан ошмаган. Эшик ва деразалари ҳам чоғроқ қилиб ишланган.²⁰

XIX аср Бухоро меъморчилик мактабида турар жойлар қурилиши асосан икки-уч қаватли уйлар кўринишида лойиҳалаштирилган. Меҳмонхоналар баланд ойнали ҳамда хона тўрида шоҳнишин(меҳмонхона уй ва саройнинг хос хоналари тўридаги супали, усти кўшксифат безатилган махсус жой)ли қилиб қурилган. Турар жойларни болхонали қилиб қурилиши анъанага айланган.

Хоналарнинг ичлари токчабандлик қилиниб, деворлари ганчли нақшлар билан, шиплари эса рангдор безатилган.

Бухоро уйлари даҳлиз, кундузги ўтириш хонаси, ётоқхона, шоҳнишин ва мадон каби таркибий элементлардан ташкил топган. Булар ҳозирги тушунчада “квартира” элементларини ташкил этади. Бундан ташқари ҳовлида ошхона, омбор, дарвозахона, унинг устига китобхона, ёнида бадрав (ҳожатхона) бўлиб, бу хоналарнинг остида эса тагхона (подвал) жойлашган. Қизиғи шундаки тагхонанинг асосий вазифаси салқин ҳаво етказиб берувчи ўзига хос кондиционер вазифасини ўтаган. Шунинг учун ҳам кўпинча тагхоналар ёзги хоналарнинг остини эгаллаган. Бунинг нақадар пухта ўйланганлиги шундан кўриниб турибдики, биринчидан подвалдан чиққан зах ҳаво ҳамма вақт юқоридаги хонанинг полини совитиб турган, унинг ҳовли

²⁰Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1995. –Б. 97.

сахнидан кўтаринкираброқ жойлашишига сабаб бўлган ва ниҳоят тағхонадаги очиқ туйнуклардан чиққан салқин, нам ҳаво ҳовлида шамол айланиши – табиий конвекцияни ва хоналар ичида аэрацияни яхшилашга сабаб бўлиб, микроиклим ҳосил қилган.

Демак, ёзги хоналар шипи баланд (5,5метр) қурилишидан ташқари тағхона устида жойлашганлиги туфайли янада юқорироқ қилиб қурилган ва уларнинг баҳаволиги таъминланган. Худди мана шу хоналар олдида жойлашган сахн ҳам бир оз кенгайтирилиб, юқорида айтиб ўтилган ёзги хонага таъсир этувчи микроиклим омилидан бу ерда ҳам фойдаланилган. Бу сахнлик Бухорода супа (суфа) деб аталади. У ёзда ўтиришга мўлжалланади ва пишиқ ғишт териб ишланади. Ёз пайтлари бу супага сув сепилганда пастдан чиқаётган салқин ҳаво таъсири янада кучаяди. Бухоро кйларида тағхоналар, супалар, хоналарнинг айримларининг поли пишиқ ғиштан, деворлари ва ёпмалари (синчли қилиб) ёғоч билан ишланган бўлади. Одатда ҳовлининг ҳамма ёғи, гулзор ва дарахт экилган жойдан ташқари пишиқ ғишт билан ишлаб чиқилади.

Бухоро уйлари қурилишининг яна бир ўзига хос томони шундаки, кўпгина ҳовлиларда томлардан ёзги ётиш жойи сифатида фойдаланилади. Айрим ҳолларда ҳатто болхоналар томларидан ҳам шу мақсадда фойдаланилган. Бир ҳовли иккинчи ҳовли томлари девор (тавора) билан ажратиб қўйилган.²¹

Маълумки, қадимда кўпгина Ўрта Осиё шаҳарларида яшаш учун яроқли ҳисобланган ерларга эҳтиёж кучли бўлган. Бу нарса Бухорода яна бошқа бир типдаги уйларининг келиб чиқишига сабаб бўлган. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган бундай уйларнинг ҳовлиси бўлмаган. Бу одатда томонлари 20-30 метрдан ошмайдиган худудда иморат қуриш санъатидир. Бундай иморатларнинг биринчи қавати тўлиқлигича тағхона (ертўла) қилинган. Бу ерга ўрнатилган мустаҳкам устунлар (ғишт ёки ёғочдан) юқори қаватдаги иморатларни ҳамда улар ташкил этадиган сахн – ҳовлини кўтариб турган.

²¹Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1995. –Б. 98.

Ҳовлининг ўртасида пастдаги қават – тағхонадан салқинлик уриб турсин учун туйнук ўрнатилган. Тағхонада барча хўжалик хоналари ва ёрдамчи хоналар жойлашган. Юқорида эса яшаш хоналари ўрин олган. Улардан кўчага қараб дарчалар чиқарилган.

Бухоро уйларининг кўпида меҳмонхона ва бир хона ва даҳлизга эга бўлиб, ҳамма тарафи айвон билан ўралади (кўпинча иккинчи қаватда). В.Л.Лавров тадқиқотларида Бухоро турар жойларининг схематик тарҳларидан иккитаси меҳмонхона ташқи ҳовлисининг биринчи қаватида бўлиб, бир хона ва даҳлизга эга, қолганларида ташқи ҳовлининг иккинчи қаватида бир хона ва даҳлиз; бир хона ва даҳлиз майдон; бир хона ва майдон тарзида жойлаштирилган.²²

Л.И.Ремпель Бухоро уйлари меҳмонхоналари бўйича қилган тадқиқотининг умумий хулосасида меҳмонхоналарнинг асосан биринчи қаватда, иккинчи қаватда алоҳида ҳовли тариқасида келиши ҳамда бой хонадонларга тегишли меҳмонхоналарнинг бир нечта хонадан иборат бўлганлигини уқтиради.²³

Бухоро уйлари меҳмонхона беағига катта аҳамият берилган. Н.И.Ноткиннинг ёзишича кичкина меҳмонхоналар ҳам нақшу нигорланар экан.²⁴ Ҳақиқатдан ҳам, хонанинг китоба, лали равоқ, даҳана, изора қисмлари ҳар хил нақшлар билан безатилган.

Бухоро турар жой меъморчилиги бадиий безакларида баланд токчалари юзаси ва ораларида равоқ ичига олинган геометрик нақшлар билан бир қаторда ранг-баранг гуллар, муҳташам тувакка ўрнатилган юқорига ёйилиб чиққан гул дарахти ва ниҳоллар пастга эгилган мажнунтол каби ўсимликсимон нақшлар жойлаштирилган.

²² Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии. –М.: Государственное издательство архитектуры и градостроительства, 1950. –С.130-131.

²³ Нозилов Д.А. Халқ меъморчилиги. –Т.: Фан, 1982. – Б. 52.

²⁴ Ноткин И.И. Бухоро ганчкорлиги. –Т.: Ўзадабийнашр, 1961. – Б. 23.

Уй устунлари, эшиклар ҳам ўймакорлик санъати ёрдамида безатилган. Устунлар анаъанавий тарзда ясаиб кўзаги қисмининг юқорироғига ўсимликсимон нақшлар ўйилган. Эшиклар асосан уч турда ясалган.

1. “Бағдоди” – вертикал табақа уч қисмга бўлиниб, ҳар қайсиси ўймакорлик қилинган юзага эга.

2. “Ҳувайдо” – текис ўймакорлик қилинган юзага эга.

3. “Нишон” – вертикал тахталардан терилган оддий эшик.²⁵

Меҳмонхоналарда кўпроқ бағдоди эшиклар ишлатилган. Бағдоди эшик юзаси қисмларига геометрик ва ўсимликсимон нақшлар ўйилган. М.Рўзиев Бухоронинг бағдоди эшиклари ўйма нақшлари композициясида ўттиздан ортиқ нақш турини аниқлаган.²⁶

Бухоро меҳмонхоналари шоҳнишинга эга эканлиги билан бошқа худудлардан ажралиб туради. Шоҳинишин – сўзининг маъноси “шоҳ ўтирадиган жой” деган маънони англатади. Л.Ремпель: “Шоҳнишин асли қадимги саройларга хос бўлиб турар жой меъморчилигига ўтган”²⁷, деса П.Зоҳидов, “шоҳнишин хона пешгоҳи ҳисобланган”²⁸, деб ҳисоблайди.

Д.Нозиловнинг фикрича: “..хона пешгоҳи қадимдан пойгаҳдан ўзининг беағи билан ажралган. Давр ўтиши билан Л.Ремпель айтганидек, хона тўри такомиллашиб саройга хос ном билан юритила бошлаган бўлса ажаб эмас”.²⁹

Бухоро турар жой меъморчилигида шоҳнишин кенг қўлланилган. Шоҳнишинлар биринчи ва иккинчи қаватда, бир неча турда бўлган. Биринчи қаватда хонанинг орқа девори ўртасида битта ёки иккита қўшимча хона билан, ён девори бўйлаб, хонанинг уч томонидан келиши, шунингдек, шоҳнишин иккинчи қават тариқасида хонанинг орқа девори томонида, орқа ва ён томонида ҳамда уч томонида (икки ён ва орқа) жойлашиши мумкин.

Шоҳнишинлардан биринчи қаватда жойлашганлари меҳмон кутишга қулай бўлган. Иккинчи қаватда жойлашган айрим шоҳнишинлар меҳмон

²⁵ Нозилов Д.А. Халқ меъморчилиги. –Т.: Фан, 1982. – Б. 52.

²⁶ Нозилов Д.А. Халқ меъморчилиги. –Т.: Фан, 1982. – Б. 43.

²⁷ Нозилов Д.А. Халқ меъморчилиги. –Т.: Фан, 1982. – Б. 56.

²⁸ Захидов П. Ш. Самаркандская школа зодчих. –Т.: Наука, 1965. – С.46.

²⁹ Нозилов Д.А. Халқ меъморчилиги.–Т.: Фан, 1982. – Б.53.

кутишга қулай бўлмаган, чунки уларнинг шифти паст, йўлак шаклида узунчоқ, пасткам бўлган. Деворларига деразалар ўрнатиш имкони бўлмаган, ҳаво алмашилиши суст бўлгани учун ҳам уларга кўпроқ хўжалик буюмлари кўйилган. Шунингдек, иккинчи қаватда жойлаштирилган шохнишинлардан айримлари қулай, баланд, деразали баҳаво қилиб қурилган.

Бухоро яшаш жойлари учун характерли хусусият ёзги хоналарнинг шимол томонга, қишки хоналарни эса жануб ёки ғарбга қаратиб қурилишида кўзга ташланади. Бу каби кўриниш ташқи ҳовли учун ҳам хос. Бой хонадонларда яна бир қатор хоналар мавжуд бўлиб улар ғарб ва шарққа қаратиб қурилган. Бир мунча дабдабали ва баланд қилиб қурилган ёзги хоналар икки қатор ойнали, олди томонида бир, баъзан икки болхонали қилиб қурилган. Хоналарда азиз меҳмонлар учун мўлжалланган шохнишинлар мавжуд бўлган. Шохнишин Бухоро уйларида махсус қисми бўлиб, бошқа ҳудудлардаги ўзбек турар жойларида кам учрайди. Бухоро уйлари одатда кенг ва катта қилиб қурилган. Ҳовлига пишган ғишт ётқизилган. Баланд кўп устунли айвон баъзида ёзги хоналар олдида, кўпинча бурчакроқда бўлган. Ўрта қатлам хонадонларида айвоннинг ўрнига хўжалик учун зарур соябонлардан фойдаланилган. Ҳовли ва айвонлар қоронғулашиб кетмаслиги учун хоналарнинг усти паст ва тор томлар билан ёпилган.

Хоналар икки ёки уч деворли, баъзида эса тўрт деворли бўлган. Деворлар бир синчли қилиб қурилган. Деворларга токчалар, тахмонлар ишланган ва ёрқин ранг билан безатилган. Интерьер учун ҳашаматли карнизлар, ўймакор панно ҳамда ёрқин безаклар хос.

Шифтларнинг тўсинлари асоси – квадрат кесимли бўлган. Фасад карнизсиз, панжаралар албастрли, нафис безакли бўлган. Кўпинча эшиклар ва дераза қопқалари бағдодий услубда безалган.

Бухоро турар жойларининг энг кўп тарқалган варианты синчли икки қаватли, девори сомон қўшилган лой билан сувалган уйлардир. Фасад қисмида кичик квадрат туйнук (“бодкаш” ёки “бодаро”) очилган бўлиб, бу туйнуқларнинг вазифаси хонада ҳаво алмашилиши таъминлаш бўлган.

Баъзан бу туйнулар албастр панжаралар билан ёпилган. Одатда ойналар коридор (рахрав) ва отхона (сайсхона)ни ёритган ҳамда кириш эшигига яқин жойда жойлашган. Ҳовли икки қисмдан: ичкари ва ташқаридан иборат бўлиб, уй томлар текис қилиб ёпилган.

Ичкари ҳовли аёлларга тегишли бўлган. Ҳовли юзаси ғишт билан копланган. Ҳовлининг ўртасидаги гулзор қисмигина очик қолдирилган. Ҳовлининг бир томонида оқова сувни чиқариб ташлашга мўлжалланган ташнав, бошқа томонида қудуқ бўлган.

Ғишт терилган ҳовли хоналарнинг кириш эшигигача бўлган. Катта баланд хона, камдан-кам ярим ертўла устига қурилган бўлиб, шимолга қаратилган – энг яхши ёзги хона ҳисобланган. Бошқа томонда нисбатан паст бўлган қишда яшаш учун қурилган хоналар, хўжалик хоналари ва айвонлар жойлашган. Иккинчи қаватдаги уйларнинг остидан лента кўринишидаги дандана ўтган. У том сифатида ёпилган ва биринчи қаватни ёзги хоналар билан туташтирган. Дандананинг устида ёғоч ўймакорлиги асосида ишланган қандил, ундан сўнг биринчи қаватнинг текис томи жойлашган. Бурчакда кичик хона (болхона), унинг орасида периметр бўйича томлар – ёғоч ўймакорлиги билан нақшланган устунли яримсоябонлар (нимайвон) бўлган.

Ёзги хоналар баландлиги иккинчи қават хоналарининг баландлиги каби бўлган. Катта ҳажмдаги хоналарга икки томондан кичик ҳажмдаги хоналар ёндош қилиб (дахлиз, мадон каби) қурилган.

Уйлар аниқ конструктив ва бадиий тизим асосида барпо этилган. Бухоронинг қуруқ континенталь иқлими, кам сонли қудуқларнинг мавжудлиги, ёғоч хомашёсини иқтисод қилиш мақсадида уйларининг томи ясси қилиб қурилган. Уйларнинг фазовий-макониий композицияси аниқ бир ўлчовга ва шаклга бўйсунган. Деворлар ёзда камроқ иссиқ бўлиши учун жанубга қаратиб қурилган. Ёзги хоналар салқин бўлиши учун шимолга, қишки хоналар қишда максимал даражада иссиқ бўлишини таъминлаш учун жануб, ғарб ва шарққа қаратиб солинган. Қишки хоналар жанубга қаратиб

қурилган, ёрдамчи хоналар эса шарққа ва ғарбга қаратиб қурилгани билан аҳамиятлидир.

Ёзги хоналар ҳаво алмашилини таъминлаш мақсадида ганч ишланган туйнуклар мавжду бўлиб, бу туйнукларга мато тутиб қўйилган. Мато асосан қуёш нурлари тушишидан сақлаган.

Бухоро турар жойлари биноси конструктив қисмининг асосий хомашёсини ёғоч ташкил қилган. Ёғоч тўсин унчалик чуқур бўлмаган асос ёки баланд бўлмаган цоколга ўрнатилган. Ертўлалар кўпинча ёзги хоналар тагига, баъзан баҳорги хоналар тагига ҳам қурилган. Қишки уй-жойлар тагига ертўлалар қурилмаган. Синчлар ораси лой, хом ғишт (хишти хом) ва ғишт парчалари (хишти парча) тўлдирилган. Синч деворлар сомон қўшилган лой, ички қисми эса ганчхок ёки ганч билан сувалган. Асосан яшаш хоналари ганч билан, хўжалик хоналари эса лойсувоқ билан сувалган. Уйларнинг томи ҳам лойсувоқ қилинган. Томлар билан асосан ертўлаларнинг усти, қаватларнинг ораси ва хоанлар ва айвонларнинг усти ёпилган. Ёзги хоналарнинг лойсувоқ томлари қалинлиги 30-35 см, қишки ва баҳорги хоналарники эса 40-42 см қалинликда бўлган. Қаватлар ораси ғиштли пол ёки мой билан бирга ёпилган. Иккинчи қават 42-45 см қалинликда бўлган.

Бухоро турар жойларининг фасади сомон сувоқли қилиб ишланган. Ҳовли фасади эса ганчхок билан сувалган. Бой хонадонлар эса рангли сувоқ қилишган. Гапч ўймакорлиги ёки нақшлар фақатгина хоналарнинг ичига ва айвонларга ишланган.

Бухоро уйларининг деворлари рангли тарзда безатилиши билан алоҳида ажралиб туради. Деворларни рангли безатишнинг бир неча туралари кенг тарқалган. Жумладан:

1. Яхлит бирор-бир материални имитация қилиш йўли билан рангли безатиш. Масалан, ганчга ранг бериш орқали рангли рангдан безаклар ўйиш усули.
2. Албастр сувоқ устига тасвир ишлаш услуби ҳам кенг тарқалган.
3. Гулганчнинг юпқа қатлами устига ранг ёрдамида тасвир яратиш.

4. Деворлар икки хил ранг ёрдамида қатлам ҳосил қилинган. Биринчи устки қатламга расм ўйиб ишланган, иккинчи остки қатлам фон вазифасини ўтаган.

Ҳовли деворларининг фасадини юқори қисмига ранг ёрдамида ишлов берилган. Асосан кулранг, кўк ёки қора тасвирлар оқ фонга, оқ тасвирлар эса рангли фонга ишланган. Яшаш хоналарини ичи ганчхок билан безатилган.

Бухоро турар жойларига хос бўлган хусусиятлар қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Ҳажмий-маконий ечимда;
2. Рациональ конструкциянинг мавжудлиги;
3. Маҳаллий хомашёдан тўғри фойдаланишда.

Ҳажмий маконий ечим ҳовлига биноларни тўғри жойлаштириш, ҳаво айланишини таъминлаш, кун ботиш ва чиқиши ҳамда қуёш нурларини тушиши, иқлим хусусиятлари ҳисобга олинганлигида, қиш ва ёз фаслларига мўлжалланган хоналарнинг мавжудлигида кўзга ташланади.

Бухоро қишлоқларидаги уйлар ҳам хоналарнинг жойлашуви жиҳатидан шаҳардагиларга бирмунча ўхшаб кетади. Бироқ қишлоқ жойларда долон айтарли ишлатилмаган ва оғилхона ташқари ҳовлининг анчагина қисмини эгаллаган. Қишлоқ уйларининг шаҳарлардаги уйлاردан яна бир фарқи шундаки, ичкари ҳовлида жойлашган ёзги хоналар чорбоққа очилган.

Шаҳар ташқарисидаги қўрғонлар одатда пахса девор билан ўралган, бурчаклари ярим устунлар билан мустаҳкамланган, девор ва кириш йўлаги билан ажратилган. Ички қисми содда тарзда лойиҳаланган. Анъанавий тарзда икки ҳовлига: “бирун” ва “дарун”га бўлинган. Иморатлар бир қаватли қилиб қурилган. Одатда кириш асосий эшикдан бўлган, аёллар боғ этагидаги эшикдан киришган. Уйнинг интерьер қисми безаклар билан безатилмаган. Аммо уйнинг фасад қисми ўймакорлик ва катта маҳорат билан чизилган безаклар билан безатилган.³⁰

³⁰ Азимов И.М. Архитектура Узбекистана XVIII – нач. XX вв.: Традиции и локальные особенности. Автореферат. – Т., 1999. – Б.11.

1.2. Самарқанд ва Тошкент турар жой меъморчилиги (тархи, турмуш тарзи, композицияси) ечими

Ўрта Осиё халқ турар жойлари архитектурасида Самарқанд ва Тошкент уйсозлиги алоҳида ўрин тутди. Бу икки шаҳар меъморчилигидаги умумийлик шундан иборатки, турар жой бинолари кўчалар архитектурасининг шаклланишида муҳим ўрин тутган. Уйларнинг кўпчилиги икки қаватли қилиб қурилган. Иккинчи ошёнасидаги болохона биринчи қават деворидан бирмунча олдинроққа чиқарилиб, узун айвонча галерея шаклида қурилган. Бундан ташқари хоналарнинг жойлашувида ҳам умумийлик бор. Чунончи буларда яшаш хоналарига кириш ўртада жойлашган айвон орқали бўлган.

Самарқанд ва Тошкентда долонлар гарчи Бухоро уй-жойларида бўлгани сингари кўп бўлмасада, баъзи жойларида шароит тақозосига кўра бунёд этилган. Айрим ҳолларда долон ўрнига усти ёпиқ йўлак (Бухорода “раҳрав” дейилади) қурилган. Тошкентда мадон ўрнида ёрдамчи хона-қазноқ (хужра ҳам дейилади) қурилган. Ташқари ҳовлиларда оғил ва сайисхона (отхона) ёнида ҳамда ичкари ҳовлида ошхона ҳамда ҳожатхона олдида бостирмалар қурилган. Бу тип уйларининг барчаси пойгак (пойгоҳ)дан бошланган. Пойгак бу оёқ кийимларнинг ечиш жойи бўлиб хоналар ҳамда даҳлиз саҳнидан бир мунча пастрок, чуқурроқ қилиб қурилган ва у ерда кўл ювиладиган махсус жой – ташнав бўлган. Иккинчи қаватда болохоналар ва айвонлар қуриш одат бўлган ва у асосан ер танқислигидан ҳамда маҳаллий иқлим шароитидан келиб чиққан. Чунки болохоналик уйларнинг биринчи қавати томи офтоб тури таъсирида қизимагани ва ҳовлида кенгроқ соя турганлиги туфайли ёзда салқин бўлган.³¹

Самарқанд халқ қурилиши санъатида то ҳанузгача узун ҳамда катта ва кенг айвон қуриш одати сақланиб келмоқда. Кўпгина ҳолларда бу айвонлар хоналардан ажратилган ҳолда ҳовуз лабида ёки анча баландлик

³¹ Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1995. –Б. 99-100.

тагсупа остида қурилган. Айвон ердан то 2 метр баландга қурилиб, унинг тагида омборхона ва шунга ўхшаш қўшимча хоналар барпо этилган ҳоллар ҳам учрайди.

Самарқанд меъморчилик мактаби турар жойларнинг ўзига хос типини яратди. Иморатлар бир ёки икки ҳовлини уйлардан иборат бўлган. Қурилиш ишлари ер участкасининг шимолий қисмида барпо этилган. Уй асосини айвон ва унинг икки ёнидаги хона ташкил этган. Баъзида ташқари икки қаватли қилиб барпо қилинган. Яшаш хоналари тўсинлар билан ёпилган ҳамда хўжалик хоналари эса бўйра билан беркитилган. Интерьерда кундалик турмушга оид жиҳозлар учун токчалар ишланган. Самарқанд турар жойларидаги хоналарда икки девор ораси бир синчли қилиб қурилган. Тошкент ёки Фарғона водийсидаги бу каби хоналар билан солиштирганда токчалар сони нисбатан кам бўлганлигини кўриш мумкин. Асосий хоналар деворлари ва шифтлари ранг-баранг нақшлар билан безатилган.

Самарқанд турар жойларининг тарҳи бир ёки икки хона ва энсиз даҳлиздан иборат эканлигини кўриш мумкин. Бир устунли айвон бурчакка ёки хоналарнинг кўндалангига жойлаштирилган. Хона деворлари яқка ёки кўш синчли қилиб қурилган, деворлардаги токчалар сони Фарғона ва Тошкент уйларидагига нисбатан кам сонли ҳисобланади. Самарқанд уйлари интерьерида шифт ва деворлар ганч ўймакорлиги ва нақшлар билан безатилган. Безаклар кенг оммалашган ва жуда ҳам қизиқ.

Самарқанд шаҳридаги ҳовли меҳмонхонасини мисол қилиб оладиган бўлсак, меҳмонхонанинг ташқи ҳовлида жойлашганлигининг ўзиёқ уйнинг кўча томони пештоқи ҳуснига-ҳусн қўшади, яъни ташқи ҳовли икки қаватли бўлиб, биринчи қавати пишиқ ғиштдан қурилган. Унинг ўрта қисмида икки табақали катта дарвоза ўрнатилган. Иккинчи қаватда эса кўча томонга қаратиб ҳовлининг эни бўйлаб узунасига биринчи қават деворидан 1,5 метр кенгликда ўймакор устунли айвон чиқарилган. Иккинчи қаватдан биринчи қаватга тушган соя уй кўринишини жонлантириб юборади. Қизиғи шундаки, куёш ҳаракати билан соя ҳам ўзгариб, уйнинг кўча томондаги пештоқи ҳар

соатда ўзгача ҳусн касб этган. Иккинчи қаватдаги иккала хона ва айвон ўртаси ҳовли бўлиб, ташқи ҳовлининг ажойиб композицияга эришувига ёрдам беради. Шу билан бирга ташқи ҳовлига иккинчи қаватдан қараганда у қаср сингари салобатли ва ҳашаматли кўринади. Иккинчи қаватда жойлашган меҳмонхонанинг янги гилам, кўрпача, ёстик, сочиқ ва бошқа керакли анжомлар билан жиҳозланган.

Уйнинг шифтлари асосан қабза усулида ясалиб, рангдор нақш берилган, деворлари ганчкор, эшикларига безаклар ўйилиб, боғдод услубида ясалган.

XIX асрнинг охирларида Самарқанд меъморчилигида меҳмонхона катта хоналарни ўз ичига олган. Унинг ташқи қисми тўрида “шоҳнишин” деб аталадиган жой қилиш одат тусига кирган. “Шоҳнишин” подшоҳ жойи демакдир. У уй полидан бир оз кўтарилган супачадан иборат бўлиб, ҳашамдор устунлари билан хонадан ажралиб турган.³²

Меҳмонхоналар икки хона ва даҳлиздан иборат бўлган тақдирда, “шоҳ-нишин” икки хона ўртасидаги даҳлизнинг устида – иккинчи қаватга ўхшатиб қурилган. Бундай меҳмонхоналар асосан Бухорода кенг қўлланилган. Шундай бўлишига қарамасдан Самарқанд меъморчилигида меҳмонхонанинг ички беағига Бухоро меъморчилигида қараганда кўпроқ эътибор қаратилган. Самарқанд меҳмонхоналарининг шифти қабза усулида ишланган бўлиб, у кишига ўзгача завқ бағишлайди.

Меҳмонхона тўсинларига чизилган гуллар хона ўртасига қараб интилиши ҳамда вассаларга ишланган гулларнинг кўплиги сабабли хона чирмашиб кетган гуллар билан ёпиб қўйилгандек туюлади. Бундай гуллар киши ғашига тегмайдиган яшил, кўк, қизил ранглар билан бўялган. Улар кишига эстетик завқ бериши билан бир қаторда ёзда хонанинг салқин, қишда эса иссиқ туюлишига имкон яратади. Бундай қабза шифтлар Ўзбекистоннинг барча шаҳарлари архитектурасига оид услуб ҳисобланади.

³² Нозилов Д. Ўрта Осиё меъморчилиги ва меҳмонхоналар. – Т.: Ўзбекистон, 1977. – Б.7.

Самарқанд шаҳрида хона деворлари ҳам безаклар билан жонлантирилгандек туюлади. Деворларга турли безаклар ишланган. Баъзи деворларга ганчдан ишланган барглари ва замонавийлаштирилган геометрик шакллари 5 мм чуқурликда ва кенгликда бири юқорига, иккинчиси пастга қаратилган ҳолда сатҳдан бўртириб ишланган. Унинг ўртасида ганчдан атиргулга ўхшаган нусха девор сатҳидан 3 мм бўртириб ишланган. Ана шу гулдан бўрттириб чиқарилган ингичка барг шоҳчалари ён томонлардаги бошқа гулларга туташтирилган. Қизиғи шундаки, бу шоҳчалар, гуллар ва барглари кўплиги сабабли бир-бири билан бириктириб жимжимадор абстракция ҳосил қилган бу нусха ажойиб кўринишга эга бўлиб, жуда тиниқ юзани ташкил этган. Бунинг сабаби барглари бошқа шоҳ, барг ва гулларга нисбатан қалин ва чуқурроқ ишланиши бўлса керак. Чунки катта барглари ўз кенглиги билан бошқа гуллардан ажралиб туради, устига-устак уларнинг атрофи бўйлаб тушган сояси ҳам қалинроқ бўлади. Чунки унинг чуқурлиги бошқа гул ва шоҳлардан икки мм ортди. Шунинг учун ҳам катта барглари ўз салобати билан майда гул ва барг шоҳчалари умумлаштиради. Катта баргалар ораси оч яшил ҳамда ҳаво рангга бўялган бўлиб, улардаги оқ ганч билан часпак услубида ишланган безаклар яққол кўриниб туради. Умумий қилиб олганда бу безак хона деворини жуда ҳам уйғунлаштиради, яъни девор ўрнига ганчдан ишланган панжарага чирмашиб чиққан гулларни эслатади. Бундай безаклар кишига эстетик завқ бериш билан бирга хонани кенг қилиб кўрсатишга, яъни киши ўзини хонада эмас, очик баҳаво жойда тургандек ҳис қилишга ёрдам беради.

Меҳмон безакларига хос хусусият уларнинг аксарияти, боғ, гулзор, чиройли манзара тасвирини ифодалаб табиат гўзалликларини инсон руҳиятига эстетик завқ беришга ундайди.

Самарқанд шаҳридаги кўпчилик меҳмонхона ва хоналарда таҳмонлар кенг тарқалган. Бундай таҳмонлар уйнинг сарамжонлигини таъминлаш билан бирга хонанинг ҳуснига-хусн қўшади. Уларнинг равоқлари ганч билан безатилган. Икки томондаги катта арксимон таҳмонларга ўрин йиғилган,

ўртасида чойнак, пиёла, идиш-товоқ ва шунга ўхшаш буюмлар жойлаштирилган. Бундай тахмонлар чиройли, бежирим бўлиб, хонанинг тўр деворига тантанавор ҳусн бағишлайди.

Самарқанд шаҳри ташқарисидаги турар жойлар – кўрғонлар одатдаги каби пахса деворли бўлган. Бурчаклари ярим устунлар билан мустаҳкамланган, девор ва кириш йўлаги билан ажратилган. Ичкари қисмининг лойихаси содда ишланган. Анъанавий тарздаги ички ва ташқи ҳовлидан иборат бўлган. Иморат бир қаватли бўлган. Одатда кириш асосий эшикдан бўлган, аёллар боғ етагидаги эшикдан киришган. Уйнинг интерьер қисми безаклар билан безатилмаган. Аммо уйнинг фасад қисми ўймакорлик ва катта маҳорат билан чизилган безаклар билан безатилган.³³

Тошкент меъморлик мактаби турар жойлар композицияси ўзининг кенг-фазовийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Улар анъанавий тарзда ичкари ва ташқарига бўлинади. Ҳовлида қурилишлар периметр бўйича ишланган. Яшаш хоналари ёнига бир устунли айвон ёки қашғарча-айвон қурилган. Камдан-кам ҳолда ташқари икки қаватли қилиб қурилган. Тошкент турар жойлари учун хос бўлган хусусиятлардан яна бири иккинчи қаватдаги иморатлар соябонли қилиб қурилишидир. Бу хоналарда аэрациянинг яхшиланишига хизмат қилади ва қулай микроклим яратади. Интерьерларда периметр бўйича токчалар ишланган. Икки уй ўртасидаги деворларга ўймакорлик билан ганчли панно ишланган. Шифтлар кўп рангли нақшлар билан безатилган. Гириҳ кам қўлланилган. Асосан гул-баргли нақшлардан фойдаланилган.

Баъзи тадқиқотчилар Тошкент меъморчилигини бир қанча услублар умумлашмасидан келиб чиққан деб ҳисобласалар-да, лекин унинг ўзига хос хусусиятлари яққол кўзга ташланиб туради. Бу ҳол, хусусан, меъморий режалаш ва безак бериш усулларининг ранг-баранглигида ўз аксини топган. Тошкент усталари кўр-кўрона тақлид йўлидан бормай, ўзлари учун таниш

³³ Азимов И.М. Архитектура Узбекистана XVIII – нач. XX вв.: Традиции и локальные особенности. Автореферат. – Т., 1999. – Б.11.

бўлган услубларни йўналтирувчи бўлган восита сифатида қабул қилганлар холос. Меъморларнинг асосий вазифаси яшаш учун ҳар жиҳатдан қулай, шинам, чиройли уй-жойлар бунёд этиш бўлган.³⁴

Одатдаги Тошкент турар-жой уйлари нисбатан кенглиги, услубининг ранг-баранглиги билан ажралиб турган. Улар маълум шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ихчам, чиройли қилиб қурилган.

Тошкент ҳовли-жойлари бир-бирига сира ўхшамайдиган бир неча турар жой бўлақларининг йиғиндисидан иборатдир. Ягоналик ва яхлитлик ҳовли-жойларнинг мутаносибликларини таъмин этган. Баланд-паст тикланган уйлар ва мўри учигаги ўзига хос қалпоқчалар равонликка зид ўлароқ шўхчан қиёфа таъмин этган.³⁵

Тошкент турар жой иморатларида иморат фундаменти қилинмаган. Деворнинг пастки қалин қисми бир неча қаватли пишган ғишдан қилинган. Деворнинг асосини ёғоч-синч ташкил этган. Иморат қурилишига маҳаллий дарахтлардан мирза терак, кўк терак ва тол ёғочлари ишлатилган. Дераза, эшик, панжаралар терак ёки чинор, ёнғоқ, қайрағочдан ишланган. Пол лойдан ишланган, бой хонадонларда эса пишган ғиш ишлатилган.

Тошкент турар жойлари кўринишининг икки типи кенг тарқалган. Биринчи типдаги турар жойлар тўғри тўртбурчак тарҳли бўлиб, қуйи қаватида ассиметрик тарздаги кириш қисми ва ҳаво алмаштириш тизими йўлга қўйилгани билан характерланади. Синчли иккинчи қават яшаш хоналарида ойналар ўйиб ишлангани билан ажралиб туради.

Иккинчи типдаги турар жойларда уйлар ҳовлининг барча томонларини қамраб олиши билан ажралиб туради. Биринчи типдаги уйлардан иккинчи типдаги уйлар композициясидаги динамикаси ҳамда рангтасвир безаклари билан фарқланади.

³⁴ Манакова В.Н. Художественная культура народного жилища Узбекистана. – Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1990. – Б. 33.

³⁵ Манакова В.Н. Художественная культура народного жилища Узбекистана. –Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1990. – Б.33.

Турар жой архитектурасининг ўзига хослиги яшаш учун мўлжалланган хоналарда яққол кўзга ташланади. Хоналар интерьери лой ёки ғиштли полдан, синч девор, ёғоч балкали шифтдан иборат бўлган. Баъзан меҳмонхона ва яшаш хоналарида алоҳида фарқ кузатилмаган, баъзида меҳмонхона каттароқ қилиб қурилган. Пардозлаш ишлари деярли бир хил бўлган.

XIX асрнинг ўрталарида янги қурилиш ашёларининг пайдо бўлиши турар жой уйларининг қурилиш тарзини тубдан ўзгартириб юборди. Пойдеворлар устидан қад кўтарган адл қомат бу уйларга дераза-ромлар ўрнатилиб, усти куббадор тунука томлар билан ёпила бошлади. Аста-секин силсиладор, юқори қавати тим шаклидаги иморатлар пайдо бўлди.

Тошкент турар жойларида Ўзбекистоннинг деярли барча худудларига хос бўлган анъаналарни кўриш мумкин. Ҳовли уйнинг асосини ташкил этган. Иморатлар ҳовлининг атрофига қурилган ва унинг ўрта қисми бўш қолган.

XIX асрда Тошкент турар жойлари уч қисмдан иборат бўлган:

1. Ҳовли саҳни;
2. Айвон;
3. Ётоқ хоналаридан.

Уйнинг бош яшаш учун мўлжалланган жойи – бу хона ҳисобланган. Иккинчи ёпиқ қўшимча хона – даҳлиз бўлган. Айвон – ёзги хона бўлиб, очиқ ҳовли майдонилан ёпиқ ҳажмдаги хонага ўтиш вазифасини таъминловчи хона бўлган. Айвоннинг турли кўринишлари мавжуд бўлган. Жумладан, лоджа кўринишидаги, устунли пешайвон кўринишидаги, кўп устунли галерея кўринишидаги турлари кенг тарқалган. Баъзида айвоннинг девор билан ўралган ровон кўринишида бўлган. Бу каби айвон кашғарча деб юритилган. Йилнинг исталган фасли учун қулай кўринишга эга бўлган.

Тошкент турар жой қурилишида айвонлардан ташқари равонлар ҳам кенг қўлланилган. Равон бу ҳозирги тушунчамизда верандага кўпроқ тўғри келади. Яъни бошқача қилиб айтганда олд чамбарак панжарали, ойнаванд

тарзда ишланган айвонлар равон деб аталади. Равон ойналари одатда ҳар хил рангда бўлади. Деворлари ганчкор, токчабанд ва нақшин безатилади.³⁶

Тошкентда хона олдида айвон ёки кашгарча бўлган ҳолда Г шаклидаги ёки П шаклидаги бир ёки икки қаватли уйлар қуриш кенг тарқалган. Баъзи ҳолларда ташқари ва ичкари ҳовлининг планировкаси бир-бирини такрорламаган кўринишда бўлган.

Хона интерьердаги бўш жой пойгоҳ, пешгоҳ вазифасини ўтаган. Остона – бу пишган ғиштдан ишланган бўлиб, оёқ кийим ечиладиган жой ҳисобланган. Пойгоҳ – хонанинг кириш қисмига яқин бўлган жойи бўлиб, унда бутун оила йиғилиб ўтирадиган сандал ўрнатилган. Пешгоҳ – бу азиз меҳмонлар ўтиришига мўлжалланган эшикдан қарама-қарши томондаги хонанинг юқори қисмидаги жой ҳисобланган.

Тошкент турар жойларида Самарқанд ва Бухородаги каби меҳмон кутиш учун алоҳида жой шохнишинлар ишланмаганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Тошкент уй интерьерини безашда Ўзбекистоннинг ҳамма туманларига хос бадиий услубларнинг умумий принциплари кўшилиб кетганини кўрамиз. Хоналар кўпи билан икки ёки учта болор билан бир-бирига уланган, уларни туташтирувчи даҳлизлар бўлмаган. Деворларга токчалар ясаиб, уларга рўзғор буюмлари териб қўйилган. Очиқ хона ичи одатда тўр ва пойгаҳдан иборат бўлган. Деворларнинг қуйи, ўрта ва шарафа деб аталувчи учала қисмини тошкентлик усталар ўзларича талқин қилганлар. Баъзи деворларга фойдаланиш учун ишлов берилса, баъзи жойларда уларнинг хонага оро беришини мўлжаллаб, кўркам қилиб ишланган. Токчанинг қуйи қисми 80-90 см баландликдан кўтарилган, токча устунлари яъни шарафалар гоҳо бир метрни ташкил этган. Эшик болорбоши ётқизилган деворга кўндирилиб, унга қарама-қарши томондан кўрпа-юклар қўйиладиган катта-катта токчалар жой олган.

³⁶ Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1995. –Б. 99-100.

Деворлар тахмон, токча, ойна, эшиклар билан ўзига хос тарзда безатилган. Деворнинг қарама-қарши томонида катта токча – тахмон ишланган. Бу кўрпа ва кўрпачаларни тахлашга мўлжалланган бўлган. Яшаш хоналарида бундай тахмонлар сони иккитани, меҳмонхоналарда эса биттани ташкил этган. Тошкентда токчаларнинг бир неча турлари кенг қўлланилган. Жумладан:

1. Девор ўртасида кўп бўлмали марказдан девор четига йўналган токча.
2. Деворнинг марказидан икки томонга йўналган тарзда ишланган иккита токча .
3. Девор марказини бутунлай қамраб олган токча.

Ўймакорлик ва нақшу нигорлар билан безатилган очик жой ва токчалар деворнинг асосий жиҳозлари ҳисобланган. Девор билан шифт туташган жойдаги болорости пештоқ шарафаси ўймакорлик ёки рангин нақшу нигор билан безатилган.

XIX асрда Ўзбекистонга ташқаридан ўрмон ёғочларининг кириб келиши шифтларнинг қиёфаларини батамом ўзгартириб юборди. Болорлар ўрнини турли шаклдаги тахталар эгаллай бошлади. Тахталарни териб кўйиш ёки қўшимча шарафага қўшимча ишлов бериш ёрдамида замонавий услубга ўтила бошланган. Даставвал шакл ўзгаришидаги жараён кўзга яққол ташланидики,булар охир-оқибатда шифт қиёфаларининг озми-кўпми ҳажмдор, тантанавор, бадий жиҳатдан маънодор бўлишига олиб келган.

Айвон шифтларининг асосини яна ўша болорлар ташкил этган. Болорлар бир текисда қатор қилиб терилган, уларнинг остки қисмларига алоҳида гўзал нақшлар туширилган. Айниқса, бир ҳавзакли, тўрт ҳавзакли шифтлар ўзгача чирой касб этган. Йирик-йирик тўртбурчакли, кўпбурчакли ва кўндаланг ўқи бўртиқ шифтлар кенг расм бўлган.

Тошкент турар жой уйларини безашда ганч ва ёғоч ўймакорлиги ҳам ишлатилган. XIX асрда ганч ўймакорлиги айниқса кенг авж олган.

Ганчкорлик безаклари туфайли безак майдонлари гоҳ учбурчак кесмаларнинг тарновнусха кўриниш, гоҳ ярим доира майдон ёки кўпқатламли мураккаб шакллар касб этган.

Ўймакорликнинг бошқа намуналари ҳам қўлланилган: панно ислимий нақшлар билан тўлдирилган, бодюраларга хандасавий ёки гулдор нақшлар чекилган, панеллар эса бодом ёки юлдуз тасвирлари билан жилоланган. Турар жойлардаги ўймакорлик безаклари нақшларининг кескин нафислиги, бўртиқлиги билан ажралиб туради.

Ганч ўймакорлиги кенг расм бўлган жойларда расмлар бўлак-бўлак ҳолларда учрайди. Суратларга анъанавий ўсимлик, бутоқ дарахт тасвирлари мавзу қилиб олинган. Шулардан энг урф бўлгани анор, мажнунтол, олма, олхўридир. Ислимий ва хандасавий нақшлар ҳам учраб туради. Ясси, тенгёқлама қилиб ишланган гулдасталар таомилдаги ранглар билан жилоланган.

Ганч ўймакорлигида турли техникалардан фойдаланилган. Жумладан, юқори қисмига тасвир ўйиб ишланган пастки қисми фон вазифасини ўтаган ёки ранг билан бўялган. Ганч ўймакорлигининг бу каби усули – пардоз деб аталган. XIX асрда ганч ўймакорлигига нов шаклидаги ариқсимон учбурчак кесимга эга нақш услуби – чока пардоз кириб келди. Бундан ташқари тўлиқ айлана рельефли ва бир мунча мураккаб бўлган лола пардоз ва табака пардоздан ҳам кенг фойдаланилган. Яна бир ганч ўймакорлиги техникаси – икки рангли мозаика – қирма услуби ҳам кенг тарқалган. Безакларда юпқа икки қатламли сграфитто типидagi нақш фойдаланилган.

XIX аср ўрталарига келиб тасвирий санъат ўзининг тараққиёт чўққисига кўтарилди. Бу девордаги расмлар эркин талқини гулларнинг жонлилиги рангларнинг уйғунлиги билан ажралиб туради.

Шифт безакларига алоҳида эътибор қаратилган. Нақшлар шифтнинг шакли, қисмларининг катта-кичиклиги, қандай жойлашганлигига монанд танланган. Меҳроб ва шарафалар тузилиши, нақшларининг назокати, ранг-баранглиги билан бетакрордир. Улар таги майда гулдор нақшлар билан

тўлдирилган йирик ҳажмдаги тасвирлардан иборат бўлган. Бунда турли гириҳлар, жимжимадор лавҳалар, турунж (медальон)лар ифода этилган.

Шифтларни бўяшда, албатта, қандайдир бир умумий ранг бош вазифани ўтаган. Тошкентда одатда тўқ кўк кўпроқ қўлланилган, XIX аср иккинчи ярмида мовий-яшил, қизил, фериуза рангларга эътибор кучли бўлган. Гарчи Тошкент нақшу ниғорлари нуқул маҳаллий руҳда адо этилган бўлса-да, бари бир ёт нақшлар излари ҳам сезилиб туради.

Кучли руҳий восита бўлмиш ранг ёрдамида усталар бино ичкарасидаги ранг-барангликнинг таъсирини оширишган муваффақ бўлганлар. Тошкент безакларининг кўплаб намуналари фикримизга далил бўла олади. Улар тошкентлик усталарнинг ноёб истеъдодларини намоён этиш билан бирга улар ижодидаги ўзига хослик ва маҳаллий асос мавжудлигини ҳамisha барқарор сақлаб келган. XIX аср ўрта аср уй-жойлари ички манзарасининг шаклланишидаги сўнгги босқичдир. Бу пайтга келиб нақшу ниғорлар силсиласи мустақил бадиий ҳазинага айланиб қолган, турли давр рамзу шакллари ўзига сингдирган эди. Бу хазинани тадқиқ қилиш бутун бир давр ҳаёти ҳақида кўп нарса билиш имконини беради.

Хусусан, ёруғ оламнинг фонийлиги борасидаги фалсафа билан боғлиқ талқинлар ўзача қизиқиш касб этади.

Гул, бутуқ, дарахт сингари ислимий нақшлар рамзий, ташбиҳий, тимсолий маъноларни ўзида мужассам этган. Масалан, гуллаган боғ рамзини ҳаётнинг гўзаллиги, бахт, фаровонлик каби сифатларга боғланган. Тўлқинли ўсимлик пояси тинимсиз ижод ва табиат таровати, тўлқинлар шиддатли ҳаёт оқими, гул эса ёруғ олам гўзаллиги, бу гўзалликнинг гул умри сингари ўткинчилиги ва ҳоказо рамзий ифодаларни англаган. Ўрта Осиё нақшларида доира, гириҳ, учбурчак сингари шакллар кўпинча муқаддас инсу жинслардан халос этувчи белгилар бўлиб хизмат қилган. Сув ости ва коинот маҳлуқлари илон, балиқ, қуш каби рамзий ифодалари кенг қўлланилган. Гулдонлардаги бутуқ, шоҳча, гулдаста тасвирлари эса осмоний “ҳаёт шажараси” нинг рамзи ҳисобланган.

Тошкентлик усталар мавжуд анаъаналардан фойдаланган ҳолда ўз услубларини яратишга ҳаракат қилганлар. Деворлар тарбиявий-бадий эстетик аҳамиятга эга бўлган нақшлар ҳамда безаклар билан безатилган. Панелларнинг баландлиги 80-90 см бўлган. Алебастр кўринишдаги карнизлар Тошкентда деярли қўлланилмаган ва уларни кам учратамиз.

Тошкент ташқарсидаги уйлар бир этажли тўғри шаклдаги содда ҳовлилардир. Улар безаклар билан безатилмаган. Кўпроқ эътибор ёрдамчи хоналарга қаратилган: соягихона, жувозхона каби. Кўпинча яшаш хоналари билан бирга қашғарча хона қурилган, унинг олдида айвон барпо этилган. Ҳовлидан боғга чиқилган. Бу ерда ҳовуз ва ёзги усти ёпиқ супа – шийпон бўлган.

Ховлининг чор атрақини қуршаб олган хоналар тизмаси ва айвон ўзгача меъморий гўзаллик касб этади. Деворлари синчкор, таги қуруқ ер, шифти вассажуфт бундай уйлар айтарли қулайликларга эга бўлмаган.

Халқ турар жойларида икки маҳаллий материал ёғоч ва лойдан кенг фойдаланилган. Лойдан хом ва пишган ғишт, овал кўринишидаги гувалалар ясалган.

Тошкент усталарининг ишларида бу даврда ўзига хослик намоён бўлди. Улар учун характерли хусусият: аниқлик, мантиқ, композиция ечими, бачканаликнинг мавжуд бўлиши, ҳажмий деталлар, улуғвор ҳамда ёрқин колоритга эгалик хосдир. Уланган жойлар безаклар ёрдамида ёпилган.

Гўзал шифтлар дарҳол эътиборни тортади. Интерьернинг умумий кўринишида шифтларнинг гўзаллиги янада ортади. Декоратив санъат намуналари тошкентлик усталарнинг юқори бадий ижоди ҳамда меъморлик санъатининг юксак даражада ривожланганлигидан дарак беради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, халқ меъморчилиги намуналари ҳисобланган турар жойларни барпо этиш асарлар давомида тараққий этган анаъаналарни ўзида мужассамлаштириши билан муҳим аҳамиятга эгадир.

1.3. Фарғона ҳамда Хоразмтурар жой меъморчилиги (тархи, турмуш тарзи, композицияси) ечими

Фарғона водийсининг кўп ерларида айвон ва икки хонали уйлар кўплаб қурилган. Уларнинг кўпчилигининг пойгакида европа қурилиши услубига хос бўлган каминни эслатадиган усти берк мўрилик чоҳлар қурилган. Ҳовлилар оралаб ариқ оқиб ўтган. Хоналарнинг орқа томонида боғча бунё этилган.

Фарғона мактаби турар жойлари учун хос бўлган хусусият бу асосга эга эканлиги ҳамда икки хона иборат бўлиши ва уларнинг орасидаги кошғарча хонанинг мавжудлиги ҳисобланади. Айвон фасад бўйлаб узунасига қурилади, асосан жануб томон айвон учун мўлжалланилади. Кўп сонли хоналарнинг планида фасад қисми жануб ёки шарққа қаратилганлигини кўриш мумкин. Ҳовлилар сайхон ерда барпо этилиб, кўкламзорлаштирилган, ишлов берилган ва қулай бўлган. Интеръердаги тўрт деворга тоқчалар ишланган. Деворлар кўш синчли қилиб ёғоч ва гувала ҳам ғишт ёрдамида барпо этилган. Деворларнинг қалинлиги 60-90 см бўлган. Фарғона уйлари камин-мўрили қилиб қурилиши билан характерланади ва бу жиҳат Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида деярли қўлланилмаган. Деворлар декоратив ўйма панно билан безалган, шифтларга нақшлар ишланган.

Фарғона водийсида ҳам турар жой бинолари икки ҳовлили бўлиб, ҳар иккала ҳовли бир қаватдан бўлган. Ички ҳовлида хоналарнинг олди кўпинча узунасига айвон билан ёпилган ёки хоналарнинг олдида ўтиришга мўлжалланган ғишт супа кўтарилган. Супа соя салқин бўлиши учун сўри қилиб супа устига тоқ таралган. Меҳмонхона ташқи ҳовлининг бир томонида алоҳида девор билан ажратиб қўйилган.³⁷

Маълумки, Ўрта Осиё минтақаси, Фарғона водийси тез ўзгарувчан ва қуруқ иссиқ иқлимли ҳудуд ҳисобланади. Ушбу минтақада ҳаво ҳарорати қиш фаслида жуда совуқ, ёзда эса анча иссиқ бўлади. Бундай иқлим шароити

³⁷ Нозилов Д. Ўрта Осиё меъморчилиги ва меҳмонхоналар. – Т.: Ўзбекистон, 1977. – Б.10.

уй-жойларни тиклаш усулларига таъсир этмай қолмаган, албатта. Бу хусусда архитектор олима В.Л.Воронина жумладан, шундай ёзади: “Ўрта Осиёнинг қуруқ иссиқ иқлими шароитида уй деворлаининг мустаҳкам тузилиши (тош, ғишт ва пахсадан) мос келади. Чунки улар теплоизоляция хусусиятига эга бўлиб, хона ҳароратини мўътадил сақлаб туришда хихмат қилган”³⁸.

Бутун минтақада бўлгани каби Фарғона водийсида ҳам қадимдан доимий типдаги уй-жойларни қуришда асосан маҳаллий тупроқ (соз тупроқ, соғ тупроқ) дан фойдаланишган. Халқ уй-дойлари қурилишида тупроқнинг кенг ишлатилишининг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, тупроқ сифатли қурилиш материали, яъни у қайишқоқ, иссиқни кам ўтказувчан ва ишлов бериш осонлиги бўлса, иккинчидан, улар минтақада кенг тарқалган энг арзон қурилиш материали эканлигидир. Тупроқни қурилишда ишлатиш учун дастлаб уни сув билан аралаштириб, лой қилинган, лойни яхшилаб пишитилиб, ундан пахса, гувала ва ғишт каби қурилиш материаллари тайёрланган. Маълумки, ёғоч бутун минтақада танқис бўлиб келган. Лекин шунга қарамасдан жойларда маҳаллий шароитда экиб этиштириладиган дарахт турлари: терак, тол, чинор, ёнғоқ, ўрик, тут ҳамда табиий ўсадиган – қайрағоч, арча, жийда, ёввойи олма ва бошқалардан уй-жойларни тиклаш ва уларга бадиий безак беришда кенг фойдаланилган.

Фарғона водийси меъморчилигига хос бўлган қурилиш материалларидан яна бири қамиш ҳисобланади. Қамишнинг қурилишда ишлатилиши ҳақида сўз юртитишдан олдин шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу материал жуда кўплаб хусусиятларга эга саналади. Қамиш намга чидамли, эгилувчан ва ёғочга нисбатан кўпроқ муддатга сақланиб туриши боис улар уй томига лўмбоз ёпишда, бўйра тўқиб, оёқ остига полга тўшашга ишлатилган.

Доимий уй деворлари одатда қандайқурилиш материалдан тикланганига қараб халқ орасида пахса деворли уй, гувала деворли уй, кесак

³⁸ Воронина В.Л. Жилище народов Средней Азии и климат // Жилище народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1982. – С.49.

деворли уй, ғишт деворли уй, синч деворли уй, тош деворли уй, чим деворли уй, деб аталган. Булар орасида эса водийда пахса деворли уйлар кенг тарқалган эди.³⁹

Пахса деворли уйлар одатда пойдеворсиз оддий текисланган ерга курилган, баъзан тош ёки бир икки қатор ғишздан пойдевор тўшалган, ер ости сувлари якин а тузли шўр ҳудудларда (Масалан, Бешариқ, Қува ва Фарғона туманларида) шунингдек пахса пойдевориға қамиш ёки чипта тўшаб девор тикланган.

Пахса деворли уйларни тиклаш қуйидагича амалға оширилган. Дастлаб 50-60 см.лар чамаси баландликда бир қатор пахса қатламлари қўйиб чиқилган. Биринчи қатор бироз куриб қотгач, иккинчи қаторни тиклашға ўтилган. Фарғона водийсида пахса уларни, кўпинча иш қидириб келган Қоратегинлик тожиклар тиклаганлар. Улар тикланган уйлар текис ва мустаҳкам бўлган. Пахса уйларнинг мустаҳкам бўлиши лойни яхшилаб пишитишға боғлиқ бўлган.

Фарғона водийси сейсмик ҳудудлардан бири бўлганлиги сабали аҳоли ер қимирлашиға иложи борича чидамли бўлган уй-жойларни куришға ҳаракат қилишган. Шу сабаб ёғоч танқислигига қарамай, тузилиш жиҳатидан анча чидамли бўлган синч деворли уйларни кўплаб учратиш мумкин.

Одатда синч уйлар икки хил кўринишда:бир қатор – якка синч ва икки қатор қўш синч усулида тикланган. Синч уйлар остига албатта пойдевор ўрнатилган. Пойдевор ўрнидан нам ўтмаслиги учун қамиш босиб чиқилган. Сўнгра уйнинг синчи тиклана бошлаган. Синч асосини тўртқирра шаклда чопилган ходалар – таглик (чорчўп, тагкурси) ташкил этиб, улар тирноқлар ёрдамида бир-бириға бириктирилган. Синч деворнинг юқори томони – сарроп ҳам худди шундай усулда бириктирилган. Уларнинг орасига эса бир нечта устун ўрнатилган. Устунлар сони ва жойлашиши девор токчалари

³⁹ Хўжахонов И.М. Фарғона водийси қишлоқ аҳолиси анъанавий турар жойларининг этнохудудий хусусиятлари (XIXаср охири – XXаср бошлари) / диссертация. – Т., 2007. – Б.58.

хамда эшиклар ўрнига қараб белгиланган. Синчлар оралиғи гувала ёки хом гишт билан тўлдирилган.

Одатда Ўзбекистон ҳудудида ҳовли деворларини тиклашда гуваладан кенг фойдаланилган. Лекин Фарғона водийсида синчсиз фақат гуваланинг ўзидан тикланган уйларни ҳам учратиш мумкин. Гувалани тайёрлаш осон ва бундай уйларни тиклаш камхарж бўлсада, улар зилзила пайтида чидамсиз ҳисобланганлиги боис бундай усулда тикланган уйлар унчалик кўп тарқалмаган.

Фарғона водийси шаҳар ташқарисидаги уйлар ўзининг кенлиги билан ажраиб туради. Уйларнинг чегараси мевали боғ ва томорқа билан тугайди. Уйлар плани композицияси икки ёки уч ҳовлини қилиб қурилган. Ичкари ва ташқари ҳовлидан ташқари учинчи ҳовли – хўжалик мақсадида уй ҳайвонларини сақлашга мўлжалланган. Қўрғонларнинг асосини яшаш хонаси қошғарча хона ва айвон ташкил этган. Безаклар содда бўлган, шаҳар уйлари каби бой бўлмаган.

Водийнинг тоғолди қишлоқларида маҳаллий шароит-шароитдан келиб чиқиб, уй деворлари тош ёки чимдан тикланган. Айниқса водийнинг тоғолди қишлоқларида синч деворли уйларни қуришга катта эътибор қаратилган. Чунки тоғ минтақалрининг сейсмик ҳолати бир мунча юқорироқ саналади. Шунингдек, синч деворли уйлар тоғларда тез-тез бўлиб турадиган жала ва сел тошқинлари пайтида ҳам чидамли ҳисобланган.

XIX асрда Фарғона водийси ўтроқ аҳолисининг доимий турдаги анъанавий ўзининг тузилиши, қурилиш материаллари ва техникаси, хоналарнинг жойлаштириш характериға кўра бир неча хил турларға бўлинган. Булар биринчи навбатда водийнинг турли ҳудудларни ўзига хос табиий-иқлимий шароити, шунингдек, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, этник анаъаналари ва диний омиллар билан боғлиқ. Фарғонаводийсидаги анъанавий уй-жойларнинг ўзаги Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бўлгани каби уй, даҳлиз ва айвондан иборат бўлган. Бундан

ташқари Фарғона водийсидаги уй-жойлар меъморчилигида Шарқий Туркистонга хос “қашқарча” деб номланган усул ҳам кенг қўлланилган.

Умуман, Фарғона водийсидаги доимий уй-жойларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Фарғона водийсининг барча ҳудудларидаги ўтроқ ўзбек ва тожикларнинг бир хонали уйлари. Улар одатдаги тўғритўртбурчак шаклда бўлиб, эшикнинг ўнг томонидаги деворда мўри-ўчоқ қурилган ва хонанинг ички деворларида кўплаб токчалар ишланган.

2. Фарғона водийсининг тоғолди текислик зоналарида ва Андижон ҳудудида яшовчи ўтроқ ўзбек, қирғиз, қипчоқ, қурама ва туркларнинг бир хонали икки эшикли уйлари бўлган. Бундай уйларнинг ўртасида ўчоқ жойлашган ва том устида туйнук қилинган.

3. Икки хонали – уй ва даҳлиздан иборат уйлар. Бундай уйларнинг даҳлизида мўри-ўчоқ қурилган бўлиб, у ошхона вазифасини ўтаган. Уй ичига даҳлиз орқали кирилган.

4. Чуқур айвонли уйлар ҳам икки хонадан иборат бўлиб, улар орасида чуқур айвон жойлашган. Ҳар иккала хона ҳам яшаш хоналари ҳисобланган, айвонда мўри-ўчоқ қурилган.

5. Уч хонали ва кўп хонали уйлар. Бундай уйлар ҳам одатда уй, даҳлиз ва ошхонадан иборат бўлган. Улар бадавлат аҳоли ёки катта оилаларда тикланган.

6. Помирбўйи типидagi уйлар. Бундай уйлар Фарғона водийсининг шарқий қисмида Тожикистоннинг тоғолди туманларига қўшни ҳудудлардаги қишлоқларида тарқалган. Помирбўйи типидagi уй деворлари жуда баланд қурилиб, томни тутиб туриши учун хона ичкарасидан устун ўрнатилган.⁴⁰

Фарғона водийсида кенг тарқалган бир хонали уйлар тўғритўртбурчак шаклда, ҳовли томонга қаратиб қурилган бир эшик ва дарчаси бўлган уйлардир. Бундай уйларнинг ташқи томони оддий сувлама усулида сувоқ

⁴⁰ Хўжахонов И.М. Фарғона водийси қишлоқ аҳолиси анъанавий турар жойларининг этноҳудудий хусусиятлари (XIX аср охири – XX аср бошлари) / диссертация. – Т., 2007. – Б.65-66.

килинган. Хона ичкараси ҳам жуда оддий кўринишга эга бўлган. Уйга кирадиган жойда эшик олдида тўғритўртбурчак пойгаҳ бўлиб, унга пойабзал ечиб қўйилган. Эшикдан кирганда ўнг томонда мўрили-ўчоқ жойлашган. Уйнинг бу қисми хўжалик ҳисобланган ва барча ошхона анжомлари шу жойда жойлаштирилган. Ўчоқдан оила аъзолари овқат пишириш ва уйни иситишда фойдаланганлар. Хонанинг эшикка карама-қарши томондаги деворида иккита меҳроб бўлган. Бундан ташқари хонанинг ички деворлари бўйлаб ҳам нечта катта-кичик токчалар ўрнатилган. Бир хонали тузилиши ва ички кўриниши жиҳатидан биринчисига ўхшаш, фақат уйнинг олд тарафида айвон – пешайвон қилинган уйлар ҳам Фарғона водийсида кенг тарқалган эди. Фарғона водийси аҳолиси орасида бир хонали уйларнинг икки эшикли вариантдагисини ҳам учратиш мумкин. Бундай бир хонали уйларнинг томонидан қуйи томонидан ҳам эшик бўлган. Уйнинг юқори томонидаги эшиги тўр эшик дейилган, у энсиз-тор бўлиб, ундан ҳеч қачон хонага кириб чиқилмаган. У фақат хонани шамоллатиш учунгина хизмат қилган.

Фарғона ҳудудларида икки хонали уй-жойларнинг ҳам учрайди. Энг кўп учрайдиган вариант бу катта уй ва у билан ёнма-ён жойлашган даҳлиздан иборат уй-жойлар ҳисобланган. Бундай уйларда даҳлиз одатда ошхона вазифасини ўтаган. Шунинг учун бу хонада мўри-ўчоқ қурилиб, барча ошхона нажомлари шу хонада турган. Катта уй бир вақтнинг ўзида оила аъзолари ётиб дам оладиган, меҳмон кутадиган ва кундалик машғулотлар билан шуғулланадиган асосий вазифасини ўтаган.

Икки хонали уй-жойларнинг Фарғона водийсида энг кўп тарқалган вариантларидан бири – чуқур айвонли уйлардир. Чуқур айвонли уйлар тузилиши жиҳатидан хуржунга ўхшаб кетганлиги боис, халқ орасида “хуржун айвонли уй” деб аталган. Икки хонали уйларнинг бундай варианты иккита бир-бирдан ажратилган алоҳида хонадан иборат бўлиб, хоналар ўртасида эса чуқур айвон жойлашган. Чуқур айвон ҳар уч томонидан девор билан тўсилган, фақат олд томонигина очиқ қолган. Айвоннинг орқа диворида мўри-ўчоқ жойлашган. Ҳар иккала хонанинг алоҳида эшик ва

дарчаси бўлган. Бундай вариантдаги уйлар одатда битта катта бўлмаган оила ёки иккита кичик оила яшаши учун мўлжалланган.

Икки хонали уй-жойларнинг пешайвонли вариантдагиси ҳам мавжуд бўлиб, бу уйларнинг пешайвон икки ён томони девор билан тўсилган, одатда ғарб томонида девор мўри-ўчоқ қурилган. Фарғона водийсининг турар жой меъморлигида пешайвонли уйларнинг олд томонини жанубга қаратиб қуриш катъий қоида ҳисобланган.

Фарғона пешайвонлари жанубий фасадни ёзда қуёш нурларидан ҳимоя қилади ва қишда эса умуман ҳалақит бермайди. Фарғона уйлари водийнинг ҳароратига қуйидаги жиҳатлари билан мослашган бўлади:

- яшаш хоналари жанубга қаратиб қурилган ва уларнинг олдида айвонлар бўлиши билан ҳимояланган;
- дарчалар билан ёпилган қишки айвон (қашғарча)нинг мавжудлиги;
- хоналарга кириш айвонлар орқали бўлиши;
- хонани истиш ҳамда овқат тайёрлаш учун каминнинг мавжудлиги.

Фарғона водийси анъанавий турар жой меъморчилиги Ўзбекистон аҳолиси маданий жиҳатдан комплекс тарзда ривожланишини кўрсатсада, ҳудуднинг ўзига хос табиий-географик муҳити ва аҳоли орасидаги этномаданий жараёнларнинг характери жиҳатидан айрим маҳаллий-ҳудудий хусусиятларга эга бўлган. Доимий типдаги уй-жойларнинг шаклланишида ўтроқ аҳолининг этномаданий хусусиятлари ва маънавий-диний қадриятлари муҳим ўрин тутган.⁴¹

Фарғона меъморчилиги мактаби ҳам ўзига хос тушунчаларга эга бўлиб, баланд панжарали ойналар билан ёритилган хоналар, юқори ёруғлик билан таъминланган соябонли ҳовлилар, алоҳида типдаги печлар, қашғарчанинг мавжудлиги, уй фасади учун галерея хослиги, хоналарнинг

⁴¹ Хўжахонов И.М. Фарғона водийси қишлоқ аҳолиси анъанавий турар жойларининг этноҳудудий хусусиятлари (XIX аср охири – XX аср бошлари) / диссертация. – Т., 2007. – Б.66.

қарши томондаги ярим очик уйларга симметрик жойлашганлиги, икки томонга очиладиган шкафларнинг мавжудлиги ҳамда хитойликлар меъморлигига хос жануб томонга мўлжал олиб уй қуриш анъаналаридан иборат.

Хоразм уйларининг меъморий жиҳатдан энг яхши намуналари Хивада сақланиб қолган. Бу уйларнинг аксариятини ҳовлилари унчалик катта эмас ва бунга эҳтиёж ҳам бўлмаган. Аксинча ҳовлиларнинг кўп қисми айвон ва соябонлар билан беркитилиб офтоб тушиши камайтирилган. Хива иморатсозлигининг энг кўзга яққол ташланувчи яна бир хусусияти бу шимол томонга қарата икки хона баландлигида қурилган катта (“улли” ёки “терс”) айвондир. Унинг ичидан хоналарга кирилади. Бундан ташқари хоналар ҳовлига ҳам қаратилган бўлади. Улли айвондан ташқари яна ўнг ва бошқа айвонлар ҳам барпо этилган. Ёзги хоналар ёнида ёки қаршисига пастак хоналар қурилиб уларнинг устига айвон солинган. Айвонларнинг аксарияти бир устунлик. Устунлар кўпчилигининг тагкурсиси мрамрдан ишланган. Ёғоч элементлар (тўсин, устун, эшик) ўйма гулдор, деворлари жимжимадор қилиб ишланган. Ётиқ томлардан (учак) ётиш учун ҳам фойдаланилган. Қишки ва ёрдамчи хоналар устига болохона (талотин) қурилган. Булар одатда синчлар билан ишланган.

Улли айвонларнинг шимолга қаратиб икки қават баландлигида қурилиши Орол денгизи ва сахро томонидан эсадиган кечки шабадани ҳовлига йўналтиришни ва салқин ҳаволан фойдаланишни кўзда тутиш натижасидир.

Тадқиқотчилар томонидан Хива турар жойлари қуйидагича классификацияланганини кўриш мумкин:

- коридорли уй;
- Т – симон асосга эга уйлар;
- Г – симон асосга эга ҳовлилар;
- бўйлама композицияга эга уйлар;
- мураккаб тузилишга эга бўлган уйлар;

- ҳовлини айланаси бўйлаб қурилган уйлар;
- марказини меҳмонхона ташкил қилувчи уйлар.⁴²

Хива уйларида меҳмонхона уй билан чамбарчас боғланган бўлишига қарамасдан, у хоналардан ажратилган кириш қисмига эга. Бу ерда меҳмонхона бир хона, олди айвонли хона, даҳлизли хона тариқасида учрайди.

Хоразм меъморчилигига хос турар жойларининг ўзига хослигини иккита бир устунли айвонлар: ўнг айвон ва унга қарама-қарши қурилган терс айвон ҳамда улар орқасида қурилган яшаш хоналаридан иборат бўлган. Ўнг айвон одатда терс айвондан баландроқ ва шимол томондан эсувчи шамолга мослаштириб қурилган. Ер майдони етишмаганлигидан уйлар икки қаватли қилиб қурилган. Юқори қаватда яшаш хоналари, омборлар ва айвонлар мавжуд бўлган. Хоразм турар жойлари кўпинча болалар ва аёллар учун мўлжалланган ҳовлига бўлинган. Унчалик юқори бўлмаган сейсмик зона ҳисобланган мазкур ҳудуддаги уйлар бир қаторли якка синч уйлар қурилган. Деворий токчалар фақат сарой хоналарига ўрнатилган. Хоразм меъморий-бадий мактаби турар жойларида кўп сонли ёғоч ўймакорлиги намуналари: дарвоза, эшик, дарча, устун, тўсинлар юқори маҳорат билан бажарилган.

Хоразм турар жойлари фавкулудда ўзига хос бўлиб, фазовий шакли, безакларидаги бир ёқламаликка қарамай, фасаддаги ёғоч ўймакорлик безаклари ўзига хос жозиба бахш этади. Хива уйлари композицияси асосини – тўғри тўртбурчак ҳовли ҳамда бир-бирига қарама-қарши қурилган айвонлардан ташкил топган: баланд шимолга қараб қурилган улли айвон, унинг орқасида ёзги хона ҳамда қатор яшаш учун мўлжалланган хоналар, паст қилиб қурилган терс айвон. Деворлар бир синчли бўлиб, тоахмонлар ишланмаган ва ҳатто камдан кам ҳолда токчалар ишланган. Хоналарни иситишда хона поли ўртасига чуқур қазиб олов ёқишган. Деворлар ганч билан текисланган. Эшик ва устунлар ўзига хос безаклар билан юқори

⁴²Джумабаев Х.Ю. Архитектурный облик и эстетические качества сельского жилища Хорезма (традиции и новаторство). Автореферат. – Баку, 1990. – С.12.

даражадаги маҳорат билан безалган. Деворлар юқори қисмигача нақш-безаклар, расмлар ва тасвирлар билан жилоланган. Устунлар тепасига ўймакорлик асосида ишлов бериш кенг тарқалган.

Хоразм анъанавий турар жойлари қуйидаги меъморий ечимга эга: яшаш хонаси – мустаҳкам уй – пишиқ қурилган иншоот ҳисобланади. Хива бадий меъморлик анъаналари конструктив ечимлар ва ёғоч устунлар ҳамда эшикларнинг безакларида яққол намоён бўлади. Хива иморатларининг характерли хусусиятлари қарама-қарши элементларнинг бирлигида кўринади: паст ва баланд айвонлар, ташки деворларнинг безаклар бутун юза бўйлаб ишланган, енгил каркасли конструкция, ҳовли сахнини тўлдириб турадиган куёш нурлари ҳамда чуқур жойлашган айвонлар ва бошқалар.

Ҳовли жойлардаги қарама-қарши элементлар ўзида қандайдир ғояни мужассамлаштирган. Масалан, Хива уйларидаги баланд (ўнг) ва паст (терс) айвон бир-бирига қарама-қарши жойлашади, бир вақтнинг ўзида пластика, хоналар динамикаси ва нур соя эффектини беради. Паст айвоннинг олдида баланд айвон янада баландроқ кўриниб иллюзия ҳосил қилади. Хива ҳовлиларидаги ёғоч устунлар бутунлай безаклар билан қопланганлиги билан ажралиб туради.

Хоразм қишлоқларида пахса улар кўп тарқалган. Уларнинг айримлари уч-тўрт ошёна (ярусли) қилиб қурилган.⁴³

Хоразм шаҳар ташқарисидаги турар жойларнинг асосий кўриниши ҳовлидан иборат бўлган. Улар баланд пахса деворлар ва бурчаклар билан ўралган, кириш эшиги айлана минорасимон деворлар билан ажратилган. Турар жойлар тарҳи аниқ тарзда икки функционал ҳудудга бўлинган: яшаш хоналари ва хўжалик биноларига. Одатда ҳовлига ягона эшикдан кирилган, иккита бир-бирига қарама-қарши айвон ва айвон ортида яшаш хоналари бўлган. Самарқанд шаҳар ташқарисидаги уйлاردан Хоразм ҳовлилари деворлари канелюр билан қопланган. Ўймакорлик безаклари билан фақатгина миноралар безатилган.

⁴³Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1995. –Б. 99.

I боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, Ўрта Осиё халқларининг турар жойлари қурилиши услуби кўп минг йиллик маданий ривожланиш маҳсули бўлиб жуда ранг-баранг меъморий анъаналарни ўзида мужассам этган. Масалан биргина ёзги хоналарнинг ўнга яқин тури мавжуд ва маълум. Булар долон, шийпон, равон, айвон, ўнг айвон, терс айвон, кайвон, соявон, нимайвон ва ҳоказолардир.

Бу анъаналарнинг ичида бевосита иқлим шароитига мослашиш ва халқ урф-одатларини ҳисобга олиш туфайли юзага келган.

Марказий Осиё турар жой иморатсозлиги кўп минг йиллик тарихий таракқиёт давомида бир қатор меъморий ечимларни келтириб чиқарди. Жумладан энг қадимда қўлланилган кўп хонали яхлит структура кейинги юз йилликларда даҳлиз-хона мажмуасини келтириб чиқарди. Ҳовли иморатнинг негизини ва моҳиятини ташкил этадиган бўлди. Бухоро уйларида “тобистони”, “зимистони” хоналар туркуми юзага келган бўлса, Хоразмда “терс айвон”, “ўнг айвон” каби асосий элементлар юзага келди. Фарғонада мўри, Тошкентда равон уйнинг шаклланишида омил сифатида намоён бўлди. Қатор асосий ва хўжалик хоналари туркуми, амалий санъат воситалари, техник ечимлар юзага келди.

XIX аср Бухоро турар жой меъморчилигида қуйидаги қатор хусусиятлар кўзга ташланади:

1. Ер участкасини тежаш мақсадида қурилган 20-30 метрдан ошмайдиган ҳудудда барпо этиладиган турар жой кўрنيши шаклланган. Бу каби ҳовлилар бошқа ҳудудларда учрамаслиги билан ажралиб туради.

2. Турар жойлар қурилиши дарвозахонадан олдин долон бўлиши, қиш ва ёз фаслларида яшаш учун мўлжалланган хоналарнинг қурилиши, меҳмонхонада шоҳнишиннинг мавжудлиги, ҳовли юзаси тўлиқ тарзда ғишт билан қопланиши билан бошқа меъморий мактаблардан фарқланади.

3. Бухоро атрофидаги қишлоқ уйларида интерьер эмас, фасад қисми безалганлиги билан ўзига хослик касб этган.

Бухоро ҳудудида турар жой барпо этиш анъанаси шу ҳудуд иқлими, географик шароити, рельефи ва табиати билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланган. Уйларнинг пастки қисмидаги тағхоналар ўз навбатида кондиционер вазифасини ўтаган ҳамда тағхона очик туйнукларидан чиққан салқин нам ҳаво ҳовлида шамол айланиши – табиий конвекцияни ва хоналар ичидаги аэрацияни яхшилашга сабаб бўлиб микроиқлим ҳосил қилган.

Самарқанд ва Тошкент архитектурасининг ўзига хос томони уйлар кўчалар меъморчилигини шаклланишига асос бўлган. Бу икки ҳудуд турар жойларида яшаш хоналарига кириш ўртада жойлашган айвон орқали бўлган. Бундан ташқари интерьер безакларининг бойлиги билан ҳам Самарқанд ва Тошкент уйлари бошқа ҳудуд турар жойларидан фарқ қилади. Самарқанд уйларида Бухородаги каби меҳмонхонада шоҳнишин барпо этилади. Тошкентда эса шоҳнишинларни учратмаймиз. Равон – Тошкент меъморчилигининг ўзига хос элементи сифатида намоён бўлади. Самарқанд ва Тошкент ҳудудида долонлар нисбатан кам қурилган. Болохоналар олдинга чиқарилган ҳолда барпо этилган.

Фарғона меъморчилигида ҳам турили ўзига хос элементларни кўриш мумкин. Сейсмик ҳудуд ҳисобланган водий ҳудудида қўш синч уйлар нисбатан кўп қурилган. Қашғарча типидagi қишки айвоннинг бўлиши, айвонларнинг жануб томонга қаратиб қурилиши ҳамда уй ўртасида мўри-ўчоқларнинг бўлиши Фарғона турар жойларининг ўзига хос хусусиятларини ташкил қилади. Фарғон ва Тошкент ҳудудида токчалар уйнинг барча деворларига ишланиши билан бошқа ҳудудларга нисбатан кескин фарқ қилади.

Хоразм ҳудудига хос анъаналар токчалар қўлланилмаслиги баланд ҳамда паст айвонларнинг бўлиши, якка синч уйларнинг қурилиши билан характерланади.

II боб. Ўзбекистонда XIX аср халқ турар жой меъморчилиги композицион ечимларида ўзига хослик

2.1. Ўзбекистон шаҳарларидаги халқ турар жойларининг композицион ечими

XIX аср бадий меъморлик мактаби ўзининг кенг фазовий композицияга эгаллиги, табиий иқлим хусусиятларини ҳисобга олиши, бадий безаш мезонларининг ўзига хослиги ҳамда конструктив ечимда сейсмик кучларнинг ҳисобга олинганлиги билан характерланади.

Ҳовлилар ташқи ва ички қисмларга бўлинади (ташқари ва ичкари ёки бирун ва дарун). Биринчисида хўжайин ташриф буюрувчиларни қабул қилган ва ҳунар билан шуғулланган, бу ерда меҳмонхона (қабулхона), отхона, омбор, ем-ҳашак сақланадиган хона бўлган; иккинчиси оила ҳаёт кечириши учун мўлжалланган бўлиб, яшаш учун мўлжалланган уйлар – хона, хизмат кўрсатувчи хоналар – ошхона, омборхона ва бошқаларга бўлинган. Баъзида махсус хўжалик ҳовлилари ҳам мавжуд бўлган, бир қанча шаҳарларда ҳовли ўз таркибига боғни ҳам қамраб олган. Ичкари ва ташқари периметр кўринишида қурилган ва хоналар ҳовли томонга очилган. Тор ҳовлиларда эркаклар учун кираверишда ёки иккинчи қаватда биргина хона ажратилган, бу ҳолда хонанинг ойнаси кўчага қараган бўлган. Хоналарнинг олд томонига айвон ва пешайвонлар қурилган. Ёпиқ турдагиси – айвон, очик кўрнишдагиси – суфа дейилган. Кўпинча хоналарга айвондаги эшикдан қурилган. Фасад қисмда полдан баландроқ қилиб эшикни эслатувчи туйнуклар – дарча очилган, улар ташқарига очилган. Эшик ва дарчаларнинг юқорисида кичкина панжарали ойналар – тобадонлар бўлган. Фарғон ва Тошкентда қишки айвоннинг кўриниши – қашғарча бўлган. Қабулхоналарни иккинчи қаватда бўлиши Фарғона, Самарқанда ва баъзан Бухоро уйларида учрайди.

Уйлар тузилиши содда бўлган. Шаҳарларда деворлар якка ёки кўш синчли қилиб ораси ҳам ғишт ҳамда қўлда қилинган лой блоклар – гувала билан тўлдирилган. Поллар лойдан ишланган бўлиб, баъзан сомон сувоқ ёки ганч билан сувалган, камдан-кам пишган ғиштан ишланган. Том ёғоч билан ёпилган. Одатда хона ичи беркитилмаган ва ёғочлар орасидаги қиррали майда тахталар – вассалар очик қолдирилган.

Ички ҳовлида оила турадиган хоналар, айвон, ошхона ва бошқа хоналар жойлашган. Ташқи ҳовли кўпинча иккинчи қаватда қурилиб, биринчи қаватда хўжалик хоналари, айвон, молхона, иккинчи қаватда меҳмонхона айвонлар жойлаштирилган.

Ўзбекистон шаҳарларида ташқи ҳовли композицион жиҳатдан салобатлироқ қурилган. Бу билан меъморлар, биринчидан, уйнинг кўча томондаги пештоғини бойитиш, тантанавор қилиш билан бирга унинг тарх жиҳатдан функционал вазифасини кучайтиришга ҳаракат қилишган. Ташқи ҳовли кўпинча икки қаватли қилиб қурилиб, унинг биринчи қаватида хўжалик хоналари, айвонлар жойлаштирилган. Иккинчи қаватда атрофи айвон билан ўралган меҳмонхоналар бўлган. Ташқи ҳовли ўртасида кичкина жой очик қолдирилган. Бу очик жой иккинчи қават учун ҳам очик майдон ҳисобланиб, атрофидаги хона ва айвонларни композицион боғлашга қаратилган.

Мазкур тузилишдаги уйнинг шаҳарларда кенг тарқалиши бошқа талаб ва принциплардан ташқари ҳовлининг меҳмон кутишига ҳам қулайлик туғдирган.

Шаҳар шароитида ҳам меъморчилик нуқтайи назаридан ёндошганимизда тўғри келганини ҳис қиламиз, чунки меҳмон иккинчи қаватда шинам, баҳаво меҳмонхона қабул қилинган, миниб келган оти эса биринчи қаватдаги зинхонада сақланган.

Меҳмонхонани салобатлироқ, уйнинг қолган қисмидан баландроқ қилиш қадимдан мавжуд бўлиб, бу принцип шарқ миниатюраларида ўз ифодасини топган. Жумладан “Гўзал қиз ва ошиқ чол” (Бухоро XVI аср)

миниатюрасида дарвозахона устида жойлашган меҳмонхона баланд, салобатли, ҳашамдор кўринишга эга. “Иш билан шуғуллаётган зодагон” (1500 йил) миниатюрасида меҳмонхона икки қисмдан иборат бўлиб, бири бўйлама композицияга, иккинчиси, гумбаз билан ёпилган. Уларнинг иккаласи ҳам уй ансамблидан баланд кўтарилган.

Ташқи ҳовли кўпинча кўчага қаратилган. Биринчи қават пишиқ ғишдан терилиб, ўртада ёки бир бурчагига икки табақали дарвоза ўрнатилган. Иккинчи қават биринчи қават деворидан бўртиб чиққан узун айвон билан ажратилган. Баъзан кўндаланг композицияга эга бўлган уйларнинг иккинчи қавати кўча томондан айвон билан бўлинган, иккинчи қаватни ушлаб туриш учун биринчи қават деворидан кўча томонда устунлар ўрнатилган. Уй қаватлари бир текисликда кўчага қаратилган бўлиши мумкин. Бу ҳолда қаватлар фақат кўндаланг чизикда ташқарига 20-30 см бўртиб чиққан, биринчи қават тўсинлари ва бир ёки икки қатор қилиб терилган пишиқ ғишт билан ажратилган.

Уй композицияси уйнинг тузилишига қараб бўйлама, кўндаланг, ярим айлана шаклида ҳам учраши мумкин.

Шарқ халқ меъморчилигида уйнинг кириш қисми ўзига хос талабларга эга бўлган. Бу, албатта, ўша халқнинг урф-одати билан боғланган. Темурийлар авлодига мансуб Вожидалининг “Матлаул улум ва мажмуал фунун” номли қомусида “Гўзал ва маҳобатли ташқи дарвоза бинонинг кўркидир”⁴⁴, дейилган. Ҳақиқатдан ҳам, ўймакорлик усулида ишланган бағдодча дарвозалар уйнинг кўрки бўлган.

Бухорода моҳирона, нафис ўйиб ишланган дарвозаларни кўриб қувонганидан одамлар устага қарата “нигин шинонд” – узук тақибди⁴⁵, дейишган.

Шуни айтиш керакки, турар жой меъморчилигида дарвозахоналар ажойиб тарҳ ва тарзга эга бўлган. Дарвозахона, асосан, ҳовли билан кўчани

⁴⁴ Зоҳидов П.Ш. Ўзбек меъморчилигининг устозлари. –Т.: Ўзбекистон, 1967. – Б.6.

⁴⁵ Нозилов Д.А. Халқ меъморчилиги. –Т.: Фан, 1982. – Б.42-43.

боғлаган. Кўпчилик ҳолларда дарвозахона ҳамма томонлама берк бўлиб, у ҳовлининг интимлигини таъминлаган.

Дарвозахоналар уйнинг планига, композициясига қараб ҳар хил қурилган. В.Н.Манакова Тошкент уйларида беш турдаги дарвозахона планини аниқлаган.⁴⁶

Уларда дарвозахона долон шаклидаги йўлак, зиналар билан кўтарилган долон тузилишига, тарҳда “Д” ҳарфи тузилишига, тўртбурчак шаклидаги дарвозахонанинг катта айвон билан боғланиши, тўртбурчак шаклдаги дарвозахонанинг “Г” шаклидаги долонга боғланиши каби тузилишларга эга.

Самарқанд, Бухоро халқ меъморчилигида ҳам Тошкентдаги дарвозахона турлари мавжуд. Шу билан бирга, дарвозахонанинг ташқи ҳовли бўйлаб ўраб олинган айвон билан бирлашиб кетган ҳоллари ҳам учрайди.

Умуман, халқ меъморчилигида дарвозахона ўзининг ихчам, чиройли тарҳи ватарзи билан юқорида айтиб ўтилган вазифалардан ташқари, уй композициясига тантанворлик бағишлаган ва уй мажмуаси учун пештоқ вазифасини бажарган.

Уйнинг ички ҳовлисида хоналар, айвонлар асосан, бир қаватли қилиб қурилган. Шунингдек, кўпчилик уйларда қўшни билан мулоқотда бўлиб туриш учун деворда туйнукча қолдирганлар. Қўшнилар туйнукча орқали бир-бирларидан хабардор бўлиб туришган. Меҳмон келган хонадоннинг кам-кўстини сездирмасдан қўшнилар шу туйнуклардан меҳмонга атаб нон, ёғ, овқат, мева чиқаришган. Шунинг учун бўлса керак, халқимизда “Меҳмон келар эшикдан ризқи келар тешикдан” деган нақл бор. Шунинг учун қўшнилар меҳмон билан суҳбат қуриш учун ташриф буюришган ва навбатма-навбат ўз уйларига меҳмондорчиликка таклиф қилишган.

Ўзбекистон ҳудудидаги уй-жойлар бир-биридан кескин фарқ қилмаган бўлсада, ҳар бир тарихий-маданий вилоятларнинг ўзига хос тарихий-иқлим шароити, турар жойлардан фойдаланиш характери, у ёки бу

⁴⁶ Нозилов Д.А. Халқ меъморчилиги. –Т.: Фан, 1982. – Б.43.

усулдаги қурилиш конструкцияларидан фойдаланишнинг баъзи ўзига хослиги билан ажралиб туради. Тадқиқотчилар мазкур ҳудудлардаги турар жойларни юқорида қайд этилган белгиларига кўра фарқланиб турадиган гуруҳларга бўлади: Фарғона, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз. Мазкур ҳудуддаги аҳоли турар жойлари меъморчилиги билан шуғулланган В.Л.Воронина ҳам бу ерда халқ меъморчилигининг учта мактабини кўрсатади: фарғона, бухоро ва хоразм. Шундай экан, сўнгги ўрта асрлар давомида минтақада бир-биридан бутунлай мустақил бўлган учта хонликнинг ташкил топиши Ўзбекистонда уй-жойлар меъморчилигининг бир неча мустақил мактаблари ривожланишида ҳам муҳим омил бўлган, деб айтиш мумкин.⁴⁷

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича меҳмонхонанинг ҳовлилари қай тарҳ ва тарзда қурилишининг кўриб ўтамиз:

Бухорода тураржойлар икки ҳовлили ҳамда икки қаватли қилиб қурилган. Ташқи ҳовлининг ўртаси очиқ бўлиб, тўрт томони айвон билан ўралган. Иккинчи қаватда даҳлиз ва омборхонали меҳмонхона, олди, ён томонлари кенг майдонга эга бўлиб, айвонлари билан миниатюра шаклидаги хушбичим ҳовли атрофида эркин тарҳ ва тарзда жойлашган.

Самарқанд тураржойлари асосан икки ҳовлидан иборат бўлиб, ташқи ҳовлининг биринчи қавати тўрт томонидан айвон билан чегараланган. Иккинчи қаватдаги меҳмонхона икки хона ва айвонлар ўртасидаги ҳовли бўлиб, ташқи ҳовлининг ажойиб архитектура композициясига эришишига ёрдам беради.

Тошкент шаҳридаги уйда меҳмонхона ташқи ҳовлининг иккинчи қаватидан ўрин олган. У квадрат шаклидаги айвон ва ҳашамдор катта хонадан иборат. Меҳмонхона деворлари ганчли нақш билан безатилган токчаларга тақсимланган. Уни пойгаки хонанинг асосий қисмидан устунлар билан ажратилган. Айвон меҳмонхонадан баландроқ кўтарилиб, тўрт томонидан безакли темир панжара билан чегараланган.

⁴⁷ Хўжахонов И.М. Фарғона водийси қишлоқ аҳолиси анъанавий турар жойларининг этнохудудий хусусиятлари (XIXаср охири – XXаср бошлари) / диссертация. – Т., 2007. – Б.50.

Фарғона уйларида меҳмонхона алоҳида кичкина ҳовлига эга ҳолда учрайди. Фарғона водийси шаҳарларида меҳмонхона олд айвонли бўлади. Андижон, Қўқон, Марғилонда косибчилик билан машғул бўлган оилаларнинг аксарияти XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларига қадар ички ва ташқи ҳовлига эга бўлиб, ташқи ҳовлида меҳмонхона қуришган.

Хива уйларида меҳмонхона уй билан чамбарчас боғланган бўлишига қарамадан, у хоналардан ажратилган кириш қисмига эга. Бу ерда меҳмонхона бир хона, олди айвонли хона, даҳлиздаги хона тариқасида учрайди.

Шаҳрисабз типдаги уй ўзининг мустақил меъморлик қонунларига амал қилиши билан ажралиб туради. Композициянинг асосий элементи қилиб – бир устунли айвон ва унинг ёнидаги хона олинади. Уларнинг ўртасида икки хонали айвон ўрин олади, кўп хонали уйларнинг хоналари ҳовли бўйлаб периметр кўринишида жойлашади. Хоналарга айвондан тўғридан-тўғри кўринишда кирилади. Уйларнинг деворлари яқка синчли қилиб қурилган.

Айвонлар пропорцияси жуда аниқлик билан ишланган – улар уй томи билан тенг ёки ундан сал баландроқ қилиб қурилган. Фасад қисми тор ёки бир устунли бўлган. Эшик, панжара ва устунлардаги ўймакорлик ишлари ўзига хос ҳарактер кашф этган. Интеръер декорацияси – ёрқин рангларга бой бўлиб, токчалар ва паннолар бўялган, шифтларга нақшлар ишланган.

Ўзбекистон шаҳарларида меҳмонхона асосан ташқи ҳовлида қурилган. Меҳмонхона учун ташқи ҳовлининг иккинчи қавати ажратилган, у бир хона, даҳлиз, айвон, майдон, омборхона ҳамда атрофи айвон ёки очик майдонли икки уч хона ва даҳлиздан, баъзан ташқи ҳовлининг иккинчи қаватида баланд шийпоннинг бир ёки икки томонида битта ёки бир нечта хонадан иборат бўлиши мумкин.

Бир қаватли уйларда меҳмонхонанинг кириш қисмига яқинроқ ёки алоҳида кичкина ҳовлига, шунингдек, дарвозахона ёки бошқа хўжалик

хонаси устига бир хона ва кичкина айвони билан ёки бир ва икки томони шохнишин катта хонали қилиб қуриш мумкин.

Бир каватли, бир ҳовлили уйларда меҳмонхона уй мажмуаси билан бир тарҳда, ҳам конструктив жиҳатдан боғланган бўлишига қарамасдан, алоҳида кириш майдончаси ва эшигига эга, яъни меҳмонхона дарвозахона билан туташган. Айрим уйларда дарвозахона меҳмонхонанинг кириш майдончаси бўлиб хизмат қилади.

Баъзан бир ҳовлили уйларда меҳмонхона бир ёки икки хонага эга бўлиб, иккинчи каватда ташқи ҳовлига ўхшаш кичкина майдончаси бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, айрим бадавлатроқ хонадаонлар ўз уйидан узоқроқда меҳмон кутиш учун алоҳида уй қурганлар. Бу уйлар меҳмонхона деб юритилган.

Уй комплексида меҳмонхона ўзининг ички беағи билан ажралиб турган. Меҳмонхона ҳам бошқа хоналар каби пойгак ва пешгоҳга бўлинган. Кўпчилик уйларда хона поли даҳлиздан баланд бўлиб, оёқ кийимлари даҳлизда қолдирилган. Айрим уйларда хона пойгаҳи квадрат – тўғритўртбурчак шаклида хонанинг асосий қисми сатҳидан паст қилинган.

Меҳмонхона остонаси пол сатҳидан анча баланд бўлган. Олимларнинг ёзишича, мазкур қоида асосида конструктив тушунчадан кўра меҳмонхонанинг кириш қисми меҳмонга тантанаворлик бахш этиши назарда тутилган. Остонанинг кўтарилишини барча турдаги хоналарда учратиш мумкин. Синч уйларда деворнинг пастки қисмидан тагсинч ўтади. Шунингдек, эшик қутисининг пастки қисмини ўрнатиш учун албатта остонани кўтаришга тўғри келади. Бундан ташқари, мазкур услуб асосида хона юзасини аниқ чегаралаш ҳамда хонага совуқ ҳаво, ёмғир, қор ва ҳашаротлар кирмаслиги эътиборга олинган бўлса керак.

Кўпчилик уйларда хона эшигининг пастроқ бўлиши уйга кираётган кишининг эгилиши хонадонга таъзим-эҳтиромини англатган деган тушунча ҳам мавжуд.

Бизнингча, турар жой меъморчилигида эшикнинг пастроқ бўлиши куйидаги омиллардан келиб чиққан бўлса керак. Турар хоналар шифти маъмурий диний обидаларга нисбатан анча паст бўлган ҳамда эшик устига ёритиш учун ганчдан тобадон ўрнатилган. Бу ўз навбатида эшикнинг пастроқ бўлишига олиб келган. Бундан ташқари эшикнинг кичик бўлиши хона хароратини қишда иссиқ, ёзда салқин сақлашга ёрдам берган.

Ўзбекистоннинг ҳамма шаҳарларида хонанинг ҳовли томонига деразалар ўрнатилиб, улар ораларида токчалар жойлаштирилган. Деразалар кўпчилик уйларда ўймакорлик қилинган бағдоди эшик билан ёпилади. Бу эшиклар ёз ойларида, жазирамада иссиқ кунларда ёпилиб хонани салқин сақлашга ёрдам берган.

Меҳмонхона деворининг юқори қисмидан горизонтал чизиқда ўтказилган шарафалар хонага тантанаворлик бағишлаб хона деворлари беағи билан шифт тўсин ва вассаларнинг ранго-ранг безакларини ўзаро боғлайди ва девор безакларини тематик жиҳатдан композицион боғланишига ёрдам беради.

Ўзбек уйларида токчалар алоҳида типларда ишланган: Фарғон ва ва Тошкент уйларида хонанинг тўрт деворига токча ишланган; Шаҳрисабзда – деворнинг уч томонига, Самарқандда – икки томонга, Бухорода – деворнинг бир томонига, Хивада эса умуман токчалар ишланмаган.

Меҳмонхоналар шифти кўпроқ нақшланган қабза услубида ёпилган. Шифт тўсинларига чизилган гуллар хонанинг икки томонидан ўртага қараб интилиши ҳамда вассаларга ишланган гулларнинг кўплиги сабабли хона устини чирмашиб кетган гуллар билан буркангандек туюлади. Бу кишига эстетик завқ бериши билан бир қаторда ёзда хонанинг салқин, қишда эса иссиқ туюлишига кишини ишонтириш эмоциясига ҳам эга.

Меҳмонхона деворидаги ганчли ўйма нақшлар ҳам ранг-баранг безаклар билан ҳам композиция, ҳам маъно жиҳатидан боғланиб хона деворини уйғунлаштиради, яъни девор ўрнига ганчдан ишланган панжарага

чирмашиб чикқан гулларни эслатади. Бундай безаклар хонани очик боғ билан туташгандек туюлишига имкон яратади.

Хона деворларидаги токчалар майда нақшлари билан функционал вазифани, яъни хона сарамжонлигини, хонанинг кенг, баҳаво бўлишини таъминлаш билан бирга бадий безак вазифасини ҳам бажаради.

XIX асрга келиб кўпгина безаклар ўзининг диний негизини йўқотди, унча-мунча сакланиб қолганлари эса қадимий эътиқод ва рамзларнинг яшовчанлигидан дарак беради. Нақшларнинг рамзий аҳамияти ягона ҳодиса эмас. Баъзи нақшлар бошқача маъно ҳам касб этган. Баъзилари анъанавий равишда фойдаланиб келинган бўлса, бошқа бирлари халқ образига айланиб қолган, лекин ҳар қандай ҳолда ҳам улар умрбоқий бўлиб, ўзларининг гўзалликлари билан одамларга завқ-шавқ бағишлаб келган.

XIX аср охирида юзага келган меъморий безак силсилалари ва шакллари бу давр дунёқарашлари талабларига жавоб бермас эди, усталарда ҳам табиий равишда янгилик сари интилиш пайдо бўла бошлади. Шарқона ясси услуб билан ғарбона ҳажмий тасаввурнинг бир-бири билан бирикувчи безак санъатида ҳаётий манзараларни ҳаққоний акс эттириш учун туртки вазифасини ўтади.

Уйнинг ички қисмини безашда оддийлик, безак ишларида янгича талқинлар пайдо бўлди. Тасвирни ижро этишда ҳам сифат ўзгаришлари кўзга ташланади. Меҳмонхона деворларини безашда деворга кўк, тўқ жигарранг ҳамда яшил ранглардан оқ геометрик барглар чизилиб, унинг ичига ҳар хил гуллар тасвири солинган, ундан ҳар томонга оқ рангдаги шоҳчалар тарқалган. Бундай безак хонани чегараси йўқ боққа ўхшатиб юборган.

Шифт ва деворларга гул ўйиш ҳамда чизиш Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида кенг тарқалган. Хоналарнинг ёруғ бўлиши ҳамда уларда ҳаво алмашилишини осонлаштириш мақсадида ганчли панжаралар ишланган. Бундай панжаралар ҳар хил шаклга эга бўлиб, уларнинг кўпчилиги турлича гулларнинг замонавийлаштирилган геометрик нусхалари, гилам гулларига

ўхшаган учбурчак, тўртбурчак расмларни айлана шаклдаги юзаларга жойлаштириш орқали бир-бирига уйғун ажойиб композиция яратилган.

Турар жой меъморчилигида табиат ва иқлим шароити жуда қадим замонлардан бошлаб инобатга олинб келинган. Зеро халқ уй-жойлари меъморчилигининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳам шундадир. Табиий-иқлимий омил аҳолининг турар жойларида яшаш учун қулайлик яратиш билан бирга уйни табиий офатлардан ҳам сақлашга имкон берган ҳамда хоналарни ёзда салқин, қишда эса иссиқ бўлишига хизмат қилган.

Ерли ўтроқ аҳоли ёғоч танқислиги муаммосини бартараф этишга доим ҳаракат қилиб келган. Ўз уй-жойига алоҳида муносабатда бўлиш ўзбеклар учун ўзига хос анаъаналардан бири ҳисобланади. Одатда, ота-оналар қизлари учун сеп-сидирға тайёрлагандек, ўғил учун уй-жой қуриб беришни ўз бурчлари деб биладилар. Шунинг учун ҳам уй барпо этиш оиланинг асосий ташвишларидан бири ҳисобланган. Оила кўп болали бўлганида эса бу иш кўпинча бутун умр давом этган. Шу сабабдан ҳам кўпинча ҳамма нарсани тежашга тўғри келган. Одатда оилада ўғил фарзанд туғилса ота унга атаб 10-15 та терак кўчати ўтқазган. Ўғил вояга етганида тераклар ҳам етилиб, синч, устун ва уйнинг бошқа ёғоч қисмлари учун ишлатилиши мумкинлигини назарда тутилган.

Яшаш уйлариининг турли кўринишлари жой ва ҳудуд талабларидан келиб чиққан ҳолда қурилган. Турар жойлар Ўзбекистон меъморлигининг энг кўп қиррали ва мураккаб бўлган объектларидан ҳисобланади. Одатий турар жойлар ва уларнинг шакллари бошқар меъморлик объектларига қараганда мураккаб тузилишга эга. Турар жойлар ўз ичига кўплаб таркибий қисмларни бирлаштиради ва бу иморталар биргаликда яхлит ансамбльни ташкил қилади. Бу ансамбль ўзининг вариатциявийлик хусусияти билан ажралиб туради. Бу яхлит композицияни шакллантиришда турли хил ижтимоий, тарихий, этник, табиатга хос, иқлимий омиллар роль ўйнаган. Бу омилларнинг барчаси турар жойлар анъанавий кўринишида ўз изини қолдирган.

2.2. Халқ турар жой меъморчилигига хос хусусиятлар таҳлили

Халқ устаси турар жойни барпо этишда асосий эътиборни уйнинг яшаш ҳамда ишлаб-чиқариш ва хўжалик қисми аниқ қилиб ажратишга қаратган. Бир ҳовлида яшаш учун мўлжалланган хоналар, даҳлиз ва ошхона бўлиб, бу оила аъзолари яшаши учун мўлжалланган, бошқа бир ҳовлида ишлаб чиқариш-хўжалик хоналари ҳамда меҳмонларни қабул қилиш хоналари мавжуд бўлган. Иккинчи ҳовли ишлаб чиқариш мақсадида ҳамда ташқи олам билан мулоқот қилиш учун мўлжалланган бўлган.

Агар уйнинг хўжайини хунароманд бўлса, уйнинг ташқи ҳовлисида устахона вазифасини бажарувчи хоналар ҳамда буюртмачилар билан иш юзасидан бўладиган суҳбатлар учун мўлжалланган меҳмонхона мавжуд бўлган. Агар хўжайин деҳқончилик билан шуғулланса, ҳовли атрофидаги хоналар молхона, ҳашак учун мўлжалланган омборхонадан иборат бўлган. Меҳмонхона кўпинча ёлланма ишчилар учун тунаш учун ётоқхона вазифасини бажарган. Савдогар ва амалдорнинг ташқи ҳовлисидаги қишки ва ёзги хоналар ташриф буюрган кишиларни қабул қилувчи хона вазифасини ўтаган. Бу каби ҳовли жойларда отхона ва омборхона каби хоналар мавжуд бўлган.⁴⁸

Ўзбек турар жойларининг ички ҳовлиси кўп хонали бўлган. Бунинг сабаби уйланган ўғиллар ҳам алоҳида чиқарилмаган. Отанинг вафотидан кейин ҳам агар ўғилларнинг касби бир бўлса, мол-мулк бўлинмаган.

Халқ турар жойлари қурилишининг турли хил композицион-тарҳли кўринишларини шаклланиши ва ривожланиши табиий иқлим шароитлари билан боғлиқ ҳисобланади. Уй хоналарини тузилишининг асосий жиҳати ёзнинг иссиғини камайтиришга хизмат қилиши бўлган. Оддий яшаш жойларида ёзги ҳамда қишки хоналарнинг мавжуд бўлиши уй соҳибининг бадавлатлигидан далолат берган. Ёзги хоналар одатда шимол томонга

⁴⁸ Абдурасулев Р.Р. Архитектура народного жилища Узбекистана // Архитектурное наследие Узбекистана. – Т.: Фанлар академияси нашриёти, 1960. – Б.7.

мўлжал олиб қурилган. Ҳатто бир хонали уйларда ҳам ягона бўлган яшаш хона ёзги хоналар каби шимол томонга қурилган. Бу Ўзбекистон ҳудудида ёзнинг қишга нисбатан узоқ вақт давом этиши билан изоҳланади.

Ҳароратга нисбатан пастроқ ҳарорат яратиш – турар жойлар композициясини барпо этаётган меъмор олдида турган бош вазифалардан бири бўлган. Бу айниқса, Хива уйларида яққол намоён бўлади.

Маълумки, Хивада ёзнинг иссиғи юмшатувчи шимол томонда эсадиган ёқимли шамол мавжуд. Шу сабабдан ҳам мазкур шимолни тутиб қолиш мақсадида “улу-айвон” ғояси ўйлаб топилган. Баланд айвон шамолни тутиб бошқа хоналарнинг ҳам салқин бўлишини таъминлаган. Шу сабабдан ҳам қатъий равишда улу-айвон шимол томонга қаратиб қурилган.

Агар ёзги хоналар шимол томонга қаратиб ўша томондан эсаётган шамолни тутиб қолиш мақсадида барпо этилган бўлса, қишки хоналар ҳовлининг у ёки бу томонига қарама-қарши қилиб қурилган. Бу ҳолдан кўриш мумкинки, қишки хоналарни бирор-бир томонга мўлжаллаб қуриш муҳим бўлмаган. Фақатгина хонанинг ойналари жануб томонга қаратиб қурилган.

Ўзбек хонадонларида яшил ўсимликларни ўстиришга алоҳида аҳамият берилган. Ҳаттоки энг кичик бўлган ҳовлиларда ҳам навобот оламига алоҳида жой ажратилган. Ўсимликлар ҳовли-жойнинг асосий элементи ҳисобланган. Улар ҳавони тозалаган кўчадан кирган чангни ўзига олган. Тунда ўсимлик ўсган ер ўсимликлар экилмаган ерга нисбатан 20-30 % камроқ иссиқлик чиқарган. Ўсимликлар ўсувчи ер соғломлаштириш манбаи ҳисобланган, яъни ўзига хос табиий кондиционер вазифасини бажарган. Хива қайрағочи ҳовлига экилганда, тунги салқин ҳавони ўзида тутиб қолиш хусусиятига эга бўлган. Натижада вертикал ҳаво алмашиниши юзага келган. Кундуз куни қайрағоч сояси ҳовли юзасигатушган ва ҳовлида ҳово алмашинишини таъминлаган.

Яшил ўсимликлар архитектуравий-декоратив вазифани ҳам бажарган. Қайрағоч танаси, унинг тўқ яшил барглари қумсимон-сарик, бир хил

лойсувоқ иморатлар фонида ўзгача таассурот қолдирган. Узум чирмашиб ўсиши учун қилинган сўри ҳовли архитектура композициясининг асосий элементи элементи ҳисобланади. Узум сояси тагида суфа жойлашган.

Бухорода яшил ўсимликлар ҳовлига кираверишдаги гулзордан иборат бўлган. Бошқа ҳудудларда ўсимликлар ҳовуз ва ариқларнинг олдида экилган.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида халқ турар жойлари кўринишларини барпо этишда тарҳли композицияларнинг хиллари кўп сони бўлмаган. Бунинг асосий сабаби турар жойларнинг барпо этишда бир хил хомашёдан кенг фойдаланилганида намоён бўлади.

Асосий қурилиш материаллари сифатида тупроқ ҳамда лойдан тайёрланган гувала ҳамда хом ғиштни эътироф этиш мумкин. XIX асрнинг охирига қадар шаҳар ва қишлоқлардаги турар жойлар қурилишида асосий хом ашё сифатида тупроқ ишлатилган. Асрнинг охиридан бошлаб эса қурилишнинг асосий хом ашёсини ёғоч ташкил қилган. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларидан бошлаб пишган ғишт ҳам турар жойлар қурилишида ишлатила бошлади. Ғиштни ёпиштирувчи асосий қоришма – лой бўлиб қолаверган.

Халқ турар жойларини барпо этишда пишиқ ғишtdан асосан деворни тиклашдан ташқари фундамент, цоколь (деворнинг пастки қалин қисми) қисмида кенг фойдаланилган ҳамда пол ўрнига ётқизилган.

Ўрта Осиё халқ меъморчилигида дарахт нафақат конструктив материал, балки бадиий-декоратив безак ашёси сифатида ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Эшик, дарвоза, тўсин, устунларда қайрағоч, уйнинг ички қисмида – тут дарахтлари ёғочидан фойдаланилган. Хоналарнинг ёғочдан ишланган қисми ўймакорлик асосида нақшлар билан безатилган.

Қоришмалар турларидан энг кенг тарқалганлари тупроқ ҳамда гипсли қоришмалар бўлган. Тупроқли қоришма деворлар орасидаги пахса ҳамда хом ғиштларда, бундан ташқари синч деворни устидан сувоқ қилганда ва қаватлар орасини ёпишда ҳамда том қисмига ишлатилган. Девор қуриш учун яхшилаб сув билан аралаштирилган, пишитилган тупроқ – лойдан

фойдаланилган. Девор юзасини сувашда тупроқли қоришмага сомон ҳам қўшилган.

Ганчнинг физик-механик ҳолати юқори бўлиб, худди цемент каби қуйиш ва ўйиш учун яхши аралашма ва материал бўлиб, юпқа деворли ғиштли гумбазларни ишлаш имкониятини берган, қиррали қилиб қўйилган гумбазлар, панжаралар, карнизлар ва бошқалар ишланган.

Таранг ва эластик бўлган ганч ғишт композицияларга зилзилага бардошлилик берган. Бундан ташқари ганч иссиқдан ҳимояланганлик ҳолатини беради. Шу сабабдан ҳам халқ усталари синч уйларнинг ичини ганч билан сувашган.

Девор қуриш учун, уни суваш учун, ўймакорлик учун турли хил ганч қоришмаларининг таркиби турли хил бўлган. Масалан, тезганч учун қалин сувоқ қилинган. Гулганч учун ҳеч қандай қўшимча қўшилмаган ва у тоза иш ҳисобланган.

Синч конструкциялар жуда содда бўлган. Якка синч ва қўш синч деворларнинг асосий элементи юқори ва пастки қисмлари боғланган, бурчаклари вертикал тарзда бўлган.

Якка синч уй деворларини пишиқ ва юпқа бўлишига, қурилиш майдонидан иқтисод қилиш имкониятини беради, бу бир мунча қулайлик туғдиради. Аммо бу типдаги синч нисбатан кам барқарор бўлган. Хоразм синчлари ташқи томондан горизонтал синчлар билан мустаҳкамланган. Якка синчларга токчалар ишланмаган.

Анъанага мувофиқ синч деворли уйлар фундаментга эга бўлмаган. Одатда грунтнинг юқори қисми кесилиб у текисланган ва шиббаланган. Синч деворларнинг қуйи қисми тўғридан тўғри бир неча қатор ғишт асосга ётқизилган. Якка синч қалинлиги 16-25 см, қўш синчники эса – 40-50 см бўлган.

Синч деворлар ичкари ва ташқаридан дастлаб сомон қўшилган қоришма билан сувалган ҳамда яшаш хоналарнинг ичи – ганч қўшилган

сувоқда ишланган. Бой хонадонлар уйларининг ички қисми гулганч қилиб ишланган.

Ёғоч синчнинг афзалликлари: йиғиладиган ва ажратиладиган конструктив асосга эгаллиги; иссиқ иқлимга узоқ чидаши ва тез тузатиш имкониятининг мавжудлиги ҳамда ажралган қисмларини ёпиш имкониятининг мавжудлиги, ошиқ-мошиқ жойларини эластик бирлашиши, тебранишларга чидамлилигидадир.

Ёғоч синч уйнинг барча конструктив деталлари стандартига тўлиқ тўғри келган. Синч элементи бўлган ёғоч савдога оид предмет бўлган.

Том ёпишнинг уч хил кўриниши бу даврда кенг тарқалган эди:

1) думалоқ дарахт ёғочларидан – тўсинлар ётқизилиб васса – майда кесилган, иккига бўлинган ёғочлар ишланган, юқорисида қамиш бўйра ва тупроқ тўлдирилган. Бу кўринишдаги томлар Ўзбекистоннинг барча худудларида кенг фойдаланилган.

2) балкалар орасида доскалар жойлаштирилган, бўйлама ёғоч ташлаганга ўхшатиб ёпилган, баъзан кўндалангига ишланган. Тахталардан бу каби фойдаланиш текис ва чуқур нақшлар билан тўлдириш имконини берган.

3) тўғритўртбурчак тўсинлардан турли хил шаклларда ётқизилган; ўрта қисми кўтарилиб қолган қисмларига ойнали шифтлар ишланган.⁴⁹

Думалоқ вассали тўсинлар бадиий безалмаган, аммо баъзида тўқ қизил рангга бўяб кўйилган. Бу кўринишдаги шифтлар Хоразм турар жойларида кўлланилган. Тўғри тўртбурчак шаклдаги тўсинлардан фойдаланиш Бухоро Тошкент ва Фарғона шаҳарларидаги бой хонадонларнинг уйларида кўп учрайди. Бу каби шифтлар ёғоч ўймакорлиги ёки баъзи уйларда рангли бўёқлар ёрдамида бўялган.

Томларнинг қалинлиги турли худудларда турлича бўлган. Бу хомашё ва чўкишни ҳисобга олиниши натижасида юз берган. Тошкентда бошқа худудларга қараганда чўкиш кўпроқ ҳисобга олинган томларнинг қалинлиги

⁴⁹ Абдурасулев Р.Р. Архитектура народного жилища Узбекистана // Архитектурное наследие Узбекистана. – Т.: Фанлар академияси нашриёти, 1960. – Б.15.

40-50 см бўлган. Бундан ташқари нишаби бир томонли ёки икки томонга караган томлар бўлган. Хивада чўкишлар кам бўлгани сабабли томларнинг калинлиги 15-20 см га яқин бўлган. Том ёпишда фойдаланиладиган қурилиш материали Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида сомон қўшилган лойли аралашма бўлган.

Шаҳар турар жойлари синчдан барпо этилган 2-3 қаватли уйлар бўлиб, сомон сувоқли лой билан сувалган. Бир неча шаҳарларда жумладан, Хива, Самарқанд, Қўқонда иккинчи қаватга айвонлар қурилиши уйнинг ташқи кўринишига салобатли кўриниш бахш этган.

Турар жой уйларининг кириш қисми оддий бўлган. Фақатгина бой хўжайинлар уйларининг кириш эшиклари ўймакор нақшлар билан безатилган. Бу каби ёндошув айниқса хиваликлар уйларида яққол намоён бўлади.

Барча турар жойлар учун хос бўлган хусусият шундан иборатки, бадий безаклар уйларнинг ички қисмига ишланган.

Айвон ва галереяларнинг шакли ва баландлиги бошқа яшаш хоналариникидан бир мунча баландроқ бўлиб, бу ёруғликнинг тушиш хусусияти билан бевосита боғлиқ бўлган. Бу маконий контрастни декоратив безаклар ёпиб турган. Нафис ингичка устун рангтасвир билан безатилган шифтга туташган. Шифт, деворлардаги ранглар айвоннинг умумий кўринишини бўрттириб, бадий композиция элементи сифатида кўринишига олиб келган. Суфа айвон олдида бўлиб ҳовлига чиқиш вазифасини ўтаган. Меъморий деталлар масштаби йўлак, устун, айвон ва галереялар атроф-муҳитни қулай кўринишига сабаб бўлган.

Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган ҳовли турларидан икки ҳовлили ва уч ҳовлили уйлар кенг тарқалган. Икки ҳовлили уйлар ичкари ва ташқари ҳовлидан иборат бўлса, уч ҳовлили уйларда учинчи хўжалик хоналар мавжуд бўлган ҳовли ҳам бўлган.

Айвон ва галереяларнинг шаклланишида асосий рольни устунлар ўйнаган. Ёғоч устун Ўрта Осиё меъморчилигида энг қадимги даврлардан

бери муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ёғоч қурилишнинг асосий қисми ҳисобланади. Устун квадрат ва шарсимон асосга эга ҳисобланган. Думалок тагли устун юқорига торайиб борган ва бевосита тўсинга таянган.

Ўзбек халқ меъморлигида устунлар асоси турли-туман бўлган. Ҳар бир худуд ўзига хос нақш ва тасвирлардан фойдаланган ҳолда устунлар асосини беаган. Бу нақшлар воситасида уларни ажратиш қийинчилик туғдирмайди. Юқори даражада ўймакорлик асосида безатилган устунлар асоси Хивада кўп учрайди. Учстуннинг юқори қисми рельеф композициялари билан безатилган ҳолда кўпинча учраб туради. Тасвирлар асосини услублашган ўсимликсимон нақшлар ташкил қилади. Айвонлардаги устунлар ўзининг композицион ечими, ҳажми декоратив безаклари билан айвоннинг яхлит композицион ечимини таъминлаган. Устун айвон композициясидаги бош элемент ҳисобланган. У айвон масштаби ҳамда унинг бадиий ечимини таъминлаган.

Хоразм ва Самарқанд худудида шаҳар ташқарисидаги уйлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Уйларнинг ташқи меъморий кўриниши текис девор, контрфорс ва кириш эшигидан иборат бўлган.

Қалин лойсувоқли деворлар уйнинг ташқи кўринишига маҳобатли кўриниш бағш этган. Шаҳар ташқарисидаги уйлар ўзининг кичик кўрғонларни ёлга солган. Деворлар турли-туман ўймакорлик безаклари билан ишланган, асосан пасха уриш санъатининг моҳироналиги кўзга ташланади.

Ўзбек уйларида ошхона асосан ички ҳовлида жойлашган. Деворнинг ёнида ғиштдан ишланган ўчоқ бўлган. Ошхона, омборхона, отхона, мадон ва бошқа хўжалик хоналари учун махсус ҳажм, ўлчам ва шакллар қўлланилмаган. Улар асосан умумий композицион ечимдан келиб чиққан ҳолда барпо этилган.

Меъморчиликда асосий эътибор безаш ишлари ички ҳовлига хос бўлган. Бу ерда ҳовли фасадлари рангли сувоқ қилинганини кўплаб учратиш мумкин.

2.3. Халқ турар жойларини барпо этиш анъаналарини шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар

Халқ турар жойларини барпо этиш анъаналари ҳам асрлар давомида шаклланган бўлиб, бу жараёнга қатор омиллар таъсир қилганини кўриш мумкин:

1. Иморат барпо этиш учун яроқли бўлган ер участкаларнинг камлиги. Бунинг натижасида икки-уч қаватли турар жой кўринишлари вужудга келди. Ер участкасини тежаш мақсадида барпо этилган икки-уч қаватли уйларни бу даврда Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларида учратиш мумкин. Бухорода меъморлигида бу муаммо ўзига хос тарзда ечим топган. Яъни ҳовли саҳнисиз турар жой кўринишларининг ўйлаб топилгани муаммонинг ечими ҳисобланади. Уй қурилишида мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда уйнинг биринчи қаватида кўпинча хўжалик мақсадларида фойдаланиладиган хоналар, иккинчи қаватида эса асосан яшаш хоналари, меҳмонхона ва айвонлар барпо этилган. Бу меҳмонхона ва айвонларнинг баҳаволигини таъминлаш билан бирга уйнинг ташқи кўринишига салобат бахш этган.

2. Иқлим шароитларига мослашган кўринишдаги турар жойларнинг вужудга келиши. Бу айниқса, меъморий анъаналарнинг шаклланишида асосий роль ўйнаган омиллардан бири ҳисобланади. Бухорода қишки ва ёзги уйларнинг (тобистони ва зимистони хоналар) вужудга келиши, Хивадаги улуғ айвон кўринишларини ўйлаб топилиши мавжуд иқлим шароитига мослашган турар жой кўринишларининг пайдо бўлишига олиб келди. Бухорода иссиқ иқлим шароитини бир мунча енгиллаштириш мақсадида барпо этиладиган зимистони уйлар, ёзги уйларни янада салқин қилиш мақсадида улар тагига ертўлаларни барпо этиш анъанаси, Хивадаги Оролдан эсган салқин шамолни тутиб қолишга мўлжалланган баланд айвонлар ҳовлини салқин ҳаво билан таъминлашга ҳизмат қилган. Самарқанд ва Тошкентда эса салқин ҳаво билан таъминлашда хоналарнинг олд қисмига

айвонлар қурилиб, ёзда қуёш нурини хоналарга нисбатан кам тушишига эришилган.

3. Рельеф хусусиятларининг инобатга олиши. Бу омил асосан Ўзбекистон ҳудудларида уй-жойларни барпо этиш конструкциясида намоён бўлади. Масалан, Фарғона ҳудудида қўш синч уйлар кўп қурилган. Сабаби тоғли ҳудуд бўлган Фарғона водийсида зилзилага бардошли уйларга эҳтиёж кучли бўлган. Хоразмда эса аксинча уйларнинг асосий қисми якка синчли бўлганини кўриш мумкин. Тошкент, Бухоро, Самарқанд уйларида эса қўш синч ва якка синч уйлар бирдек кенг тарқалган. Асосан бадавлат хонадонлар қўш синчдан барпо этилганини кўриш мумкин.

4. Хомашёнинг танқислиги муаммоси. Турар жойлар барпо этишда энг кенг тарқалган хомашё бу тупроқ – лой ҳисобланган. Тупроққа сув қўшиб ундан пишган ғишт, хом ғишт, гувала қилинган. Тупроқда сув аралаштириб ғиштни ёпиштириш учун фойдаланадиган қоришма лой тайёрланади. Ғишт терилгач устидан сувоқ қилишда ҳам тупроқ, сомон ва сув аралашмасидан қоришма тайёрланади. Том қисмини ёпишда ҳам лойдан қалин қилиб сувоқ қилишда фойдаланилган. Уйнинг конструктив қисмида ёғоч кенг ишлатилади. Бунда асосан маҳаллий ёғоч – тол, терак, қайрағоч каби дарахтлардан кенг фойдаланилган.

5. Диний омил. Турар жой қуриш анъаналарини шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан бири ҳисобланади. Айнан диний омил турар жойларнинг икки қисмдан ташкил топишига олиб келди. Ички ва ташқи ҳовли қисмлари диний омил яъни ислом дини ва шариат қонун-қоидаларига биноан тарзда шаклланган. Ички ҳовли асосан оила аъзолари яшаши учун мўлжалланган ҳолда барпо этилган. Бу ҳар бир мусулмон эркак ўз аҳли аёли ва оиласини номаҳрам кўзлардан ҳимоя қилиши билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Турар жой уйларида айниқса, ички ҳовлида эшик ва деразаларнинг ҳовли томонга қаратилгани ҳам диний омил таъсирида шаклланган анъаналардан ҳисобланади.

6. Ижтимоий омил. Бу шу уйда истиқомат қилувчи эркакларнинг касб-корларидан келиб чиққан ҳолда турар жой кўринишлари барпо этилганида яққол кўзга ташланади. Масалан, савдо-сотик билан шуғуланувчилар уйда меҳмонхона қабулхона вазифасини бажарган. Ташриф буюрувчиларнинг отлари учун махсус жой барпо этилган. Дехқон ва савдогарларнинг ташқи ҳовлисида албатта, дон-дун ва савдо товарларни сақлаш учун омборхона мавжуд бўлган бўлса, ҳунармандлар ҳовлисида устахона барпо этилган. Ижтимоий омил бундан ташқари турар жой қурилиши ва безакларида яққол намоён бўлган. Бой хонадонларнинг уйлари ўзининг меъморий композицион тузилиши билан камбағалларникидан ажралиб турган.

7. Бу даврда қурилган турар жойлар учун ҳовлида албатта, ўсимликлар ўсиши учун мўлжалланган ҳудуд мавжуд бўлиши билан ўзига хос анъанани шакллантирган. Фарғона ҳудудида бу анъана катта боғ-роғлар билан, Бухорода эса кичик гулзорлар билан белгиланган. Суфа устини тоқ навалари билан ёпиш усули ҳам Фарғона водийсида кенг тарқалганини кўришимиз мумкин. Фарғона водийсида уйлاردан ариқлар оқиб ўтса, Бухоро ҳудудида кудуқ ёки ҳовузлар ёрдамида ичимлик суви билан таъминланган.

8. Эстетик омил. Халқ ҳунармандчилигининг ривожланиши натижасида турар жойлар ниҳоятда безакларга бой тарзда барпо этилган. Ҳар бир ҳудуд учун ўзига хос эстетикага эга безаклар мажмуаси мавжуд бўлган. Уйлارнинг устуни, эшиклари, шифти ва деворлари безаклар билан безатилган. Ёғоч ўймакорлиги асосан дераза қоғқалари, уй эшиклари ва устунларда кенг ишлатилган. Ганч ўймакорлиги билан асосан хоналарнинг деворлари, тоқчалар безатилган. Девор ва шифтларга нақшлар чизилган. Бу хонанинг эстетик аҳамиятини янада оширишга хизмат қилган.

9. Ҳудудий омил. Турар жойлар меъморчилигида ҳудудий омил муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ҳар бир ҳудуд ўзининг иқлим, рельеф ва турмуш тарзи хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уй-жойларни барпо этган. Уларга кўшни бўлган ҳудудлар меъморчилигига оид анъаналар ва

кўринишлар ҳам бевосита ўз таъсири ўтказган. Жумладан, Фарғонада кашғарча типдаги айвонлар, Кошғар меъморлигига хос ҳисобланади. Уйлар ичида печкаларнинг қурилиши Хитой меъморлиги таъсиридан далолатдир.

10. Ҳудудлар меъморлигидаги ўзига хослик. Ҳар бир ҳудуднинг фақатгина ўзига хос бўлган бетакрор, шу ҳудуддагина кенг тарқалган меъморий анъаналари мавжуд бўлган. Масалан, Бухорода долонларнинг қурилиши, Самарқандда шохнишинларнинг кенг тарқалганлиги, Тошкентда равон кўринишидаги айвонларнинг мавжудлиги шулар жумласидандир.

Меъморликка доир адабиётларда уй-жой турларини ажратиш имконини берувчи бир нечта мезонлар белгилаб берилган. Булар уй-жойларининг тузилиши, қурилиш материаллари ва уларни тиклаш усуллари, том қисмининг шакли, ўчоқ ва унинг ўрнатиш қонун-қоидалари ҳамда уй-жойлари вертикал (ертўла, ярим ертўла, бир қаватли ва икки қаватли ва ҳоказо) ва горизонтал (бир хонали, икки-уч хонали уйлар ва ҳоказо) жойлашув хусусиятларига кўра бўлиш мумкин.

Бундан ташқари ҳудуд рельефининг тузилиши, ўзига хос табиий-иқлим шароити туфайли айрим локал шакллари ҳам вужудга келди.

XIX асрда Ўзбекистон ҳудудида яшовчи қишлоқ аҳолиси ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, асосан бир ва икки хонали этиб қурилган уй-жойларда яшаганлар.

Ўзбек миллий меъморлиги бу даврда демократик руҳда турар жой қуриш кўрнишларини жадал суръатларда ривожланганини кўриш мумкин. Бу табиий равишда бевосита инсоннинг маиший эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган.

Ўзбек турар жойларининг ўзига хос хусусиятлари алоҳида хоналар қурилишида ҳам кўзга ташланади. Ички ҳовли мисолида бу хоналарни таҳлил қиладиган бўлсак, ошхона асосан аёллар яшайдиган бу ҳовлининг асосий хўжалик хонаси бўлган. Ошхона асосан ҳовлининг аёллар жойлашган қисмидан ўрин олган. Нон ёпиш учун мўлжалланган тандир ошхонанинг бурчак қисмига қурилган. Деворлар бўйлаб ғиштдан қилинган ўчоқлар –

оташонлар жойлашган. Ошхоналарнинг ҳажми тасодифий, уй тарҳидан келиб чиққан ҳолда бўлган. Ошхона деворлари сомон сувоқли лой билан сувалган. Ошхоналарнинг ерли полдан оқова сувларни чиқариб ташлаш учун мўлжалланган бир нечта ташновлар чиқарилган. Оқова сувлар шу сувларни ютиб юборувчи қудуқларга бориб тушган.

Ошхонанинг ёнида маҳсулотларни сақлаш учун ҳамда хўжалик хонаси сифатида (руғонхона) махсус хона қурилган. Кўпинча бу хонада токчалар ўрнига полкалар қилинган. Пол ўрнига ғиштлар ётқизилган. Қолган барча хўжалик хоналари иккинчи қаватда жойлашган. Масалан манзар (чердак асосан қишга олиб қўйилган қовун ва мевалар сақланган), баъзида у хонанинг олд қисмида, баъзан иккинчи қаватнинг бурчак қисмида ганч билан сувалган катта яшиқларда озиқ-овқат ва буғдой сақлаш учун мўлжалланган. Қолган юқоридаги хоналарда ашқол-дашқоллар ва яшаш шароитида фойдаланилмайдиган буюмлар қўйилган. Баъзан бу каби хоналар умуман қурилмаган.⁵⁰

Ўзбек турар жойларидаги қўшимча хоналардан яна бири бу – мадон ҳисобланган. Мадон – бу тожикча сўз бўлиб, унинг эквиваленти ўзбекча ғулсхона деб юритилган. Мадон ёзги ёки қишки яшаш хонасига ёндош тарзда қурилган. Мадонга ёруғлик тўғридан-тўғри тушмаган ва унда доимо қоронғилик ҳукм сурган. Ёзги ва баҳорги хоналар бириккан жойда мадон уларнинг ўртасидаги бурчакда жойлашган ва унинг ҳажми хоналар ҳажмидан келиб чиққан. Бу ҳолда мадон майдони 10-12 метр квадратдан иборат бўлган.

Қишки уйлар доимо алоҳида қурилган. Бунда мадоннинг ҳажми нисбатан кичикроқ бўлган ва мадон қишки хона деворининг узунасига қурилган. Камбағал хонадаонларнинг уйларида мадоннинг ҳажми 1 метрдан ошмаган, аммо бой хонадаонларда унинг ҳажми ёзги хона узунлиги ярмича бўлган. Мадоннинг поли ғишдан ишланган, лекин ерли мадонлар ҳам кўплаб учрайди. Полда тошдан ишланган ташнав бўлган.

⁵⁰ Ремпель Л.И. Архитектура старого Джуйбара // Архитектурное наследие Узбекистана. – Т.: Фанлар академияси нашриёти, 1960. – Б.192.

Ўзбек турар жойларида энг кўп тарқалган хона тури бу – даҳлиз ҳисобланади. Фақатгина камбағал ҳунармандларнинг ёзги хонасида даҳлиз мавжуд бўлмаган ҳолос. Даҳлизга киришда ғишдан ишланган пол қилиниб, унга оёқ кийимлар ечилган ва бу пойгаҳ деб аталган.

Даҳлизнинг ўзига чегарадош бўлган хона узунлигидан келиб чиққан ҳолда узунликка эга бўлган (тахминан 3-4 м), кенглиги 2,36, 2,55, 2,8 метр бўлган. Қишки уйларнинг даҳлизи ўлчами 1,85 дан 2,05 метргача бўлган. Даҳлизда баъзида ғишдан зина қурилган. Агар уйда иккита ёнма-ён катта хоналар мавжуд бўлса, даҳлиз уларнинг ўртасида жойлашган ва икки хонага ўтиш йўли ҳисобланган (миён даҳлиз).⁵¹

Қишки ва баҳорги хоналар ҳам турар жойлар қурилишида муҳим ҳисобланган. Қишки хоналар кўпинча ёзги хоналарга қарама-қарши қилиб яъни жануб томонда қурилган. Уларнинг орасида қишки хоналарга ўхшаш аммо шарққа қаратиб қурилган қўшимча хона бўлган. Бу хоналар унчалик баланд бўлмаган, шунинг учун эшиклар устига катта панжаралар ўрнатиш имконияти бўлмаган.

Қишки хоналарга сандал ўрнатилган. У эшикдан қарама-қарши томонга ойнанинг олдига ўрнатилган. Агар танча иккинчи қаватдаги уйда ўрнатилган бўлса, икки қават орасидаги том қисми ва балкалар орасига ғиш терилиб ганч билан сувоқ қилинган.

Ташқи ҳовлидан ҳам фақат шу ҳовлигагина хос бўлган махсус хоналар ўрин олган. Ташқи ҳовлига кириш йўлакдан бошланган. Кириш йўлаги бевосита мол-мулкга туташган. Кўпинча бу қисм кўчадан “қизил чизиқ” билан ажратилган. Бу ҳолда алоҳида кириш долон ички йўлак – раҳравга мавжуд бўлган. Кўп ҳолларда йўлак устида кичкина болхона қурилган.

Ташқи ҳовлида яна бир ўзига хос хона устахона жойлашган. Камбағал ҳунармандларда махсулот ишлаб чиқариш учун мўлжалланган хона

⁵¹ Ремпель Л.И. Архитектура старого Джуйбара // Архитектурное наследие Узбекистана. – Т.: Фанлар академияси нашриёти, 1960. – Б.193.

бўлмаган. Устахона ўрнига ташқи ҳовлининг кириш йўлагига яқин қисмидаги хона ёки йўлакнинг бир қисми танланган. Бир мунча бадавлат ҳунармандлар хонадонларида устахона учун алоҳида хона ажратилган. Бу хона дўконхона деб номланган.

Омборхоналар кичкина бўлган алоҳида уйчада жойлашган. Бой ҳунармандлар хонадоида устахона ишлаб чиқариладиган маҳсулот мўлжалланган ҳолда қурилган ва хўжайин ҳунарманд бўлмаган ва аксинча у сотувчи ҳисобланган. Бу каби устахоналарда омбор муҳим аҳамиятга эга хона бўлган. Бой хонадонларда устахоналарнинг ўлчами 5,9 x 5,7 м дан 5,9 x 6,2 метргача бўлган. Омборхонали устахонадларнинг ҳажми бундан анча катта жойни эгаллаган.

От учун мўлжалланган хона ва уй ҳайвонларини боқишга мўлжалланган хоналар доимо ташқи ҳовлида бўлган. Мустаҳкам ёғоч устунлар қаватлар орасидаги томни ушлаб турган. Унчалик катта бўлмаган зина ёрдамида томга чиқилган. Ясси том эркаклар учун мўлжалланган ҳовли вазифасини бажарган. Бу ерда меҳмонхона ва ташқари учун хос бўлган хоналар ўрин олган. Уй ҳайвонлари учун мўлжалланган хона сарой кўринишида бўлган оғилхона, молхона, сигирхона ёки говхона деб турли ҳудуд шеваларидан келиб чиққан ҳолда турлича номланган. Бой хонадонларда отларни сақлаш учун мўлжалланган алоҳида хоналар мавжуд бўлган. Отхона ҳам сайисхона, аспхона ёки отхона деб номланган.

Ўзбек турар жойларини барпо этиш анъанаси асрлар давомида шаклланган бўлиб, турли хил омиллар яшаш жойлар қурилишига ўз таъсирини ўтказган. Энг катта таъсир кучига эга омил ўша ҳудуд иқлим шароитлари ва рельефи билан боғлиқ ҳисобланади. Ҳудудий омил Ўзбекистоннинг турли қисмларида ўзига хос тарздаги меъморий ечимни шаклланишига олиб келган ҳисобланади. Кейинги ўринда эса дин билан боғлиқ омил турар жойларнинг тузилишига ўз таъсирини кўрсатган ҳисобланади.

II боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, XIX аср Ўзбекистон турар жойлари композициясининг ўзига хос хусусиятлари турли омиллар таъсирида шаклланган. Худудий омилнинг ривожланиши натижасида Ўзбекистоннинг тарихий-географик ҳудудларида ўзига хос бўлган турар жой кўринишлари барпо этилган. Бу давр учун хос бўлган яна бир хусусият иқлим шароитларига мослашган ҳолда қулай уй-жойлар қуриш анъанаси ҳисобланган.

XIX асрхалқ меъморчилик мактаби анъаналарнинг бой тажрибасини мерос қилиб қолдирди. Бу анъаналар турар жойлар қурилишининг конструктив тузилишида, бадий безаклар билан безалишида, хоналарнинг жойлашишида яққол намоён бўлади. Халқ турар жойлари бевосита халқ турмуш тарзи билан боғлиқ бўлганлиги сабабли яшаш учун қулай тарзда барпо этилган. Хўжайиннинг ташқи ҳовлиси унинг касби тақозосидан келиб чиққан ҳолда қурилган. Асосий ва хўжалик хоналарнинг тузилиши ва сони шунга асосан белгиланган.

Ички ҳовли эса оила аъзоларининг яшаши учун мўлжалланган хоналар, меҳмонхона ва бошқа кундалик турмуш тарзида фойдаланиладиган хоналардан ташкил топган.

Турар жой кўриниши унда истиқомат қилувчи инсонларнинг турмуш тарзи, касб-кори, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, дидидан далолат беради. Яшаш жойларининг типи худудий хусусиятларга кўра ҳам туркумланади.

Мазкур даврга оид турар жойлар конструктив ва хомашёнинг ишлатилиши жиҳатидан деярли барча худудларда бир хил тузилишга эга. Аммо иқлим хусусиятларига мослашиш, бадий безакларни қўллаш бўйича бир-биридан кескин фарқ қиладиган жиҳатларни ҳам ўзидан намоён қилади. Бу хоналарнинг тузилишида ҳам яққол кўринади. Бир типдаги хоналар турли худудларда турлича меъморий эчимда акс этган. Айниқса, айвонларни барпо этишда аниқ кўзга ташланади.

III боб. Бухоро меъмори чизган тарх реконструкцияси

3.1. Бухоро меъмори чизган иморат тархи таҳлили (ҳар бир хона вазифаси ва улар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш)

Тарх – бу иморат плани бўлиб, у шунчаки эскиз, схема ёки майда қисмларигача ўйланган ва ишлаб чиқилган гумбаз билан ёпилган иншоот чизмаси бўлиши мумкин. Эскиз плани бу иншоот қурилишига кетадиган хомашёларни ҳисоблаш учун қўлланилиб, у мусаввад деб номланган. Меъморчиликда план уста – меъмор ёки муҳандис томонидан яратилиши мумкин. Бунда улар тарҳкаш уста ёки реже тарроҳ деб номланган.

Ҳозирда Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик қўлёзмалар институтида сақланадиган бизгача етиб келган номаълум меъморга тегишли бўлган Бухоро турар жойининг тархи магистрлик диссертациясининг объекти ҳисобланади.

Бу чизма бухоролик меъморнинг икки қаватли турар жой биноси тархи ҳисобланади. Чизма тушда ингичка қоғозга чизилган. Биринчи қоғозда уйнинг биринчи қавати чизмаси туширилган. Бу планда иккинчи қаватнинг икки қаноти туширилган икки кичкина қоғоз катта қоғоз устига бириктирилган.

Тарх изоҳлар билан тушунтирилган, хоналарнинг номи ва ўлчами ёзилган. Данлар бу узунлиги, қадлар бу кенглиги, бар тушунчаси эса барча хоналарнинг кенглиги ҳисобланган. Фақатгина шохнишин томонида чуқурлик маъносини англатадиган – чуқури сўзи қўлланган. Деворларнинг қалинлиги кўрсатилмаган. Ўрнатилган тартибга кўра планда ягона масштаб қўлланилмаган. Бу чизиқли ўлчамни аниқлаштиришни қийинлаштиради.

План симметрик композицияга эга: марказда катта зал (хонаи калон – 8 x 16,5 газ) ғўлали томонларда катта токчалар – шохнишинлар (3 x 5 газли) жойлашган. Анъанага кўра шохнишинлар қибла томонга мўлжаллаб ишланган (жанубий ғарб ёки ғарбий қисмга), ҳар бир уйда тахминан мўлжал

олиб қурилган. Марказий кириш хонаси шимолий ва жанубий пешайвонлар орқали кириладиган хона – дахлиз (4,5 x 7 газгача бўлган)га етаклаган. Ҳар портик (катта бинога туташтириб солинган колоннали пешайвон) айвонча (эни 2 газ) томонидан киришга эга бўлган. Айвон ва дахлизнинг пастида хона – таххона (4,5 x 9 газ) дахлиз ва залга олиб кирувчи хона жойлашган. Учинчи кириш – таххона эшиги – бурчакдаги икки фасадга чиқилладиган айвонга (3 x 7,5 газ) олиб борган. Айвон ва шохнишинлар орасида квадрат хона (хонача 2 x 2 газ) жойлашган, унинг икки томонида иккинчи қаватга олиб чиқадиган винтсимон зина жойлашган. Юқорида ҳам шу тахлит жойлашган бошқа квадрат хона (3 x 3 газ) мавжуд.

Ташқаридаги айвонларда иккинчи қаватга кўтарилиш имконини берувчи ҳамда биринчи қаватга тушишни таъминловчи зиналар бўлган, аммо бу тарҳда бир қаватли зал хонаси ва шохнишин мавжуд эмас. Юқоридаги хоналар дахлиз устида бўлган ва таххонага томдаги ҳудди очик эшик кўринишидаги очик галереядан чиқилган.

Чизмада ягона кўрсатма таххонанинг уч деворли икки қаторли пахсадан ишланганлиги кўрсатилган. Барча деворлар пахсадан ишланиши учун белги қўйилган бўлиши мумкин, уларда ёғочдан асос сифатида фойдаланилган.

Тарҳ билан танишиб шундай хулосага келиш мумкин, меъмор томонидан ўйланган уй ғояси шаҳар ташқарисидаги саройни эслатади. Чизма чизилган вақт палеографик маълумотлардан кўринишича, XIX асрнинг иккинчи ярми бўлган.

Мазкур чизма уйнинг умумий ҳадмий композициясини кўрсатиб турибди. Бир нечта айвон, шохнишин ва интерьер безаклари Музаффархон саройидаги хоналар ва Бухородаги Ситораи Мохи Хосадаги Ахат-хона (ҳозирда вайрон бўлган)нинг аналогини эслатади. Шу омилларга таянган ҳолда биз бу тарҳни сарой типига, сарой хоналарини эслатувчи чизма десак, муболаға бўлмайди.

Чизманинг изоҳида аниқ кўрсатилган катта хона бир қаватли. Мутлақо равшан у шундай қурилган ва икки томонлама ёритилган. Бу ҳолда икки алоҳида бир-биридан умуман бошқача кўринишдаги композиция варианты бўлган бўлиши мумкин:

1) баландлиги ёнидаги уйлар баландлигидек баланд катта бир қаватли хона;

2) катта икки томонлама ёритилган бир қаватли хона унинг томи иккинчи қават хоналар билан бир хил баландликда ёки унлан ҳам юқорирок бўлган.

Уй планида иккинчи қаватда катта хонанинг йўқлиги биринчи вариант мослигини кўрсатади.

Бухоролик меъмор томонидан чизилган уй тарҳини янада яққол тушуниш ва изоҳлаш учун мазкур даврга оид бошқа меъморлар чизмаларини ҳам таҳлил қилиш мақсадаг мувофиқ.

Бу даврда ижод қилган ўзининг турли-туман кўринишдаги тарҳ ва чизмалари билан машҳур бўлган иқтидорли бухоролик меъмор Облоқул Ҳафизов бўлган. Унинг архивидан юздан ортиқ чизмалар сақланиб қолган, турли типдаги биноларнинг чизмаси мавжуд, оддий турар жой объектларидан тортиб мураккаб типдаги сарой комплекслари ва шаҳар ташқарсидаги чорбоғлар, фавворалар ва бошқаларни кўриш мумкин. Меъморнинг ҳисоб китоблари иш сифати ва қурилиш материалларига боғлиқ бўлган.

Бунинг учун ишчи план, яъни хомаки режа – мусаввад тузиб олган, у ёки бу хонанинг жойлашиш ўлчамидан келиб чиққан ҳолда элементларни келтирган – айлана, ярим айлана, вертикал ва горизонтал чизиқларни ишлатган. Кейин барча план ҳисобланиб, қурилишнинг тахминий ҳажми келиб чиққан.

Облоқул Ҳафизовнинг ижодий ва график хатини тушуниш учун унинг лойиҳаларидан бирини кўздан кечириш етарли бўлади.

Унчалик катта бўлмаган уйнинг плани туш билан бажарилган. Уй синчли, асосий деворлар уч чизиқли, даҳлиз ва очик жойларгина икки чизиқли, айвон эса бир чизиқли қилиб белгиланган. Равоқлар планда икки чизиқ ёки ярим айлана чизиқлар билан берилган. Зиналар қизил, деразалар кўк ранг билан кириш жойлар туш билан бўялган, устунлар ҳам қизил ранг билан ишланган. Бош хонанинг (12 х 6 газ) кесилган бурчаклари атрофида тўғри тўртбурчак шаклда, етти устунли айвонлар (7 х 4 газ) симметрик тарзда даҳлизлар (7 х 4 газ) ва кичкина хоналар (7 х 5 газ) жойлашган. Бош хонанинг узун қисмига равоқли қатор шохнишин жойлашган (10 х 4 газ).

Кўплаб эски тархларнинг таҳлили кўрсатишича, меъмор лойиҳаланган ишда асосан фақатгина хоналарнинг ички ўлчамини газда белгилайди. Бинони биргина шу ўлчов билан қуриш мумкин эмас, бу табиий, икки қаватли хоналарнинг барпо этишда деворларнинг қалинлиги ҳам ҳисобга олинган. Тархларда кўпинча қуйидаги ўлчовлар учрайди ҳамда бу томонларнинг муносабати (газда) ни англатади:

Эни - қад	5	5	5	4	5	4
Узунлиги – бар	10	9	8	8	7	6
Мутаносиблиги	1:2	1:1,8	1:1,6	1:2	1:1,2	1:1,5

Шуни инобатга олиш лозимки, бу давр меъморларининг ишларини тушуниш учун масштабни чизиқни инобатга олмаслик лозим.

Тарз – фасад ёки бинонинг умумий кўриниши. Уй тарҳини тарз тасвирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай тарзи мавжуд тархлардан бири ёзги айвон – ротондли икки қаватли фасадга эга уй чизмаси бизгача сақланиб қолган.

Чизма қалам билан қалин қоғозга бажарилган. Фасаднинг асосий элементлари ва ойналар тушда ишланган. Қоғознинг орқа томонига қурилажак бинога тавсиф ёзилган. Ёзувнинг биз учун аҳамиятли қисмида “...

чизма хижрий 1321 йилда (милодий 1903)да бухоролик рассом Муҳаммаджон томонидан бажарилган”.

Бинонинг фасади симметрик композицияга эга. Симметрия ўқи равоқли айвонлар иккинчи қават баландлигида бўлган ҳамда иккинчи қаватга ротонд ўрнатилган. Айвон унчалик катта чуқурликда эмас, эҳтимол буларнинг барчаси бу ерда бош кириш эшиги бўлганини кўрсатади.

Ярим ертўла кўринишидаги бинонинг қисми худди цоколга ўхшатишган. Деворлар юзаси “қирма” техникаси ёрдамидаги геометрик нақшлар билан қопланган. Ертўланинг туйнуклари квадратсимон кўринишда.

Бино қаватлари ечими деярли бир хил. Ойналар хошияланган, икки дераза орасидаги деворлар фигурали равоқлар билан сувалган. Охиридаги карнизлар кучли ботиқ ҳолда кириб тортилган, уларнинг юзаси гирих нақшлар билан безатилган. Гирихнинг ноодатий кўриниши шундай фикрга келиш мумкинки, меъмор бу ерда сталактит карниз-шарафа чизмасини тасвирлаган. Горизонтал ва вертикал проекциянинг тўлиқ аралашishi шарқ миниатюраси учун одатда унчалик муҳим эмас, буни биз халқ усталари ишларида ва амалиёт жараёнида кўришимиз мумкин.

Карнизнинг барча узунлиги орнаментли панжаралар билан мувафакқиятли – ўзига хос ўймакорликка эга. Панжаралар бинонинг марказидан ёзги хоналарга бўлган тугалланиш нуқтасига қараб қараб саккиз қиррали (ёки олти қиррали бўлиши мумкин) бўлиб кетганга ўхшаб кўринади. Ҳар бир бинода нақшлар масштабининг диспорциясини кузатиш мумкин.

Ён фасад қисми тарҳда аксонометрик тасвирланган. Бу ерда ҳам бош фасад аниқ ритм ва мотивда қайтарилган, фақатгина ойналар тўғритўртбурчак шаклда тугалланган.

Деталларни беришдаги диспорцияга қарамай, бинонинг проекти аниқ, оригинал ҳамда бир мунча меъморий фантазияга берилган ҳолда ишланган. Бу лойиҳани кўриб меъмор боғ-парк биносини ўйлаган деб фикрга келиш мумкин.

XIX асрдаги лойиҳалар ўзига хослиги катта меъморий дид асосида бажарилганлиги билан ажралиб туради.

Номаълум бухоролик меъмор томонидан чизилган тархдаги хоналар вазифаси қуйидагилардан иборат. Чизмалардаги умумий яққоллик ва аниқлик лойиҳалардаги қурилиш-техник ўзига хосликлар ва эстетик талабларни яширмаган. Бу қисмлар бизгача ёзма маълумотлар орқали етиб келган.

Марказдаги катта хона асосан меҳмонхона вазифасини бажарган. Унда шохнишинларнинг мавжудлиги бошқа хоналарга нисбатан катта ва баланд қилиб қурилгани бу фикрга келишимизга сабаб бўла олади. Бухоро меҳмонхоналарини шохнишинсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бухоро меъморлик анъаналарига муносиб тарзда чизилган мазкур тархда икки томонлама жанубий ва шимолий кириш даҳлизларини борлигини кўриш мумкин. Анъанавий тарздаги устунлардан иборат айвонлардан сўнг ёзги ва қишки уйлар мавжуд. Квадрат хонадаги зиналар иккинчи қават билан биринчи қаватни боғлашга хизмат қилган.

Бухоролик номаълум меъмор чизган лойиҳада таххонанинг мавжудлиги ёзги иқлим талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган. Таххона эшиги айвонларга чиқишга ҳам хизмат қилганини кўриш мумкин. Уйлар бир-бири билан кириш эшиклари орқали боғланган ҳамда юқори қаватдаги хоналар эсаа зиналар билан бир-бирига бириктирилганини кўриш мумкин. Чизмада юқори қаватдаги квадрат хона вазифасини аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Фикримизча, у яшаш учун ажратилган хона бўлса керак. У айвон ва шохнишин орасида жойлашган. Балки у қабулхона вазифасини бажаргандир. Маълумки, Бухоро турар жойларида уй эгаси касби тақозосидан келиб чиққан ҳолда ишхона, ҳозирги замон тилида айтадиган бўлсак, офис вазифасини бажарувчи хоналар мавжуд бўлган.

Бу даврга хос бошқа номлари маълум бўлган бухоролик меъморларнинг ишларини таҳлил қилиб хулосага келиш мумкинки, мазкур

номаълум меъмор қаламига мансуб тархда сарой хоналари чизмасининг бироз соддалаштирилган варианты ҳисобланади.

Бу типдаги лойиҳаланган уйлар асосан шаҳар ташқарисида чорбоғ кўринишида барпо этилган. Шаҳар ташқарисдаги сарой, кўрғонларни эслатган яъни йилнинг маълум фаслидагина чиқиб дам олиш учун мўлжалланган уй чизмаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам хоналар катта ва шинам, меҳмонхона ҳашаматли тарзда лойиҳаланган.




Рис. 1. План жилого дома.

3.2. Бухоро меъмори чизган тарҳни XIX аср халқ меъморчилигига хос ҳолда чизмада реконструкциясини бажариш

Бинони лойиҳалаш ва уни барпо этиш жараёнида меъморлар қўллаган услублар тадқиқ этиш мазкур тарҳни XIX аср халқ меъморчилигига хос ҳолда чизмада тиклаш имкониятини юзага келтиради. Бинонинг мустаҳкам ва пишиқ қилиб лойиҳалашда меъморлар қуйидагиларга эътибор беришган:

1. Қурилиш учун жой танлаш. Қурилиш учун жой танлаш икки хил тарзда амалга оширилган:

а) олдиндан қурилиш учун мўлжалланган ернинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда буюртмачи истагини ҳисобга олган ҳолда турар жой чизмасини яратиш;

б) олдиндан яратилган турар жой чизмаси асосида қурилиш қилиш учун тарҳга мос ер участкасини топиш.

Қурилиш учун жой танлашда грунтнинг пишиқ ва мустаҳкамлиги инобатга олинган. Ер участкасида ҳеч қандай қумликлар ва чўкишлар бўлиши керак бўлмаган.

2. Ҳовли саҳни. Турар жойлар қурилишида ҳовли саҳни аниқ ажратилган бўлиши лозим. Агар ҳовли саҳни уйни юқорига кўтариб турса, учбурчак шаклга эга бўлади, иморатни шундай жойлаштириш керакки, ҳовли тўртбурчак шаклга эга бўлиши лозим. Учбурчак, ромб ва параллелограмма кўриниши бетўхтов ва ноэстетик кўринади. Шунинг учун ҳовлининг номуносиб қисмини олиб ташлаш лозим, бунда квадрат, тўғри тўртбурчак, олти бурчак ёки саккиз бурчакли ҳовли ҳосил бўлади.

3. Асос (фундамент). Асоснинг кенглиги ва чуқурлиги бино ўлчамига мувофиқ аниқ бўлиши лозим. Агар бино унчалик катта бўлмаса ҳамда бир қаватли бўлса, асос 1 ёки 1,5 газ кенгликка эга бўлиши керак, чуқурлигининг ҳажми ҳам шунча бўлиши лозим. Агар иморат баланд қилиб мўлжалланган бўлса, икки ёки уч қаватли фундамент кенглиги ва чуқурлиги

хам шунга мувофиқ бўлади. Шунинг учун ғиштни шундай қўйиш керакки, фундаментга сув кириб кетмаслиги лозим.

4. Цоколь (деворнинг пастки қалинроқ қисми) баланд бўлиши керак, бу иморатнинг ҳашаматли ва салобатли кўриниши учун муҳим аҳамиятга эга.

5. Девор. Деворнинг кенглиги асоснинг кенглигидан камроқ бўлади. Қаватларни ажратувчи деворнинг қалинлиги ҳам одатий кўринишда бўлади. Агар иморатнинг иккинчи қаватида ҳам турар жой барпо этилса, пастки қават деворларидан юқори қават деворлари бир мунча ингичка бўлади. Иморатнинг кейинги қаватларига нисбатан деворнинг қалинлиги ҳам ингичкалашиб боради.

6. Том. Болорларнинг сони тоқ бўлиши лозим бўлган. Жуфт сон бино томи учун мустаҳкам ва сув ўтказмаслиги жиҳатидан яхши белги ҳисобланмаган.

7. Режа ва нисбат. Хонанинг баландлиги унинг энидан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Масалан, даҳлизнинг эни 4 газ бўлса, унинг баландлиги 4 газдан баландроқ бўлган. Хоналарнинг майдони квадрат шаклга эга бўлмаган, шу сабабдан ҳам интерьердан фойдаланиш ноқулайлик туғдирган. Хоналарнинг узунлиги уларнинг кенглигидан узунроқ бўлган, асосан қуёшга яқин жойга мўлжал олган ҳолда барпо этилган. Бинонинг ташқи эшиги девор бўйлаб ўрнатилган, у деворнинг кенглигига мос ҳолда эмас аксинча, узунлиги билан параллел равишда жойлашиши лозим бўлган. Эшикнинг олди томони жанубга қараб қурилмаслиги анъанага кирган. Буни бахтсизлик келтирувчи омил сифатида баҳолашган. Далон бу эшикдан олдинги узун йўлак ҳисобланган. У баланд ва кенг қилиб қурилган, бинога олиб кирувчи бош эшик ички эшикларга нисбатан катта ва баланд бўлган. Ташқи дарвоза ўзининг безакларининг гўзаллиги билан яққол ажралиб турган. Кичкина эшиклар безаги унчалик даражада бой бўлмаган.

8. Вентиляция. Хонанинг ички қисмида ҳаво айланиши учун туйнуклар мавжуд бўлиши лозим бўлган. Бу каби туйнуклар уйларни тоза ҳаво билан таъминлаган.

Марказий Осиё меъморчилигида хонани об-ҳавоси ҳовли об-ҳавоси билан яқин бўлишига эришиш ҳамда бу икки жой манзараси композицион жиҳатдан мутаносиб бўлишига алоҳида эътибор берилган. Буни амалга оширишда айвон қўл келган. Айвон хона билан ташқи муҳитни боғловчи қисм вазифасини ўтаган. Унинг ҳовлига қаратилган очиқ томони маназарани хонага олиб кираётгандек ёки аксинча, хонани манзарага олиб чиқаётгандек туюлади.

Айвон баҳор, ёз, куз фаслларида хонадоннинг асосий дам олиш жойидир. Оила аъзолари бу пайтда кўп вақтини шу жойда ўтказишади. Унинг девори, шифтига ишланган ранг-баранг, нафис нақшлар ҳам табиат манзараси билан ҳамоҳанглиги боис киши ўзини табиат қўйнида ўтиргандек сезади.

Айвоннинг тураржой меъморчилигида қўлланиши ўша жойнинг иқлим шароити ва хоналарнинг иқлим шароитидан келиб чиққан. Жумладан, Бухорода кўп устунли баланд айвон, асосан ёзги хоналарга кўндаланг ҳолда қўшилган. Бухоро тураржойларида ним айвон кенг қўлланилади. Ним айвон биринчи қават устидаги оддий айвонга нисбатан торрқ бўлиб, иморатнинг бир томонини эгаллайди. Ним айвон ёз ойларида дам олишга мўлжалланган.

Шу сабабдан ҳам чизмада бухоролик меъмор акс эттирган тарх бўйича ним айвонларни тиклаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Айниқса, Бухоро иқлимидан келиб чиқадиган бўлсак, иморат қурилишида айвонларнинг ўрни ниҳоятда катта эканлигини англаш қийин эмас.

Бу даврда барпо этилган иморатлар шакли нафақат ташқи функционал вазифаларга жавоб берган, бундан ташқари эстетик қарашларни ҳам ўзида мужассам этган. Меъморлар кўплаб оригинал бетакрор вариантда турар жойларни лойиҳалаганлар ва барпо этганлар. Мазкур даврда турар жойларда кенг қўлланилган безаклардан бири гириҳ ҳисобланади.

Гириҳ сўзи сўзма-сўз тугун, тўкилиш деган маънони англатади. Ҳақиқатдан ҳам меъморлик ёдгорликларида кўплаб гириҳлар мавжуд, геометрик асос асосий ечим сифатида қўлланилади. Алоҳида маҳоратга эга бўлган усталар “гириҳкор уста” деб аталади.

Тўғри ишланган гириҳ бир раппортнинг қайтарилишидан ҳосил қилади. Раппорт гириҳнинг ўлчов бирлиги ҳисобланади. Бу ўлчов чексизлик шаклидир.

Раппортнинг маҳаллий номи тақсим бўлган. Гириҳ нақшининг бир канча турлари мавжуд бўлиб, улар турлича номланган. Жумладан:

1. Саккиз-тўрт узангилик гириҳ. Раппортнинг контури квадрат кўринишда бўлган. Чизикларнинг тузилиши мураккаб бўлишига қарамай, раппорт композицияси содда бўлган. Асосий нуқталар квадратнинг диагонали бўйлаб ётган. Олтибурчаклар тўрт қиррали юлдуз атрофида жойлашган ва унга узанги номи берилган, ромб шакллар, учбурчаклар – тумор, туморча деб аталган.

2. Ўн икки – тўрт узангилик гириҳ. Раппорт контури квадрат кўринишга эга бўлган. Чизик бир бурчакни олтига бўлган.

3. Саккиз қопчиқ узангилик гириҳ. Раппорт контури квадрат шаклга эга бўлган. Бурчаклар тўрт қисмга бўлинган.

4. Олти ёштин гириҳ. Раппорт контури тўғри тўртбурчак шаклда бўлади. Қарама-қарши томонларидаги бурчаклар 3 қисмга бўлинади.

5. Ўн беш довуллик гириҳ. Раппорт контури тўғри тўртбурчак. Қарама-қарши томонларидаги бурчаклар 5 қисмга бўлинади.

6. Ўн икки – беш довуллик гириҳ. Раппорт контури тўғри тўртбурчак шаклга эга. Қарама-қарши томонларидаги бурчаклар олти қисмга бўлинади.

Яна бир турар жой безакларидан бири бу муқарнас ҳисобланади. Муқарнас – ҳосилаларнинг умумий номи саналади.

Хоналар деворлари сомонли лой, ганч билан суваб, пардозланган шокиласимон жимжимадор арақилар, жозибадор нақшлар, якка-якка ўйма оқ

нақшлар қўлланилган. Шифт тўсинлари кўндалангига туташтирилган. Бинонинг олд томонида арақи ишлатилмайди, панжаралари ганчдан тайёрланади. Улар нафис шаклларда ишланади. “Бағдоди” деб юритиладиган эшик ва деразалар кенг тарқалган. Эшиклар нақшларида такрорийлик мавжуд. Жимжимадор нақшлар кўзни камаштиради. Баланд баҳаво ёзги хона тантанавор кўринади. Меҳмонхона учун тураржой биносининг бурчагидаги хоналардан бири ажратилади⁵².

Ҳовли ансамбли қуйидагича жойлашади. Уй дарвозахонадан бошланади. Дарвозахона йўлагидан ўтиб, ҳовлига кирилади. Дарвозахона тепасида болохона мавжуд. Болохона бир хонали бўлади. У дарвозадан кирилгач усти ёпиқ йўлак устига қурилади.

Ҳовли – очик осмон остидаги интерьер ҳисобланади. Хонадон аъзолари унда турли уй-рўзғор юмушларини бажаришади, ўзаро суҳбатлашиб ўтиришади. Ҳовли ҳаёт қайнайдиган жой ҳисобланади. Айниқса, жазирама ёз пайтларида ундаги ўт-ўлан, дов-дарахтлар, салқин соя бериб, ишлаш ва дам олиш учун қулайлик яратади. Тураржой биноларини ихчам қурилиши ҳовли сатҳини кенг бўлишини таъминлайди. Ҳовли ишлаш ва дам олиш майдони бўлиш билан бирга, эстетик вазифани ҳам бажаради. Унинг турли таркибий қисмлари бир-бири билан боғланган ва мувофиқлаштирилган.

Ҳовли ансамблидаги меъморий унсурлар бир-бири билан боғланиб кетганлиги, хоналар ва айвоннинг уланганлиги уни кўркам кўрсатади. Хоналар ташқи томондан бежирим кўриниб, уларнинг меъморий тузилиши қуйидагича бўлади: икки-уч жойдан эшик ва дераза ўрнатиш учун жой қолдирилади ва бинонинг олд томонидаги эшик тепасига панжара ўрнатилади.

Эшик ва деразаларнинг сирти турли ўйма нақшлар (паргори, бағдоди, ислими) билан безатилган. Кўпроқ ромб, айлана, учбурчак шаклидаги

⁵² Ўринбоева М. Ўзбекистон аҳоли тураржойлари меъморлиги ва бадиий маданияти // Санъат. – Тошкент, 2005. – № 5. – Б. 10.

ханласавий нақшлар чизилган ва уларнинг ораси ўсимликсимон нақшлар билан тўлдирилган. Тўрсимон нақшлар ҳам кенг тарқалган. Қушлар тасвири ҳам ишланган. Бу эса ушбу нақшлар бевосита табиатдан олинганлигини билдиради. Аммо нақшлар замон ўтиши билан ўзгариб борган. Шунинг учун улар дастлаб қандай маънони англатганини аниқлаш қийин.

Деразаларнинг юқорисида ўрнатилган қадимги панжаралар асосан ёғочнинг кичкина бўлаклари ва гипсдан тайёрланган. Панжараларнинг хандасавий шакли маҳаллий нафис услубда яратилган бўлиб, улар сомонли сувоқ билан сувалган деворга мос тушади. Панжараларнинг очиқ жойларига аввалари қоғоз ёпиштирилган. Кейинчалик уларнинг ўрнига турли рангдаги ойналар ўрнатилган.

Уй интерьерлари лойсувоқ қилинган ёки ғишт терилган пол, синчли девор, юпка ёғоч тахта қоқилган шифтдан иборат. Хоналар ўлчами ўртача 5.5-6 x 3,5 м.ни ташкил қилади. Хоналар бир-бирига туташтириб қурилган. Интерьер муайян маконни эгаллаб, хоналарни бир-биридан ажратиб турган.

Бухоро уйларининг бир тарафидагина тахмон учун токчалар ажратилгани билан бошқа худудлардан ажралиб туради.

Уйларни пардозлаш, безатишда нафис ганч нақшлар қўлланилган. Шунингдек уйлар ўйма ёғоч нақшлар билан ҳам безатилган. Ўйма ганч нақшлар билан безатиш кенг тарқалган.

XIX аср охири – XX аср бошларидаги Бухоро турар жой меъморлиги беағи халқ ҳунармандларининг кўплаб авлодлари тўплаган тажриба маҳсулидир.

Бухоро турар жой меъморлиги беағи Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидагидан бадий мукамаллиги ва услуб яхлитлиги билан ажралиб туради. Бухоро наққошларининг сўнмас шуҳрати сири н7афақат анъананинг мустаҳкамлигида, балки Бухоро усталари учун безак санъати, нақш шунчаки пардоз эмас, балки қурилиш санъатининг ажралмас қисми

саналганлиги билан белгиланади. Бу нақшлар бино тоифаси, девори, шипи ва безагини алоҳида эътиборга олинган ҳолда қўлланилган⁵³.

Ҳар бир унсурнинг ўрни ва вазифаси махсус белгилаб қўйилганлиги сабабли, Бухоро нақши меъморий конструкция билан узвий боғлиқдир. Бу жиҳатдан у жуда тектоникдир.

XIX аср охири – XX аср бошларидаги Бухоро наққошлиги ва маҳаллий усталарнинг ижодий режалари ҳақида уларнинг чизма ва расм архивлари маълумот беради. Бу маълумотлар қисман мерос қолган ва қисман ўчирилган. Уларнинг аксарияти усталарнинг ўзи томонидан яратилган. Халқ усталарининг бундай архивлари Ўзбекистон давлат санъат музейида, Бухоро Давлат бадиий меъморчилик музей-қўриқхонаси фондларида ва қисман усталарнинг авлодлари қўлида сақланмоқда. Улар дафтар тарзида бир-бирига елимланиб, ўсимлик, гул нақши контури бўйлаб игна билан тешилган. Ушбу бадиий мерос намуналари маҳаллий қоғоздан, ғиштдан мозаика яратиш қораламаларидан, шарафа, нақшли ток ва куббалар лойиҳалари ва чизиқларидан ташкил топган. Бу дафтарларда баъзан устанинг барг, шохча, гул, нишон қораламаси, шаклли ток ва бошқаларнинг ифодали шакллари ишлаган машқлари ҳам учраб туради. Бухоролик номаълум меъмор томонидан яратилган тарҳни тиклаш интерьер безакларини ҳам тиклашни талаб қилади. Шу сабабдан ҳам бухоролик наққошлар ишларини чуқур тадқиқ қилиш лозим.

Бухоролик меъмор тарҳини чизмада тиклаш жараёнида юқорида тилга олинган жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ички ва ташқи ҳовли кўринишида гавдалантирилди. Ташқи дарвоза равоқли, айвонлари олд томонга қаратилган тарзда, мухташам дарвозахонали қилиб тикланган. Ички ҳовли эса устунлар кўтариб турган айвонлар билан ўралган шаклда қад ростлаган. Чизмадан кўриш мумкинки, ички ва ташқи ҳовли меъмор тарҳидаги каби бир-биридан деярли фарқ қилмайдиган тарзда ишланган.

⁵³Бўронов Б. Бухоро тураржой меъморлигининг зийнати//Санъат. – Тошкент, 2003. – № 4. – Б. 27.

3.3. Бухоро меъмори чизган тарҳни макетда реконструкциясини яратиш

Табиий иқлим шароитлари ва ўрта аср Шарқига хос ижтимоий-сиёсий тизим тураржойларнинг ўзига хос ёпиқ бўлишига сабаб бўлган. Шаҳарликлар ишдан бўш пайтларини ўз уйларида ўтказишган. Меҳмонхона улар учун кичкина оромгоҳ вазифасини ўтаган. Турар жой бинолари атрофи калин девор билан ўралган. Бу девор уйни ёзнинг жазирама иссиғи, шаҳарнинг бўғиқ ҳавосидан муҳофаза қилиб турган, ҳовли ва тураржой бинолари озодалиги ва қулай иқлими таъминланган.

Тураржой бинолари ташқари ва ичкари қисмларга ажратилган. Ташқари қисмда меҳмонхона, устахона, отхона, омбор, хўжалик буюм-анжомлари турадиган хоналар жойлашган. Баъзи кишилар хўжалик ишларига мўлжаллаб, алоҳида ҳовлича яратиб олишган. Ер майдони кенгрок бўлса боғ ҳам барпо қилишган. Тураржой биноларини қуришда табиий иқлим шароитидан келиб чиқилган. Шунга асосланган ҳолда бинонинг режаси, ҳажми ва ташқи бадий безаклари белгиланган. Ўзбекистон ҳудудида тураржой биноларини қуришда табиий иқлим шароитидан келиб чиқилган. Шунга асосланган ҳолда бинонинг режаси, ҳажми ҳамда ташқи бадий безаклари белгиланган. Ўзбекистон ҳудудида тураржой биноларини қуришда табиий иқлим шароити алоҳида ўрин тутди. Чунки бу ўлкада қуруқ чўл ҳудуди ҳам баланд тоғ ҳудуди ҳам мавжуд. Тураржойни қуришда пойдевор қўйиладиган тупрокни зичлиги, шамолнинг йўналиши, бинони қуришда ишлатиладиган материаллар муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, меъмориликнинг табиий шароит (рельефни эътиборга олган ҳолда) га мос-мувофиқлигига жиддий эътибор қаратилади.

Бу ерда иқлим қуруқ бўлгани учун сув муҳим аҳамиятга эга. Агар уй атрофида боғ бўлса, албатта ҳовуз қуришади ва унинг атрофига дарахтлар экиб ўстиришади. Ҳовуз олдида супа барпо қилишади. Унда оила аъзолари ва

меҳмонлар ўтириб дам олишади. Ҳовли салқин бўлиши учун унинг ичидан ариқлар ўтказишади ва кичкина ҳовузча қуришади.

Атрофнинг кўкламзор бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Уй қуриладиганда унинг тевагаида ўсаётган дарахтлар ҳам албатта инобатга олинади.

Тураржой бинолари ташқаридан қараганда унчалик диққатни жалб қилмайди. Улар қалин пахса деворлардан иборат кўринади. Соялар кўланкаси пешайвон, панжарасимон тешиқлар – иморатнинг меъморий белгиларини ташкил қилади. Аммо ҳовли ичкарасидаги манзара тамоман бошқача: айвон сояси ҳовли сатҳини жудаям салқин қилиб туради, узум ишқомлари қуёш нурини тўсиб, жазирама иссиқ тафтини қайтаради, ҳовли юзи саранжом-сарашта, тоза ва озода, шинам. Ҳовли ичкарасидаги биноларнинг меъморий жиҳатдан ўзига хос бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Иморатларнинг ичи кенг бўлиши назарда тутилади. Ҳар бир хонадон соҳиби биринчи навбатда хоналарнинг бадий безалиши, жиҳозлагиши, кўринишига, кейин эса ҳовлининг айна шу жиҳатлари кўркам бўлишига ҳаракат қилади.

Тураржойни безаш жараёнида девор юзасини ганчхок билан суваш, ганчдан қўйилган қовурғалар ёрдамида “изора” га бўлиш, унинг устида ораларига йўлак қолдирилган тўғри бурчакли “дахана”лар ва унинг тепа қисмида эса ганч тахтақлардан қоралама бажарилган шарафага ажратиш кабилардан бошланади. Равоқларнинг тепасига қуйма ганч тахтақлар ёрдамида шарафанинг қоралама бажарилган унсурлари ўрнатилган. Улар пардозланаётган уйлар ва айвонлар меъморий безагининг муҳим унсурларини ташкил қилади. Унсурлар безак-нақшдек кўринса-да, текислик юзасида ёки бўртмада эмас, балки фазода қабарик тарзда жойлаштирилган. Бу меъморий безакларнинг биринчи босқичи саналган. Баъзи ҳолларда қуриладиган уй соҳибининг имконияти йўқлиги сабабли, уй безаги шундайлигича қолдирилган. Бундай хоналар бироз ғариб кўринса-да, аммо

хар бир унсури оқланган, тузилиши аниқ бўлганлиги сабабли, ифодали шаклга эга бўлган.

Бир синчли хоналарга равоқ ўрнатишнинг имконияти йўқлиги сабабли, ганч тахтаклардан ҳосил қилинган ва баъзи ҳолларда улар устидан бир неча қатор токчали “мино” ўрнатилган. Девор тепаси “тунук”, “тесакнок” ва “имом қози хеш” деб юритилувчи бир мунча мураккаб шарафалар билан тугалланган. Икки синчли хоналарда эса уй-рўзғор буюмлари сақланадиган чуқур равоқлар (токчабанди) ўрнатилган.

Хоналарни безатишнинг навбатдаги босқичида девор гулганч билан сувалган ҳамда ўймакорлик ва наққошлик билан безатилган. Изорада хандасавий шаклли нақш ва “турунж” лар, девор марказидаги намоёнларда, ўқсимон меҳроб ёки “ток”, “дахана-паррон”лар жойлашган. Дахана намоён тепасида жойлашган. Кичик намоён – “китоба”, кейин “дахана” , унинг остида “лаъли” тарзида алмашилиб келган. Равоқнинг ўқсимон юзаси ўймакорлик ва наққошлик билан, тепаси эса “қолибкори”, “муқарнас” ва “ироқи” каби ток-куббалар билан безалган.

XIX аср охирида наққошлик таъсирида бўлса керак, Бухоро тураржойлари ганч ўймакорлиги рангли бўёқлар билан қоплана бошлаган. У дастлаб тухум аралаштирилган маҳаллий бўёқлар ёрдамида, кейинроқ эса мойбўёқда амалга оширилган. Бундай безаш усули асосан бойлар уйларида кўп қўлланилган.

XX аср бошларида наққошлик оммавий тус олди. Чунки катта ҳаражат ва меҳнат талаб қиладиган ганч ўймакорлигига қараганда наққошлик арзон эди. Бу гўзалликни севувчи ва ўз уйини хафсала билан безамоқчи бўлган ўртамиёна шаҳар аҳолиси учун янги имкониятлар яратди. Аққошлик безаклари равоғи бўлмаган энг оддий бир синчли уйларда ҳам қўлланила бошланган. Сомон сувоқ юзасига жуда юпқа сувалган ганчда деворнинг деярли барча қисми наққошлик безаклари билан қопланган.

Бухоролик номаълум меъмор тарҳини макетда тиклашда эътибор қаратиладиган яна бир жиҳат бу шоҳнишинлар ҳисобланади. Бошқа

худудлардан фарқли ўлароқ Бухоро тураржойларида шоҳнишинлар кенг қўлланилган.

Бухоро халқ меъморчилигида меҳмонхоналар қуриш ва уни безашга алоҳида эътибор берилган. Жумладан, Бухоронинг амалдор ва бойлари ҳовлиларида меҳмонхона асосий ўринни эгаллаган. Меҳмонхоналарнинг ҳажми, унинг катта-кичик қилиб қурилиши хона соҳибларининг жамиятдаги мавқеларига боғлиқ бўлган. Меҳмонхона кўпинча шимолга, айрим ҳолларда шарққа қараб қурилган. Меҳмонхона учун баъзан биринчи, гоҳида иккинчи қават танланган.

Меҳмонхона худди ёзги ва қишки хоналар каби даҳлиз ва мадонга эга бўлиб, уларга нисбатан икки баравар баланд бўлган. Даҳлиз ва мадонлар устида эътиборли меҳмонлар учун алоҳида “шоҳнишинлар” қурилган. Халқ меъморчилигидаги бу унсур сарой меъморчилигидан олинган. Шоҳнишин шифти меҳмонхона шифтига тенг бўлиб, улар меҳмонхона ичига қаратилган даричалар билан боғланади. Одатда икки синчли қилиб қурилган меҳмонхона эшиги устида шоҳнишин деразаси жойлашган. Баъзида эса шоҳнишин хонанинг пастки қисмида лоджия тарзида учрайди. Масалан, Шарифбек ҳовлисидаги катта меҳмонхона учта шоҳнишинга эга. Пастки шоҳнишин узун девор узра жойлашган бўлиб, икки томонида таҳорат олиш учун мўлжалланган кичкина хоначалар мавжуд. Уларнинг устида олтига ўқсимон гнач панжара тўсилган ва хона ичкарасига қараган иккинчи шоҳнишин бор. Хонанинг даҳлиз деворида эса учинчи шоҳнишин жойлашган. Ҳурматли меҳмонлар аксарият ҳолларда пастки шоҳнишинларда, айрим ҳолларда юқори шоҳнишинларда ўтиришган. Юқоридаги шоҳнишин шифтининг пастлиги ва даричаларнинг кичиклиги туфайли тор ва паст бўлиб, ўтиришга ноқулай бўлган. Шуниси ҳам борки, биринчи қаватдаги шоҳнишинда ўтирган меҳмон кўпчиликка кўриниб турган. Иккинчи қаватдаги

шоҳнишинда ўтирган киши эса ўзи кўриниш бермай туриб, меҳмонхонадаги кишиларни кўриб, суҳбатларини эшита олган⁵⁴.

Бухоролик йирик савдогар Убайдуллохўжанинг шимолга қараган ёзги уйининг ўртасидаги даҳлиз иккига ажратади. Даҳлиз устида жойлашган шоҳнишин икки деразага эга бўлиб, иккита хонага қарайди. Иккинчи қаватда жойлашган шоҳнишинлардан шарқдагиси ҳам иккита деразага эга бўлиб, бири катта хонага, иккинчиси эса қишки шимолий хонага қаратилган. Фақат ғарбдаги шоҳнишин катта хонага қаратилган битта дарчага эга. Умуман олганда, тўғри бурчакли ҳовли атрофида жойлашган деярли барча баланд ва паст уйларда жойлаштирилган бетакрор шоҳнишинлар мавжуд.

Бухоро амирининг яқин қариндошларидан бирининг ёзги уйида ғарбий шоҳнишин анъанавий бўлса, шарқий шоҳнишин икки эшикли девор билан иккига бўлинган: жанубий қисм даричаси шимолга қараган катта меҳмонхонага, шимол томондагиси эса учта ўқсимон тоқли ҳовлига қараган очик галереяни ташкил қилади; ҳовлидан шимолий деворнинг ярмига ўхшаб кўринади. Бу шоҳнишиннинг тепаси пастдан кўришга мўлжалланган учта шарафали ҳавзакларга эга.

Ғарбий шоҳнишин деворларидаги қадимий безаклар сақланмаган. Аммо шарқий шоҳнишин деворларида ўзгача деворий суратлар бор. Даҳлиздан зина орқали шоҳнишинга кўтарилганда ғарбий девор икки равоғининг бирида совуқ рангларда ишланган тоғ манзараси узра ҳудди осмондаги юлдузлари каби қизил, кўк гуллар сочилган. Иккинчи равоқда эса, анъанавий кўзали гулбутани эслатувчи, аммо кўк гултувақдан униб чиққан лимон дарахти сариқ мевалари билан жуда аниқ чизилган. Ундан кейин жойлашган дарча устидаги равоқда эса қирғоғи тик қояли денгизда сузаётган кема тасвирланган. Бу даврда европача услубларнинг ҳам халқ меъморчилигига кириб келганлигни кўриш мумкин.

⁵⁴ Бўронов Б. Бухоро шоҳнишинлари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2003. – № 3-4. – Б. 56.

Бухоролик номаълум меъмор тарҳида уй интеръери безаклари кўрсатилмаганлиги сабабли ҳам мазкур даврга мансуб бизнинг кунимизгача сақланиб келган тураржой иморатларидаги энг кўп қўлланилган безаклардан фойдаланилган ҳолда макетда реконструкцияни амалга ошириш мақсадга мувафиқ ҳисобланади.

Макет реконструкцияси ишимизнинг ашёда бажариладиган қисми ҳисобланиб, чизмада акс этган лойиҳамиз амалий жиҳатдан макетда акс этади.

Бухоролик номаълум тарҳини макетда тиклашда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1. Макетда чизмадаги каби ҳар бир хона тузилишини алоҳида ифодалаш имконияти мавжуд эмаслиги.

2. Интеръер безаклари тарҳда акс этирилмаганлиги сабабли, тахминий тарздаги ёндошувнинг мавжудлиги;

3. Мазкур тарҳда акс этирилган турар жой намунаси тузилиши яхлит тарзда очиқ бериш имкониятининг мавжудлиги.

4. Тураржой композициясининг ҳажмий жиҳатдан реконструкциясини амалга ошириш.

Бухоролик меъмор томонидан лойиҳаланган мазкур тураржой тарҳини реконструкция қилиш жараёнида ҳовлини тураржойларни лойиҳалаштиришда мусулмон қонун-қоидаларига амал қилинади, яъни ҳовли икки қисмга ажратилади: кичик қисми эркаклар учун бўлиб, у ташқари ҳовли дейилади ва кўча билан бевосита алоқадорликка эга, ҳовлининг катта қисми аёллар учун мўлжалланган бўлиб, у ичкари ҳовли деб номланади.

Тураржойларнинг лойиҳаси, иморатларнинг ҳажми ва хоналар сони, шунингдек, ички қисмининг бадиий беаги кўп жиҳатдан уй эгаларининг ижтимоий ҳолатига боғлиқ бўлган.

Тураржойлар қурилишида асосан енгил ёғоч қаламаларнинг оралари хом ғишт ёки лойдан қилинган гувалалар билан тўлдирилган, шунингдек, кесаклар, таёқчалар, қамиш дастлари ва бошқа яровчи хом ашёлардан

фойдаланилган. Қобирғали тарздаги тураржойлар биринчи навбатда тез-тез, каттиқ zilzilalar рўй берадиган ҳудудларга мансублигини таъкидлайди, у бинонинг чидамлилигини оширади ҳамда бинонинг аҳамиятсиз шикаст етган қисмини осонгина қайта тиклашга имкон яратади. Уй-жой деворларининг қалинлиги бир ёки икки қобирғали бўлиб, 40-60 см қалинликда бўлади ва иссиқлик ўтказмасликка хизмат қилади. Бир қобирғали девордан ҳовли деворлари ва хўжалик биноларида фойдаланилади, меҳмонхона ва айвонларни тиклашда эса икки қобирғали девордан фойдаланилган. Уйларнинг эшиклари ва дназалари албатта ҳовли томонга очилган.

Яшаш ва хўжалик уйларининг томлари ясси кўринишда бўлиб, тупроқдан қилинган. Хонанинг пастки қисми (пол) лойдан иборат бўлган ҳамда у деворнинг пастки қалинроқ қисмигача кўтарилган бўлиб баъзида сомонли лой ва гач билан сувоқланган, камдан-кам ҳолларда эса пишиқ ғишт ётқизилган. Деворнинг пастки қисмига бир неча қатор пишиқ ғишт терилган (20-30 см баландликкача).

Бухоролик номаълум меъмор тарҳини макетда реконструкция қилишда асосан тарҳда акс эттирилган лойиҳани макетда аниқ ва тўғри талқин қилиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур даврга хос бўлган интерьер безакларини қайта тиклаш жараёнида (интерьер безаклари тарҳда акс эттирилмаганлиги сабабли) бу даврга оид бизнинг кунимизгача сақланиб қолинган безакларни тадқиқ қилишга тўғри келди. Ўзбекистон давлат санъат музейи экспозициясидан ўрин олган XIX аср охири – XX аср бошларидаги Бухоро тураржойларида акс этган интерьер безаклари ўрганилди ва шу асосда макет қисми реконструкциясида ушбу элементлардан унумли фойдаланилди.

Бухоролик номаълум меъмор тарҳининг реконструкцияси жараёни мураккаб илмий тадқиқ қилишни талаб қилувчи илмий ва ижодий тадқиқотни ўзида мужассамлаштирган мураккаб жараён ҳисобланади.

III боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон анъанавий уй-жой меъморчилиги ўзида минтақага мансуб табиий иқлим шарт-шароит кўникмаларини сингдирган бўлиб, бинонинг вазифавий роли унинг эстетик жиҳатлари билан бевосита боғлиқ. Бугунги кунда халқ усталари ва меъморларининг тажрибаларига мурожаат қилиш, кўп мингйилликлар давомида тўпланган билим ва маҳоратни англаш ва уларни қайта кўриб чиқишга зарурат туғилмоқда.

Шу нуқтайи назардан олиб караганда, бухоролик номаълум меъмор томонидан яратилган тарҳни тиклаш жараёнида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. Бухоро тураржойлар қуриш анъанаси тадқиқ қилинди.
2. Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудидаги тураржойлар меъморлигининг ўзига хос хусусиятлари таҳлилий тарзда ўрганилди.
3. Тарҳда акс этган хоналарнинг вазифасини аниқлаш, уларни композицион ечимини тадқиқ қилинди.
4. Бухоролик номаълум меъмор томонидан яратилган тарҳ чизма ва макетда реконструкция қилинди.

Меъмор тарҳида ифодаланмаган жиҳатлар илмий тадқиқ қилиш жараёнида тўлдирилди. Бунинг учун XIX аср охири – XX аср бошларидаги Бухоро ҳудудига оид бўлган тураржойлар интерьерлари ўрганилди. Музейларда сақланаётган тураржойларга хос бўлган безак намуналари, фотолар орқали бизгача етиб келган тураржой намуналари безаклари тадқиқ қилинди. Шу тарзда макет ва чизмада номаълум меъмор томонидан лойиғаланган тураржой намунаси тўлиқ қайта тикланди.

Меъмор тарҳини ўрганиш ва реконструкция қилиш жараёнида бу тураржой намунаси ўзига тўқ, бадавлат инсонга тегишли бўлган бўлиши мумкин, унинг буюртмасига кўра лойиҳаланган бўлиши мумкин деган хулосага келинди.

Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон ҳудудида тураржой барпо этиш анаъаналарида қуйидаги омиллар етакчи роль ўйнаган:

1. Тураржойлар барпо этишда иқлим хусусиятларини ҳисобга олиш. Бу Бухоро меъморлигида “тобистони”, “зимистони” хоналарда кўзга ташланса, Хоразмда “терс айвон”, “ўнг айвон” кабиларда намоён бўлади.

2. Диний омилнинг мавжудлиги. Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудлари учун хос бўлиб, тураржойлар ислом дини таъсирида ички ва ташқи ҳовлилар тарзда барпо этиш анъанаси шаклланган. Ташқи ҳовли асосан эркаклар фаолияти ва кўча билан бевосита боғланган кичик қисм, аёллар учун эса уй-рўзғор ишлари учун ҳам мўлжалланган катта қисмли ички ҳовлининг мавжудлигини кўриш мумкин.

3. Ер участкасининг етишмаслиги натижасида икки-уч қаватли қилиб иморат барпо қилиш.

4. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос меъморий унсури мавжудлиги. Масалан, Бухоро-Самарқандда меҳмонхонада шоҳнишинларнинг мавжудлиги, Тошкентда равонларнинг юзага келиши, Фарғонада мўрилли тураржой кўринишларининг пайдо бўлиши ва ҳоказо.

5. Ҳар бир ҳудуд учун хос бўлган интерьер безакларида ўзига хослик ва анъанавий безакларнинг мавжудлиги.

6. Хомашё сифатида барча ҳудудларда лойдан фойдаланиш ва зилзилага бардошли синч уйлар қуриш конструкцияси кенг тарқалганлиги.

Бухоролик номаъулм меъмор тарҳини тиклаш жараёнида Бухоро меъморлигига хос хусусиятлар ҳам тадқиқ қилинди. Бухоро яшаш жойлари учун характерли хусусият ёзги хоналарнинг шимол томонга, қишки хоналарни эса жануб ёки ғарбга қаратиб қурилишида кўзга ташланади. Бу каби кўриниш ташқи ҳовли учун ҳам хос. Бой хонадонларда яна бир қатор хоналар мавжуд бўлиб улар ғарб ва шарққа қаратиб қурилган. Бир мунча дабдабали ва баланд қилиб қурилган ёзги хоналар икки қатор ойнали, олди

томонида бир, баъзан икки болхонали қилиб қурилган. Хоналарда азиз меҳмонлар учун мўлжалланган шохнишинлар мавжуд бўлган. Шохнишин Бухоро уйлариининг махсус қисми бўлиб, бошқа ҳудудлардаги ўзбек турар жойларида кам учрайди.

Ўзбекистон ҳудудида XIX асрга хос бўлган тураржойларнинг композицион тузилишида ҳам ўзига хос хусусиятлар мужассамлашган. Жумладан, Ҳовлилар ташқи ва ички қисмларга бўлинади (ташқари ва ичкари ёки бирун ва дарун). Биринчисида хўжайин ташриф буюрувчиларни қабул қилган ва ҳунар билан шуғулланган, бу ерда меҳмонхона (қабулхона), отхона, омбор, ем-ҳашак сақланадиган хона бўлган; иккинчиси оила ҳаёт кечириши учун мўлжалланган бўлиб, яшаш учун мўлжалланган уйлар – хона, хизмат кўрсатувчи хоналар – ошхона, омборхона ва бошқаларга бўлинган. Баъзида махсус хўжалик ҳовлилари ҳам мавжуд бўлган, бир қанча шаҳарларда ҳовли ўз таркибига боғни ҳам қамраб олган. Ичкари ва ташқари периметр кўринишида қурилган ва хоналар ҳовли томонга очилган.

Ўзбекистон шаҳарларида ташқи ҳовли композицион жиҳатдан салобатлироқ қурилган. Бу билан меъморлар, биринчидан, уйнинг кўча томондаги пештоғини бойитиш, тантанавор қилиш билан бирга унинг тарҳ жиҳатдан функционал вазифасини кучайтиришга ҳаракат қилишган. Ташқи ҳовли кўпинча икки қаватли қилиб қурилиб, унинг биринчи қаватида хўжалик хоналари, айвонлар жойлаштирилган. Иккинчи қаватда атрофи айвон билан ўралган меҳмонхоналар бўлган.

Бухоролик номаълум меъмор тарҳи мазкур тадқиқот жараёнида чизма ва макетда реконструкция қилинди. Бу жараёнда тарҳда акс эттирилган лойиҳани тўлиқ тикдашга алоҳида эътибор қаратилди. Интерьер безакларини тиклаш ишлари жараёнида музейларда сақланаётган мазкур даврга оид Бухоро тураржой безак намуналаридан фойдаланилди.

Бухоро тураржой меъморчилигида нақшлар ўзининг кўп қиёфали мавзулари, жойлашиши ва бажарилиш услуби билан ажралиб турган, нақшлар доим симметрия қонунларига бўйсундирилган.

Ганч ўймакорлиги композицияларига мувофиқ ҳолда манжунтол, вазадаги гулдаста сингари сеvimли мавзулар кенг қўлланилган. Ҳандасавий композициялар, яъни гириҳлар бир-бирига чатишиб кетган нуохрли юлдузлар, ромб ва кўпбурчаклардан ташкил топган. Нур ва соя ўйинларини бойитиш мақсадида ўйма бўртма нақш оқ қолдирилиб, фонга эса композицияга боғлиқ ҳолда турли рангда жило берилган.

Бухоролик нуфузли кишилар уйларида силлиқланган девор ва эшикларда нақшли бўртмалар кенг қўлланилган. Бўртмалардан деворларни, меҳмонхона ва айвонларни шифтларини безашда ҳам фойдаланилган. Кейинчалик деворий бўртмалар ўрнини ганч ўймакорлиги эгаллаган, бу эса безак композициясига бетакрор гўзаллик бахш этган.

Бухоро тураржой меъморлиги мактаби меъморий лойиҳалашда, қиёфавий-фазовийликда ҳамда бадий-безаш жараёнида ўзининг етуклиги ва етакчи мавқеи билан ажралиб туради. Бу бухоролик номаълум меъмор тарҳини тиклаш жараёнида яққол кўзга ташланди.

Адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 30 август 2001 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қонуни. 29 июль 2002 йил.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ бадиий хунармандчиликлари ва амалий санъатни янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 1997 йил 31 мартдаги ПФ-1741-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 200-сонли Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

1. Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон Фармони.
2. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М.Мирзиёв. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. -56 б.
3. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси

бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисдаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017 йил. -104 б.

IV. Асосий адабиётлар.

1. Нозилов Д. А. Халқ меъморчилиги. – Т.: Фан, 1982. - 96 б.
2. Нозилов Д. А. Ўрта Осиё меъморчилиги ва меҳмонхоналар. – Т.: Ўзбекистон, 1977. - 24 б.
3. Сухарева О. А. Бухара XIX город – начало XX веков (позднефеодальный город и его население). – М. Наука, 1966. - 327 с.
4. Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. –Т.: Ўзбекистон, 1995. -140 б.
5. Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. -140 б.
6. Манакоева В.Н. Художественная культура народного жилища Узбекистана. – Т.: Издательство литературы и искусства, 1989. - 184 с.
7. Abdullayev N. O'zbekiston san'ati tarixi. – Т.: O'zbekiston faylasuflar ilmiy jamiyati, 2007. - 236 б.
8. Хўжанов И.М. Фарғона водийси қишлоқ аҳолиси ва анъанавий турар жойларнинг этнохудудий хусусиятлари (XIX аср охири – XX аср бошлари). Диссертация. – Т.: 2007.
9. Машарипова С.А. Амударё қуёи оқими минтақаси халқ меъморчилиги. Диссертация. – Т.: 2004.
10. Джумабаев Х.К. Архитектурный облик и эстетические качества сельского жилища Хорезма (традиция и новаторство). Автореферат. – Баку, 1990. - 18 с.
11. Азимов И.М. Архитектура Узбекистана XVIII – нач. XX вв.: Традиции и локальные особенности. Автореферат. – Т., 1999.

V. Қўшимча адабиётлар.

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2004. -704 б.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 10-жилд. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2005. -656 б.
3. Ўзбекистон санъати (1991–2001) – Т.: Шарқ, 2001. - 240 б.
4. Булатов С. Ўзбек халқ амалий санъати. – Т.: Мехнат, 1991. - б.

V. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

1. Абдурасулев Р.А. Архитектура народного жилища Узбекистана // Архитектурное наследие Узбекистана (сборник статей). –Т.: Издательство академии наук Узбекистана, 1960. – С. 6-37.
2. Ремпель Л. И. Архитектура старого Джуйбара // Архитектурное наследие Узбекистана (сборник статей). –Т.: Издательство академии наук Узбекистана, 1960. – С. 162-220.
3. Ўринбоева М. Ўзбекистон аҳоли тураржойлари меъморлиги ва бадиий маданияти // Санъат. – Тошкент, 2005. – № 5. – Б. 8-10.
4. Бўронов Б. Бухоро тураржой меъморлигининг зийнати // Санъат. – Тошкент, 2003. – № 4. – Б. 27-28.
5. Бўронов Б. Бухоро шохнишинлари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2003. – № 3-4. – Б. 56-57.
6. Дўстматова З. XIX – XX аср бошларида Тошкент анъанавий уй-жой меъморчилиги // Санъат. – Тошкент, 2000. – № 1. – Б. 8-9.


VII. Интернет сайтлари.

1. <http://www.academy.uz> (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси).

2. <http://www.mcs.uz> (Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлар вазирлиги).
3. <http://www.stateartmuseum.uz> (Ўзбекистон давлат санъат музейи).
4. <http://www.temurid.uz> (Темурийлар тарихи давлат музейи).
5. [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).
6. <http://www.gov.uz> (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали).
7. <http://www.uzreport.uz>(Информацион агентлик).
8. <http://www.ziynet.uz> (ZiyoNET – информацион таълим тармоғи).

И Л О В А

Самарқанд турар жойларининг умумий кўриниши




Самарқанддаги Қози Абдурасул мавзесидаги ҳовли тузилиши:


А – ташқари: 1 – дарвозахона, 2 – меҳмонхона, 3 – сайисхона (отхона), 4 – дахлиз, 5 – болохона, 6 – омборхона, 7 – қудуқ;

Б – ичкари: 1 – дахлиз, 2 – хона, 3 – ошхона, 4 – хожатхона

Хива турар жойларининг умумий кўриниши





I-I




Хивадаги Ёқубов уйи. XIX асрнинг охири.

1 – кириш, 2 – даҳлиз (долон), 3 – терс-айвон, 4 – ули-айвон, 5 – сарой, 6 – пеш-уй; мехмонхона, 7 – ёнбош-уй, 8 – ошхона, 9 – тегирмон

Тошкент турар жойларининг тузилиши



План 1 го эт.



Тошкент Қорасарой кўчасидаги уй тузилиши:


А – дарвозахона ва отхона; Б – ташқари: 1 – мехмонхона, 2 – яшаш хоналари.

Б – ичкари: 1, 2, 3, – яшаш хоналари – уй, 4 – олд даҳлиз, 5 – ошхона, 6 – хожатхона.

Бухоро турар жойларининг тузилиши



Разрез



План подвала

План I этажа



План II этажа

Бухородаги Абдуллабек уйи. Уста Ширин Муродов томонидан қурилган.

I – Бирун: 1 – кўчадан киравериш, 2 – отхона, 3 – дахлиз, 4 – ётоқхона,
5 – хожатхона, 6 – меҳмонхона, 7 – омборхона;


II – Дарун: 1 – дахлиз, 2 – ёзги яшаш хоналари (хонаи тобистони), 3 – ғарб ва шарққа қараган хоналар, 4 – қишки хонлар (хонаи зимистони), 5 – мадон, 6 – ошхона, 7 – омборхона, 8 – шохнишин, 9 – айвонча (ним-айвон).

Фарғона турар жойларининг тузилиши



Водилдаги Тўйчибой Дадабоев уйи. Фарғона.


I – ташқари, II – ичкари, III – мевали боғ, 1 – меҳмонхона, 2 – яшаш хоналари, 3 – омборхона, 4 – товукхона, 5 – молхона.



Қўқондаги XIX аср ўрталарига мансуб тураржой:

Икки яшаш хонасининг эшиклари айвон томонга қараган.

Шаҳрисабз турар жойларининг тузилиши



Шахрисабздаги қори Турсун уйи. XIX аср ўртаси.

1–2–хоналар, 3 – ошхона, 4 –ёрдамчи хоналар, 5 – молхона, 6 – айвон. Ташқари ҳовлидаги меҳмонхона.



**Самарқанд, Каттакўрғондаги тураржой. Д.Нозилов реконструкцияси,
1979.**



Намангандаги тураржой. Д.Нозилов реконструкцияси, 1980.




Самарқанддаги тураржой. Д.Нозилов реконструкцияси, 1978.




Тошкентдаги тураржой. Д.Нозилов реконструкцияси, 1980.


**Ўзбекистон давлат санъат музейи экспозициясидан ўрин олган Бухоро
тураржой безакларидан намуналар**











Архитектурный проект

